1. Ong – voqelikning kishi miyasida uning butun ruhiy faoliyatini o‘z ichiga olgan va ma’lum maqsadga yo‘nalgan holda aks etishi.
2. Fikr – tafakkurning aniq bir natijasi.
3. Tafakkur - o‘ylash, muhokama qilish, voqelikni anglash, tasavvur qilish, unga baho berish, fikrlash qobiliyati.
4. Inson tafakkuri til va nutq bilan chambarchas bog‘liqdir.
5. Tafakkur zaruriy tarzda moddiy so‘z qobig‘ida mavjuddir.
6. Fikr tilda so‘zlar vositasida shakllanadi.
7. Til- imkoniyat sifatida aloqa-aralashuv, fikr almashuv quroli.
8. Nutq - tildan fikr almashuv maqsadida foydalanish usuli, jarayoni.

**ADABIYOTLAR:**

1. **Sodiqov A. va boshq.** Tilshunoslikka kirish. – Toshkent: O‘qituvchi, 1981.
2. **Irisqulov M.** Tilshunoslikka kirish.-Toshkent: O‘qituvchi, 1992.
3. **Xayrullaev M., Haqberdiev M.** Mantiq. -Toshkent: O‘qituvchi, 1993.

4. **Mahmudov N.** Ma'rifat manzillari. -Toshkent: Ma'naviyat, 1999.
5. **Tajenov J.** Dialektika nazariyasi. - Toshkent: O'zbekiston, 2001.
6. **Rahmatullaev Sh.** Til qurilishining asosiy birliklari. -Toshkent, 2002.
7. **Yo'ldoshev I., Sharipova O'.** Tilshunoslikka kirish.-Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007.
8. **Rasulov R.** Umumiy tilshunoslik.-Toshkent, 2010.

**MAVZU:**

**TILNING PAYDO BO'LISHI TILLARNING O'ZARO TA'SIRI VA UNING RIVOJLANISH QONUNIYATLARI.**

**SAVOLLAR:**

1. Tilning paydo bo'lishi haqidagi farazlarni so'zlab bering.
2. Sizning tilning paydo bo'lishi haqidagi shaxsiy fikringiz qanday?
3. Tillarning o'zaro ta'siri tilning qaysi sathida yaqqol namoyon bo'ladi?
4. O'zbek tili lug'at boyligining rivojida qaysi tillarning ta'siri katta?
5. O'zbek kitobatchilik terminologiyasi misolida tillarning o'zaro ta'sirini izohlab bering.
6. O'zbek kitobatchilik terminologiyasiga xorijiy tillardan o'zlashgan qaysi terminlarni bilasiz?
7. Substrat nima?
8. Superstat nima?

**ASOSIY TUSHUNCHALAR:**

1. Tilning paydo bo'lishi haqidagi farazlarning eng maqbuli – ijtimoiy kelishuvlar haqidagi farazdir.
2. O'z so'z – tilning aslida o'ziga mansub bo'lgan (boshqa tildan o'zlashmagan), tilning o'z qatlami asosida yasalgan so'z.
3. O'zlashgan so'z - o'zga tildan qabul qilingan so'z.
4. O'zlashtirish - o'zaro ta'sir, aloqa natijasi sifatida bir til unsurlarining boshqa tilga qabul qilinishi.
5. Tillarning o'zaro ta'siri va rivojlanishi, ayniqsa, tilning leksik sathida yaqqol namoyon bo'ladi.
6. Dunyoda o'zga tilning ta'siridan xoli bo'lgan biron bir til mavjud emas.
7. O'zga tildan so'z o'zlashtirishning ijobiy va salbiy tomonlari bor.
8. Substrat – tillarning chatishishi natijasida mag'lub tilning g'olib tilda qoldirgan izlari.
9. Superstatda kelgindilar tili mahalliy tilga sezilarli ta'sir o'tkazadi, lekin uni siqib chiqara olmaydi.

**ADABIYOTLAR:**

1. **Sodiqov A. va boshq.** Tilshunoslikka kirish. – Toshkent: O'qituvchi, 1981.
2. **Irisqulov M.** Tilshunoslikka kirish.-Toshkent: O'qituvchi, 1992.
3. **Ahmedov B.** Tarixdan saboqlar. – Toshkent: O'qituvchi, 1994.
4. **Yo'ldoshev I.** O'zbek kitobatchilik terminologiyasi. – Toshkent: Fan, 2005.
5. **Yo'ldoshev I., Sharipova O'.** Tilshunoslikka kirish.-Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007.

**MAVZU:**

**TIL TARAQQIYOTINING JAMIYAT TARAQQIYOTI BILAN MUNOSABATI. TIL SISTEMASI VA STRUKTURASI.**

**SAVOLLAR:**

1. Til va jamiyatning uzviy bog'liqligini izohlab bering.
2. Tilning ijtimoiy funksiyalari nimalarda namoyon bo'ladi?
3. Til taraqqiyotining ichki va tashqi qonuniyatlarini izohlab bering.
4. Til sistemasi nima?
5. Til strukturasi nima?
6. Sistemaning besh jihatini izohlang.
7. "Til - sistemalar sistemasi" deganda nimani fushudingiz?
8. Til strukturasi elementlari qaysilar?

**ASOSIY TUSHUNCHALAR:**

1. Til va jamiyat uzviy bog'liqdir.
2. Til – tabiiy, ruhiy, ilohiy emas, balki ijtimoiy hodisadir.
3. Til taraqqiyotidagi ichki qonuniyatlar tilning o'z tabiati asosida (o'z mohiyatidan) kelib chiqadigan taraqqiyot jarayonlarini ifodalovchi qonunlar hisoblanadi. Ular lingvistik omillarga tayanadilar.
4. Til taraqqiyotining tashqi qonuniyatlari ijtimoiy tuzum shakllari, tarixiy jarayonlar, xalqlar va millatlar o'rtasidagi iqtisodiy, siyosiy, madaniy va ma'rifiy aloqalar, ilm-fan rivoji, ishlab chiqarish va texnika taraqqiyoti, ijtimoiy tafakkur, inson ruhiyati, his-tuyg'ulari, til va yozuvga oid qonun va farmonlarga bog'liq bo'ladi.
5. Sistema o'zaro bog'liqlikdagi elementlar majmuasidan iborat bo'lib, bu majmua yaxlitlikni tashkil qiladi va undagi



... har biri alohida hamda o'zaro munosabatda tavsiflanadilar.  
 ... bu sistemadagi elementlarning munosabatlari asosida yuzaga keladigan tuzilmadir.  
 ... ar sistemasi hisoblandi, chunki u ichki bo'linuvchanlik xususiyatiga ega.  
 ... ning xususiyatlari ularning boshqa birliklar bilan munosabatga kirishuvda namoyon bo'ladi. Bunday  
 ... umumiy ko'rinishda uch turga bo'lish mumkin: sintagmatik, paradigmatic va ierarxik munosabatlar.  
 ... elementlari – til sathlari quyidagilardan iborat: *fonetik – fonologik sath*, *morfem – morfologik sath*,  
*leksik – semantik sath*, *sintaktik sath*.

#### ADABIYOTLAR:

1. Соловьев В.М. Язык как системно – структурное образование. –М.: Наука, 1977. –340 с.
2. Nurmonov A., Yo'ldoshev B. Tilshunoslik va tabiiy fanlar. -Toshkent: Sharq, 2001.
3. Sharipov M. Tilshunoslikka kirish.-Toshkent: O'qituvchi, 1992.
4. Sabirov A. O'zbek tilining leksik sathini sistema sifatida tadqiq etish. Filol.fan.d – ri ... dis. avtoref. – Toshkent, 2005.
5. Yo'ldoshev I., Sharipova O'. Tilshunoslikka kirish.-Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007.
6. Dushuy T., Safarov Sh. Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi. Toshkent: Fan, 2007.
7. Hamidxonov H. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –Toshkent, 2008.

#### MAVZU: FONETIKA VA FONOLOGIYA

#### SAVOLLAR:

1. Fonetika nimani o'rganadi?
2. Fonologiyaning predmeti nima?
3. Fonema tushunchasini izohlab bering.
4. Nutq tovushlarining akustikasi va artikulyastiyasi nima?
5. Unli tovushlarning (masalan, o'zbek tilidagi) tasnifini ayting.
6. Undosh tovushlarning (masalan, o'zbek tilidagi) tasnifini ayting.
7. Nutqning fonetik bo'laklari: jumla (faza), takt, bo'g'in, tovush haqida ma'lumot bering.
8. Enklitika va enkliza hodisasi. Proklitika va prokliza hodisasi.
9. Bo'g'in va uning turlarini izohlang.
10. Intonastiyaning vazifasi nimalardan iborat?
11. Urg'u nima va uning qanday turlari bor?
12. Nutq tovushlarining pozistion va kombinator o'zgarishlariga misol keltiring.
13. Reduksiya nima?

#### Asosiy tushunchalar:

1. Fonetika –tilshunoslikning fonetik birliklar, ularning fizik-akustik va b. xususiyatlari haqida ma'lumot beruvchi bo'limi.
2. Fonologiya - tilshunoslikning bir bo'limi bo'lib, u tilning tovush materiyasi taraqqiyotini va shu materiyaning fonologik sistemaga uyushish qonuniyatlarini hamda tildagi vazifalarini tadqiq qiladi.
3. Fonema - so'zlar, morfemalar va grammatik shakllarning tovush qobig'i, binobarin, ma'nolarni ham farqlash uchun xizmat qiladigan eng kichik segment birlik.
4. Vokalizm – unli fonemalar tizimi.
5. Konsonatizm – undosh fonemalar tizimi.
6. Segment birliklar – so'z yoki morfema tarkibida gorizontaal chiziq bo'ylab birin-кетин keladigan birliklar: nutq tovushi, bo'g'in, fonetik so'z, takt, fraza.
7. Supersegment birliklar – urg'u, ohang, melodika, pauza kabi ustama hodisalardir, ular so'zga, frazaga, gapga yoki nutqqa yaxlit holda aloqador bo'lishi bilan segment birliklardan farq qiladi.
8. Nutqning fonetik bo'laklari jumla (faza), takt, bo'g'in, tovushdan iboratdir.
9. Enklitika – urg'uli so'zdan keyin kelib, urg'u jihatdan unga qo'shilib ketadigan so'z.
10. Proklitika - urg'uli so'zdan oldin kelib, urg'u jihatdan unga qo'shilib ketadigan so'z.
11. Reduksiya – tovush artikulyastiyasining kuchsizlanishi natijasida tovush (ovoz)ning o'zgarishi, tovushning miqdor va sifat belgisi jihatidan pasayishi.

#### MASHQLAR

- 1-mashq.** Nuqtalar o'rniga kerakli unilarni qo'yib yozing.
1. Bug...ngi ishni ...rtaga q...yma. (Maqol). 2. Bog'...mizda ...lma, o'r...k, shaft...li, olx...ri va boshqa t...rli m...valar o's...di. 3. B...z ushbu yang... o'q...v yil... uch...n kitob-daft...rlarn... tayyorlab qo'yd...k. 4. O'zbekistonda b...lbul, ch...mchuq, q...rg'a, m...sicha singari q...shlar j...da ko'p.

- 2-mashq.** Quyidagi so'zlarni o'zbek tiliga tarjima qiling, «o» tovushining yozilishiga e'tibor bering. Ular

ishtirokida gaplar tuzing.

Играть, проходить, четыре, десять, лес, растение, правый, спросить, товарищ, мачеха, удобрение, думать, изменчивый, смерть, яма, косить, целовать, та девочка.

3-mashq. Quyidagi so'zlarni o'qing, ulardagi undosh tovushlarning talaffuziga ahamiyat bering.

<b>B</b>	<b>V</b>	<b>G</b>	<b>D</b>
baland	vabo	gavda	davlat
badiiy	vazir	gazanda	dazmol
badxat	vazifa	ganj	dala
bayonnoma	vazn	gap-so'z	dalda
bedavo	vakil	garov	danak
bozor	va'da	garchi	dastyor
bola	vijdon	gilam	dasturxon
bormoq	visol	guruch	daraxt
<b>J</b>	<b>Y</b>	<b>NG</b>	<b>G'</b>
jabr	yigirma	jang	g'alla
javob	yigit	singil	g'oz
jahon	yilqi	ko'ngil	g'ozga
jo'ja	yiroq	yangi	g'ov
jadid	yig'i	dengiz	g'ulom
jurnal	yig'in	bo'ldingiz	g'uncha
jirafa	yo'l	tong	g'ussa
jemper	yo'rg'ak	ming	
<b>Z</b>	<b>P</b>	<b>S</b>	<b>T</b>
zabon	paydo	sabab	taajjub
zavq	payt	sabzavot	tabaqa
zaif	panja	sabr	tabiat
zakiy	parvoz	savat	tabriknoma
zalp	pardoz	salom	talaba
zambil	pechak	savdo	tejamkor
zebo	peshin	sanash	tezlik
ziyo	piyoz	savob	tepa
<b>F</b>	<b>SH</b>	<b>R</b>	<b>K</b>
favvora	shabada	ravish	kabi
fazilat	shamol	razolat	kabob
fayz	shakar	ranj	kabutar
faol	sham	rassom	kal
farzand	shapko'r	Ra'no	keng
fikr	sharoit	rivoj	kesak
firqa	shifokor	ravoch	ket
farz	she'r	rus	kel
<b>CH</b>	<b>H</b>	<b>X</b>	<b>Q</b>
chavandoz	havas	xabar	qadam
chayla	hayot	xavf	qabul
chak-chak	haj	xayt	qadr
chaman	hosil	xasis	qayer
chet el	hayrat	xamir	qalam
chumchuq	hakim		qaysar
<b>M</b>	<b>N</b>	<b>L</b>	
mablag'	nabira	lavha	
mabodo	navbat	lanj	
madad	navro'z	lafz	
modda	Nafisa	lobar	
maydon	namoz	lola	
maktab	negiz	loyiq	

**4-mashq.** Jarangli undosh bilan boshlangan soʻzlarni birinchi ustunga, jarangsiz undosh bilan boshlangan ikkinchi ustunga yozing.

Namuna: Jarangli Jarangsiz  
voha havas

havas, paxta, doʻppi, dastroʻmol, tut, somsa, zirak, shaftoli, ipak, sholi, chumoli, koptok, gulzor, tutzor, gʻoʻzalar, gʻuncha, ziyrak, chunchuq, kaptar, xursand, deraza, devor, kitob.

**5-mashq.** Soʻzlarni oʻqing, «j» tovushining ikki xil turini ajratib aytib bering.  
juda, jar, jim, jazo, javob, jiya, jiyan, majlis, joy, ajab, byudjet, peyzaj, passajir, hujjat, ehtiyoj, juma.

**6-mashq.** N+g va «ng» tovushlarini farqlab aytib bering. Misollarni daftaringizga koʻchirib oling va rus tiliga oʻzgartirib qiling.

alanga	gung	oldinga	tanglay
menga	gurung	oʻngga	soʻngra
senga	eng	jangga	koʻngil
unga	yengil	zangori	rang

**7-mashq.** Quyidagi soʻzlarni boʻgʻinlarga ajrating va boʻgʻin turlarini aytib bering.  
Aloqa, bino, baland, bahor, dara, daraxtlar, ish, ishchilar, davomat, oʻqituvchi, oʻquvchi, jiddiy, zafar, mehnatsevar, singil, eʻlon, oila, tanga, koʻngil, oyijon, adajon, buvi.

Namuna: a-lo-qa, bi-no.

**8-mashq.** Mantiq urgʻusini hosil qilish uchun gaplarni qaytadan tuzing.

1. Kecha biz shoirlar bilan uchrashdik.
2. Bugun madaniyat saroyida katta konsert boʻldi.
3. Yozgi taʼtil vaqtida onamga yordam berdim.
4. Biz ertaga maʼruzadan keyin kinoga boramiz.

#### ADABIYOTLAR:

1. Nurmonov A. Oʻzbek tili fonologiyasi va morfonologiyasi.-Toshkent, 1990.
2. Abdurazizov A.A. Oʻzbek tili fonologiyasi va morfonologiyasi.-Toshkent, 1992.
3. Nabieva D. Oʻzbek tilida lisoniy birliklarning invariant-variant munosabati (fonologik sath). Filol.fan.nomz...dis. – Toshkent, 1998.
6. Yoʻldoshev I., Sharipova Oʻ. Tilshunoslikka kirish.-Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007.
7. Bushuy T., Safarov Sh. Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi. -Toshkent: Fan, 2007.
8. Jamolxonov H. Hozirgi oʻzbek adabiy tili. –Toshkent, 2008.
9. Jamolxonov H. Oʻzbek tilining nazariy fonetikasi. –Toshkent, 2009.

#### MAVZU:

#### YOZUV. ALFAVIT. ORFOGRAFIYA VA UNING PRINSIPLARI

#### SAVOLLAR:

1. Yozuv nima?
2. Yozuvning jamiyat taraqqiyotidagi ahamiyati nimalarda koʻrinadi?
3. Yozuvning paydo boʻlishini izohlab bering.
4. Yozuv tarixining piktografik bosqichini izohlang.
5. Yozuv tarixining ideografik bosqichini izohlang.
6. Yozuv tarixining fonografik bosqichini izohlang.
7. Yozuv qurollari va materiallari nimalardan iborat boʻlgan?
8. Alfavit. Hozirgi oʻzbek alfaviti va lotin yozuvi asosidagi oʻzbek alifbosi.
9. Orfografiya nima?
10. Orfografik prinsiplarni izohlang va ularga misollar keltiring.

#### Asosiy tushunchalar:

1. Yozuv muayyan bir tilda qabul etilgan va kishilar oʻrtasidagi muloqotga xizmat qiladigan yozma belgilar yoki tasvirlar tizimidir.
2. Yozuv kishilik jamiyatining obʻektiv zaruriy ehtiyoji asosida paydo boʻldi, shu ehtiyoj negizida rivojlandi va takomillashib bordi. U bugun biz biladigan yozuvlar shaklini olgunga qadar uzoq va murakkab tadrifiy taraqqiyot

yo'lini bosib o'tdi.

3. Piktografik yozuvda bildirilmog'chi bo'lgan fikrlar inson, hayvon, qayiq kabilarning sxematik tarzidagi rasmlarini tushirish orqali ifodalangan.

4. Ideografik yozuvda so'zning grammatik va fonetik shakllari aynan berilmaydi, balki unda mazkur so'z anglatishi mumkin bo'lgan ma'no maxsus grafik belgilar orqali ifodalanadi.

5. Fonografik (grekcha phone - tovush, grapho - yozaman) yozuv tilni nafaqat grammatik tuzilishini, balki uning fonetik tuzilishini, ya'ni so'zning tovush tarkibini ham aks ettiradi.

6. Alfavit (alifbo) - yozuv shakllarining (harf va belgilarning) majmui, ma'lum tartibda joylashgan holatidir. Har bir tilning o'z alfaviti mavjud bo'lib, u davlat miqyosida tasdiqlanadi.

7. Orfografiya - muayyan til yozuv sistemasining to'g'ri yozish me'yorlarini belgilaydigan imlo qoidalari. Tilshunoslikning imlo qoidalari xususida bahs yurituvchi bo'limi ham orfografiya deyiladi.

8. Fonetik prinsip asosida tuzilgan imlo qoidalariga ko'ra so'z yoki so'z shakllari talaffuzdagi ko'rinishga mos ravishda yoziladi.

9. Fonematik prinsip asosida tuzilgan imlo qoidalariga ko'ra harflar (yoki grafemalar) so'z tarkibidagi fonemalarga moslab tanlanadi.

10. Morfologik prinsip yoki analogiya prinsipi asosida tuzilgan imlo qoidalari so'zning ma'noli qismlarini (o'zak va affiks morfemalarni), ular qanday talaffuz qilinishidan qat'iy nazar, asliga (tipik shakliga) mos ravishda yozishni talab qiladi.

11. Grafik prinsip, aslida, orfografiya qoidalarini emas, grafika qoidalarini belgilaydi - grafemalarning grafikada kodlashtirilgan fonemalarini ifodalashga asoslanadi.

12. Tarixiy-an'anaviy prinsipga asoslangan imlo qoidalari so'zlarning qadimdan odat bo'lib kelgan formada yoki an'anaga mos shaklda yozilishini hozirgi imlo uchun me'yor tarzida belgilaydi.

13. Differentsiatsiya prinsipi (simvolik prinsip)ga asoslangan imlo qoidalariga ko'ra, shakli bir xil bo'lgan so'zlar (omonmlar) yozuvda signalizatorlar (ishora belgilari), diakritik belgilar vositasida yoki bir harf o'rinda boshqa harf ishlatish orqali farqlanadi.

14. Shakli-an'anaviy yozuv prinsipiga ko'ra so'zlar talaffuzga ko'ra emas, o'zlarining asl shaklini saqlagan holda yoziladi.

15. Semantik-uslubiy prinsip, u ikkiga bo'linadi: a) semantik prinsip so'z yoki so'z shakllarining imlosini ularning ma'nolariga tayanib belgilaydi; b) uslubiy prinsip asosida tuzilgan imlo qoidalari so'z yoki grammatik shakllarning semantik tarkibidagi uslubiy semalarning nutqdagi faollashuvini yozuvda ifodalash uchun xizmat qiladi.

#### ADABIYOTLAR:

1. Mahmudov N. Til va yozuv. -Toshkent: O'zbekiston, 1987.
2. Mahmudov N. Yozuv tarixidan qisqacha lug'at-ma'lumotnoma. -Toshkent: Fan, 1990.
3. Abduazizov A.A. O'zbek tili fonologiyasi va morfonologiyasi.-Toshkent, 1992.
4. Yo'ldoshev I. O'zbek kitobchilik terminologiyasi. - Toshkent: Fan, 2005.
5. Yo'ldoshev I., Sharipova O'. Tilshunoslikka kiritish. -Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007.
6. Jamolxonov H. Hozirgi o'zbek adabiy tili. -Toshkent, 2008.
7. Jamolxonov H. O'zbek tilining nazariy fonetikasi. -Toshkent, 2009.

#### MAVZU:

#### LEKSIKOLOGIYA, SEMASIOLOGIYA.

#### SAVOLLAR:

1. Leksikologiyaning ob'ekti, predmeti va vazifalari nimalardan iborat?
2. Leksikologiyaning turlari.
3. Leksikologiyaning bo'limlari.
4. Til va nutq birliklarini izohlang.
5. So'zni til birligi, so'z formani nutq birligi sifatida izohlang.
  6. So'z va leksema o'rtasidagi farqlar nimalarda ko'rinadi?
  7. Leksik ma'no (denotat) va tushuncha (signifikat) nima?
8. Leksik ma'no turlari. Sema nima? Semema nima? Nomema nima?
9. So'zning semantik strukturasi qaysi semalardan iborat?
10. Leksik ma'noning taraqqiyot yo'llari. So'z ma'nosining kengayishi va torayishi.
11. Ko'chma ma'no hosil bo'lish yo'llari: metafora, metonimiya, sinekdoxa, funksiyadoshlik, tobelilikni izohlang.
12. So'zlar o'rtasidagi shakliy munosabatlar: Paronimiya. Omonimiya.
13. So'zlar o'rtasidagi semantik munosabatlar: Sinonimiya. Antonimiya. Giponimiya. Gradunomiya. Partonimiya.

#### ASOSIY TUSHUNCHALAR:

1. Leksikologiyaning ob'ekti tilning lug'at boyligidir. Leksikologiyaning predmeti - lug'at boyligining strukturaviy va sistemaviy xususiyatlarini, taraqqiyot qonuniyatlarini, tilning boshqa sathlari bilan aloqasini tadqiq etishdan iborat.
2. Leksikologiyaning turlari: 1) *Umumiy leksikologiya*; 2) *xususiy leksikologiya*. Xususiy leksikologiya o'z navbatida

*taxsifiy (sinxron) va tarixiy (diaxron) leksikologiyaga bo'linadi.* 3) *Qiyosiy leksikologiya.*

3. Leksikologiya quyidagi bo'limlarni qamrab oladi: 1) semasiologiya; 2) leksikografiya; 3) onomasiologiya; 4) etimologiya; 5) frazeologiya; 6) onomastika; 7) etnonimika; 8) terminologiya.

4. Hozirda tilshunoslikda, xususan o'zbek tilshunosligida til birliklariga: *fonema, morfema, leksema (so'z) va modellar*; nutq birliklariga: *tovush, so'z (so'z formasi), so'z birikmasi, gap* va boshqalar kiritiladi.

5. Leksik va grammatik ma'nolarning muayyan tovush yoki tovushlar birikmasi bilan barqaror munosabatidan tashkil topgan butunlikka *so'z* deyiladi.

6. **Leksema** – shakl va mazmunning barqaror birikuvidan tashkil topgan, voqelikdagi narsa, belgi, xususiyat va munosabatlarni shakllantiruvchi, jamiyat a'zolari uchun umumiy, tayyor, majburiy bo'lib, mustaqil anglanish va qo'llanish tabiatiga ega bo'lgan lisoniy birlikdir.

7. Leksema ikki tomonlama birlik bo'lgani sababli tilshunoslik nazariyasida leksemaning shakliiy tomoni – **nomema**, mazmun tomoni (leksik ma'no) – **semema** deyiladi. Nomema – *fonemalardan* tashkil topadi. Semema esa *semalardan* tashkil topadi.

Sema leksik ma'no (semema)ni tashkil qiluvchi mazmuniy qismlar va ma'no qirralaridir.

8. Leksema orqali nomlanuvchi (ataluvchi) voqelik, narsa-buYum denotat deb ataladi. Denotat lotincha *denotate* – “*belgilamoq*” so'zidan olingan.

Tushuncha (signifikat) esa ob'ektiv borliqdagi narsa-hodisalarning kishi ongida umumlashgan tarzidagi in'kiosidir. Tushuncha mantiqiy kategoriya bo'lib, u tafakkurga xos; leksik ma'no va uni ifodalovchi leksema esa tilga oid, til strukturasi tegishlidir.

9. Leksik ma'noning semantik tarkibi atash va ifoda semalaridan iborat. Atash semalari – semema tarkibidagi nomlash, atash semalaridir. Ifoda semalari – semema tarkibidagi uslubiy ma'no qirralaridir, ular so'zda ko'chma ma'no hosil qilish uchun xizmat qiladi.

10. So'z leksik ma'nosi taraqqiyoti uch ko'rinishga ega: 1) leksik ma'noning kengayishi va torayishi; 2) so'z leksik ma'nosining ko'chma ma'no yuzaga keltirishi; 3) evfemizm va disfemizm.

Leksik ma'noning kengayishida u ifoda etgan denotat o'z hajmini yoki xilini oshira boradi va uni bildirgan leksik ma'no doirasi ham kengaya boradi, leksik ma'noning kengayish jarayoni kechadi.

Leksik ma'noning torayishida u ifoda etgan denotatning ma'lum qismlari farqlanib, so'z leksik ma'nosida torayish kechadi.

Ko'chma ma'noning yuzaga kelishi yo'llari quyidagicha:

1. Metafora. 2. Metonimiya. 3. Sinekdoxa. 4. Vazifadoshlik. 5. Tobelilik.

Efemizm bir narsani o'z nomi bilan atashda noqulaylik tug'ilganda unga ijobiy, yoqimli his uyg'otuvchi belgi berish maqsadida xuddi shunday belgiga yaqin narsaning nomi bilan atash, yoki o'sha noqulaylikni yopib yuboruvchi so'z yoki lug'aviy birlik bilan nomlashdir.

Disfemizm kishilarni o'z nomlari bilan atamay, haqoratlash va kamsitish maqsadida tabiatdagi salbiy xarakterda deb bilgan jonivor yoki narsa nomi bilan atashdir.

11. Lug'aviy birliklarning o'zaro shakliiy munosabati ikki ko'rinishdadir: 1) o'zaro shakliiy o'xshashlik; 2) o'zaro shakliiy bir xillik.

So'zlarning o'zaro shakliiy o'xshash bo'lishi paronimiya deyiladi. Talaffuzi (fonetik ifodasi) o'xshash, ammo lug'aviy ma'nosi farqli o'zaro leksemalar paronimlar deyiladi.

O'zaro shakliiy bir xil bo'lgan so'zlar, ya'ni yozilishi va talaffuzi bir xil, ma'nosi har xil bo'lgan so'zlar omonimlardir.

12. Lug'aviy birliklar o'rtasidagi asosiy semantik munosabatlar quyidagilardan iborat: 1) sinonimiya; 2) antonimiya; 3) giponimiya; 4) graduonimiya; 5) partonimiya.

Yozilishi ham, talaffuzi ham boshqa-boshqa bo'lib, umumlashgan, bir tushunchani ifodalaydigan, lekin ma'no nozikliklari jihatidan bir-biridan birmuncha farq qiladigan so'zlar sinonimlardir.

Bir-biriga qarama-qarshi ma'noli so'zlar antonimlar deyiladi. Antonim so'zlarning xususiyati shundaki, ularning biri ikkinchisiga qarama-qarshi qo'yilib, birining mazmuni ikkinchisini inkor etadi, birinchisining ma'nosi ikkinchisiga qarshi qo'yiladi.

Giponimiya - lug'at boyligidagi leksemalarning pog'onali aloqasidan kelib chiqadigan semantik munosabatlaridir. Bunday munosabatlarning mohiyati shundaki, torroq tushuncha yoki ma'no ifodalayotgan leksemalar kengroq tushuncha yoki ma'no ifodalayotgan leksemalar bilan tur (giponim) va jins (giperonim) aloqasida bo'ladi.

Graduonimiya - leksemalarning ma'no guruhlari a'zolarida u yoki bu belgining darajalanishidir.

**Partonimiya** leksemalarning ma'no guruhlarida butun-bo'lak munosabatlarining ifodalanishidir. Shunga ko'ra partonimik munosabatda alohida olingan uzv(a'zo)ning uni tashkil qilayotgan ichki a'zolari bilan munosabati ko'rib chiqiladi.

## MASHQLAR

**1-mashq.** Avval bir ma'noli, keyin esa ko'p ma'noli so'zlarni ko'chiring. Ko'p ma'noli so'zlarning har bir leksik ma'nosi asosida gap tuzing:

Leksikologiya, tanqid, gap, non, kitob, yer, g'oya, marmar, koinot, maktab, qobiliyat, xulosa, fonema, oyoq, bosh, yo'l, cho'qqi.

**2-mashq.** O'qing. Ko'chma ma'noda ishlatilgan so'zlarni toping, bu so'zlarning o'z hamda ko'chma ma'nosini ayting.

Tong qizi kulimsib yuzini ochdi,  
Oltin dengizlari ko'k uzra toshdi.  
Bog'larda chechaklar atirlar sochdi.  
Ko'kdagi yulduzlar uyalib qochdi.

Tumanga o'ralib yo'qoldi uyqu,  
Har yerda bir go'zal umidli tuyg'u,  
Har difda ochildi shodlik chechagi,  
Borliqda qolmadi hasrat va qayg'u.

Tong yeli o'ynagach qanotin yozib,  
Tebranib, chayqalib ochildi gullar.  
Nur sochib chiqqanda yangi kun kulib,  
Yangratdi bog'larni sayrab bulbullar.

(Uyg'un).

**3-mashq.** Quyidagi so'zlarning har xil leksik ma'noda qo'llanishini ko'rsatuvchi gaplar tuzing va ularni

Etak, yer, maktab, yo'l, qosh, bosh, til.

**4-mashq.** O'qing. Shakldosh so'zlarni topib, ularning ma'nolarini izohlang.

Qo'lingdan kelgancha chiqar yaxshi ot,  
Yaxshilik qil, bolam, yomonlikni ot.  
Nasihatim yod qilib ol, farzandim,  
Yolg'iz yursa, chang chiqarmas yaxshi ot.

(Fozil Yo'ldosh o'g'li).

Ba'zilar bor go'yo ho'l o'tin,  
Tutab yonar, ko'rmaysan o'tin,  
Yangilikka qayishmas sira  
Xoh buyur - u, xoh ming o'tin.

**5-mashq.** O'qing. Matnni rus tiliga tarjima qiling. Shakldosh so'zlarni toping.

Suhbatimiz turnalar haqida borayotgan edi.

Men: «Turnalar intizomli, tartib bilan uchadi, ular burchak shaklida uchadi», - dedim. Qizim Orzigul: «Ha, ada, turnalar el bo'lib uchadi», - dedi. Men jilmaydim. Qizim so'radi: «Nega kulyapsiz?». Men javob berdim: «Mening uchburchakka o'xshatganimga qaraganda sening el bilan qiyoslaganing yaxshi bo'ldi, juda mos tushdi. El so'zining ittifoq, do'st degan ma'nosi ham bor. Bolalar kulib yuborishdi. Ravshan: «Turnalar bir-biriga qarab uchmasa, hammasi har tomonga ketib qoladi, ular do'st bo'lib uchmasa, el harfi hosil bo'lmaydi», - deb qo'shib qo'ydi. Men takrorladim: «El bo'lib el harfini yaratishadi».

**6-mashq.** Quyidagi shakldosh so'zlarning ma'nolarini izohlang, ular ishtirokida gaplar tuzing.

Ot, yoz, tok, yot, soch, zang, qo'y, o'q, tom, to'p, muzlar, doira, tush, gullar, soz.

**7-mashq.** Ko'p ma'noli va shakldosh so'zlar ishtirokida misollar toping, ularni quyidagicha yozing:

**Namuna:**

**Ko'p ma'nolilik**  
Odamning boshi  
Yo'lning boshi  
Ishning boshi

**Shakldoshlik**  
Ot kishnaydi  
Nishonga to'g'rilab ot  
Oting nima?

**8-mashq.** Matndagi gaplarni ko'chirib, shakldosh va ko'p ma'noli so'zlarni toping, ularning ma'nolarini tushuntiring.

Bir yil tut ekkan kishi yuz yil gavhar teradi.  
Onangni kaftingda tutsang, singlingni kiftingda tut.  
To'dadan ajralgan to'rga tushar.  
To'rga katta gilam solibdilar.

Gapga bir yosh yigitcha aralashdi.  
Karima ko'ziga yosh oldi. Yoshim o'ttizga yetdi. Laylak keldi, yoz bo'ldi, qanoti qog'oz bo'ldi.  
Kitobdagi so'z boshi. U yosh bolalarga bosh bo'lib, ularga turli o'yinlar o'rgatdi. Qor! Uning boshi, yelkalari oppoq bo'ldi. Otam yelkasidagi choponini tortib, etagi bilan meni o'ragan bo'ladi...  
Jo'xorizor etagidan bedananing juda baland sayragan ovozi eshitildi.

**9-mashq.** Quyidagi so'zlarning sinonimini toping va yozing.

*inson, qanoat, do'st, osmon, hasad, o'rtoq, ulkan, ojiz, sabr, botir.*

**10-mashq.** O'qing. Ajratib ko'rsatilgan so'zlarning sinonimlarini ayting.

Nega shuncha go'zal ko'rinar olam?

Nega qarab to'yimas ko'zlarim?

Nega jo'sh uradi, ko'piradi qon?

Nega misday qizir yuzlarim?

Nega hayajonda tuyg'ular, hislar?

Nega lablarimda kezar tabassum?

Hayot go'zal, hayot maroqli,

Shuning uchun erka ko'ngil shod.

(Uyg'un)

**11-mashq.** Quyidagi so'zlarni o'qib, bir-birlariga sinonim bo'lganlarini alohida – alohida guruhlab ko'chiring, ular ishtirokida gap tuzing.

*Osmon, do'st, katta, ko'k, chopmoq, o'rtoq, aft, buyuk, sodiq, sotqin, vafodor, xoin, yugurmoq, ulug', ulkan, chehra, chama, og'a-ini, faraz, yaxshi, durust, yo'ldosh, tuzuk, hamroh, taxmin, tusmol, chiroyli, teng, go'zal, barobar, zebo, suhuv, ko'rkam, quyosh, ko'klam, bahor, oftob.*

**12-mashq.** Berilgan so'zlardan antonimik juftlar hosil qiling va ularni yozing.

*Kun, rost, xursand, yolg'on, keng, tun, yorug', tuzmoq, ingichka, sovuq, yo'q, o'ng, past, sekin, buzmoq, xafa, tor, yo'g'on, issiq, qiyi, kirish, chap, baland, tez, yuqori, bor, chiqish, qorong'i.*

**13-mashq.** Gaplarni ko'chirib, antonim so'zlarning tagiga chizing.

*El aziz etgan kishini hech kishi xor aylamas. Avval o'yla, keyin so'zla.*

*Do'stlar shod, dushmanlar g'amgin...*

*Sultonali mirzo Anvarning tashqi atvoli bilan yaxshi tanish bo'lsa ham, uning ichki siridan voqif emas edi. Ra'no o'zining bunday harakatlariga qarshi onasidan yaxshi-yomon mukofot olmasa ham, ko'pincha atasidan tanbeh eshitadi. Birovning og'irini yengil qilgan, mushkulini oson qilgan odam xalqdan rahmat oladi.*

## ADABIYOTLAR:

1. Begmatov E., Ne'matov H., Rasulov R. Leksik makrosistema va uning tadqiq metodikasi (Sistem leksikologiya tezislari) FF O'zbek tili va adabiyoti. – 1989, №6. – B.35 – 40.

2. Orifjonova Sh. O'zbek tilida lug'aviy graduonimiya: Filol.fan.nomz...dis.avtoref. –Toshkent, 1996.

3. Bozorov O. O'zbek tilida darajalanish: Filol. fan. dok – ri...dis. – Toshkent, 1997.

4. Qilichev B. O'zbek tilida partonimiya. Filol.fan.nomz...dis. –Toshkent, 1997.

va R. Leksik-semantik munosabat turlari. –Toshkent: O'qituvchi, 1996.

6. Sobirov A. O'zbek tilining leksik sathini sistemalar sistemasi tamoyili asosida tadqiq etish. – Toshkent: Ma'naviyat, 2004.

7. M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –Toshkent, 2004.

8. I. O'zbek kitobatchilik terminologiyasi. – Toshkent: Fan, 2005.

9. Doshiev I., Sharipova O'. Tilshunoslikka kirish. –Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007.

**MAVZU:**  
**TILNING LUG'AT TARKIBI. LEKSIKOGRAFIYA.**

**SAVOLLAR:**

1. Tilning lug'at tarkibi nimalardan iborat?
2. So'zlar ishlatilish doirasiga ko'ra necha xil bo'ladi?
  3. Dialektizmlarga izoh bering.
4. Kasb-hunarga oid so'zlarni izohlang.
5. Jargon va argolar nima, ularga misollar keltiring.
  6. Termin nima? Terminologiyaga izoh bering.
  7. Leksikada eskirish va yangilanish jarayonlari qanday kechadi?
  8. Arxaizmlar. Istorizmlar, ularning farqli jihatlari.
  9. Neologizmlarning paydo bo'lish yo'llari.
  10. Etimologiya nimani o'ranagadi?
  11. Tilshunoslikning frazeologiya bo'limida nimalar o'rganiladi?
  12. Leksikografiya. Lug'at turlari: ensikopedik lug'at, lingvistik lug'at.

**ASOSIY TUSHUNCHALAR:**

1. Tilning lug'at tarkibi turli qatlamlardan iborat. Shunga ko'ra nutqda so'zlarning ishlatilish doirasi cheklangan bo'ladi. Cheklangan doirada qo'llaniladigan so'zlar turli ko'rinishlarga ega. Bular asosan: dialektizmlar, kasb-hunarga oid so'zlar, jargon va argolar, terminlar va b.

2. **Dialektizmlar** - shevaga xos so'zlar bo'lib, ular faqat muayyan hududdagina ishlatiladi. Leksik dialektizmlarning 2 turi mavjud: a) dialektizm-so'z. Bunda so'zning ifoda plani, demak, nomemasi shevaga xos so'z bo'ladi; b) dialektizm-ma'no. Bunda so'zning ma'no plani, demak, sememasi shevaga xos bo'ladi.

3. **Kasb-hunarga oid so'zlar** ijtimoiy mehnatning u yoki bu turiga, ishlab chiqarish, ilm-fan, adabiyot-san'at va b. sohalarga oid narsa-hodisa hamda tushuncha nomlaridir.

4. **Jargon va argolar.** Jamiyatning ba'zi bir ijtimoiy guruhlari mehnat qilmay tekinko'rlik bilan hayot kechiruvchilar, chunonchi, o'g'ri, bezori va qimorbozlar o'zlarining yomon niyatlarini, yovuz maqsadlarini boshqalardan yashirish uchun so'zlarga har xil ma'no berib qo'llaydilar. Bunday so'zlarga argo deyiladi.

5. **Termin** lotincha *terminus* so'zidan olingan bo'lib, chegara, chegara belgisi, chek ma'nolarini anglatadi. Fan, texnika va boshqa sohaga oid narsa haqidagi tushunchani aniq ifodalaydigan, ishlatilish doirasi shu sohalar bilan chegaralangan so'z yoki so'z birikmasi termin deb ataladi. Terminlar bir ma'noli bo'lishi, ekspressivlik va emotsionallikka ega bo'lmashligi kabi belgilari bilan ham umumiste'moldagi so'zlardan farqlanadi.

6. Terminologiya - tilshunoslikning terminlarni o'rganuvchi bo'limi. Shuningdek, biror ilm, kasb va b. sohaga oid terminlar majmui.

7. **Leksik arxaizmlar** - hozirgi paytda mavjud bo'lgan voqelikning eskirgan nomi, aksincha, hozirgi tilda mavjud bo'lgan leksemaning eskirgan ma'nosi (sememasi). Ya'ni eskirish jarayoni leksemaga yoki yaxlit holda yohud uning bir qismiga (ma'noaridan biriga) aloqador bo'ladi.

8. **Leksik istorizmlar** o'tmish voqeligi bo'lgan narsa-hodisalarning nomlaridir.

9. **Neologizmlar** - yangi narsa, tushunchalarni ifodalash uchun hosil qilingan, hali odatdagi lug'aviy birlikka aylanib ketmagan so'z yoki iboralaridir.

10. Etimologiya - tilshunoslik fanining muhim va murakkab sohasidir. *Etimologiya* so'zi asli yunoncha *etymon* va *logos* so'zlaridan tashkil topgan: *etymon* - so'zi «chin, haqiqiy, asl mohiyat» ma'nosini, *logos* so'zi esa «ta'lim» ma'nosini anglatadi. Shunga ko'ra etimologiya sohasida so'zlarning asl shakli va ma'nosini aniqlash bo'yicha izlanishlar olib boriladi.

11. **Frazeologiya** *fraza* va *logos* so'zlaridan olingan bo'lib, *fraza* so'zi "ibora", *logos* so'zi "bilim" ma'nosini bildiradi. Ya'ni frazeologiya iboralar haqidagi bilim demakdir. Iboralarda o'z ichiga *turg'un birikma xolidagi atamalarni, parafrazalarni va frazeologizmlarni* oladi. Demak, ibora keng tushuncha; uni frazeologizm bilan tenglashtirish mumkin emas, frazeologizm uning tarkibiga kiradi.

**Birikma atamalar.** Ular ko'proq terminologik xarakterda bo'ladi va u birikma holda bir tushunchani beradi.

**Parafrazalar.** Parafrazalar ma'lum bo'lagi yoki bo'laklari ko'chma ma'noda bo'lib, ular ma'nosi sintezidan tashkil topgan, bir tushunchani bildiruvchi lug'aviy birlikdir. Ular hamma vaqt birikma holatida bo'lib, konnotativ sema mavjud bo'ladi.

**Frazeologizmlar.** Ular tuzilishiga ko'ra so'z birikmasiga, gapga teng, semantik jihatdan bir butun, umumlashgan ma'no anglatadigan, nutq jarayonida yaratilmay, nutqqa tayyor holatda kiritiladigan lug'aviy birliklardir. Turg'un birikmalarning obrazli, ko'chma ma'noga ega turi.

12. Leksikografiya tilshunoslikning bir qismi bo'lib, ma'lum bir tilga xos so'zlarni to'plash, ularni muayyan bir sistemaga solish va lug'at tarzida nashr etish haqidagi hamda lug'at va uning tuzilishi, lug'at turlari to'g'risidagi bo'limidir.



13. So'zlarning ma'lum maqsad bilan to'plangan, tartibga solingan kitob yoki boshqa shakldagi to'plami lug'at deyiladi. Lug'atlar qo'llangan maqsadga ko'ra dastlab ikki tipga bo'linadi: 1. Qomusiy (ensiklopedik) lug'atlar. 2. Lisoniy (lingvistik) lug'atlar.

### MASHQLAR

**1-mashq.** Quyidagi so'zlarni adabiy va dialektal so'zlarga ajratib, ikki ustunga ko'chiring.

*Mushuk, pishak; buzoq, bo'zak; ona, ena, buvi; yostiqlik, bolish; do'ppi, qalpoq; narvon, shoti; aka, oka; baxmal, duxoba; qalampir, garmdori; sigir, inak; uka, ini.*

**2-mashq.** O'qing. Dialektal so'zlarni aniqlab, ma'nosini tushuntiring, ularning adabiy tildagi shaklini ayting.

*Eshikdagilar tinchmi? (S.A.) Shahar bolasiligingiz shatta bilinib qoldi-a? Raisimiz Sorvoldiyev fe'li keng, xiyla do'lob odam. (H.N.) Ikki yoshli novvoschamiz bolalarga kuch bermaydigan bo'lgan. Shoxlaguch. Men o'zim ming azob bilan siylab o't beraman. (S. Nurov).*

*To'satdan oranglardan ola pishak o'ldimi?*

*Gulnora: «Manga zardo'zi, qubbalik, popuklik kallapo'sh olib keling», – debdi. (Ertakdan).*

**3-mashq.** O'z shevangizdagi so'zlar ro'yxatini tuzing.

**4-mashq.** Abdulla Qodiriyning «Mehrobdan chayon» romanidan keltirilgan parchani o'qib, dialektal so'zlarni toping va ularni izohlang.

– Tur, Shariyf, tur, peshin bo'libtu!

Ikkinchi yigit ko'zini ochdi:

– E, qo'ysang-chi, Rahim.

– Tur-da, axe, ana Qobilboy ham kebito'xtabti! Sharifboy yostiqdand burilib, uchinchi yigitga qaradi: – Pala'nat, qachon kelgan ekan?

– Kim bilsin... Inisini bo'uchratdimikin? Qani, uyg'ot-chi, pala'natini!

Sharifboy yotgan joyidan qo'lini uzatib, Qobilboyning murtidan tortdi, Qobilboy – qinshib uyg'ondi:

– Tek, yot, Sharif!

– Iningga yo'liqdingmi?

– Yo'liqdim, ikavingga salom aytdi, – dedi Qobilboy va yuzini ulardan chetga o'girib oldi.

– Bir oz tinch qo'y, uxlayman.

– Iybi, iybi, – dedi Rahim, – burodaring ahvolini gapir-da, axe. Barpadari uyquki peshinga chikin bo'lsa, ko'chaga bo'lib yotgan to'palangni go'shingga ilasanmi?

– Kech keldim, ko'p jovrama-chi, Rahim!

– Qorunni to'yg'uzib, so'g'un uxla, akun! Qorinlar ham piyoz bo'lib to'xtabtu, nonushtani qayerga qilamiz, Shariyf?

– Choyxonaga qilamiz.

#### Topshiriqlar:

1. Yozuvchi dialektal so'zlardan nima maqsadda foydalangan?

2. Abdulla Qodiriyning yana qanday asarlarini bilasiz?

3. Yozuvchi asarlari asosida qanday kinofilmlar yaratilgan?

**5-mashq.** So'zlarni diqqat bilan o'qing, ularni qaysi kasb-hunarga oidligini ayting va ular ishtirokida gaplar tuzing.

*Tugma, andaza, arra, shirach, qaychi, ip, nina, narx, peshtaxta, xaridor, oldi-sotdi, qimmat baho, arzon, qaytim, taxta, osh, zira, metr, bolta, mix, randa, tuz, kiyim-bosh, tijorat, bichiqchi, qiyqindi, tikuv mashinasi, qozon.*

**6-mashq.** O'qing. Kasb-hunarga oid so'zlarni aniqlang.

Qora chiroq arang-arang dastgohni yoritar, yelkasi tashqariga turtib, ko'kragi ishga botgan Safar bo'zchi, go'yo dastgohga quyilib qolgandek korinar edi.

Tepki bosishdan qich-qich qilgan nag'ma eshitilar va bu nag'ma ohangiga o'ynovchi mokki u yoq-bu yoqqa o'tib turar, lahza sayin arqoq o'rish birlashib, to'rt ellik bo'z hosil qilar edi.

Safar bo'zchi novort yog'oshini o'rab, oxorlik tandaga – o'rishga mo'raladi... morkkiga yangi naycha joylab, yana ishga urindi. Ichkarida charx toblab naycha solish bilan mashg'ul To'xtabibi ko'ylak yengini iplik o'rishchalar bilan to'ldirib chiqdi. Gap-so'zsis, o'rishchalarni eski to'ppiga ag'darib, bo'shalgan nauchalarni yig'ib oldi.

(A. Qodiriy)

**7-mashq.** Dialekt, leksika, neologizm, arxaik, jargonizm kabi so'zlarning ma'nolarini izohlang.

**8-mashq.** O'qing. Atamalarni aniqlab, ularning qaysi sohaga oidligini ayting. Ko'p ma'noli so'zlardan farqini tushuntiring.

**Ketshik**, kesim, inqilob, konstitutsiya, istiqlol, ozodlik, president, hujayra, oqsil, boks, final, ring, sinonim.  
**Sinjar, nota, duet, affiks, daraxt, kurtak, barg.**

**9-mashq.** Lug'atdan foydalanib mutaxassisligingizga oid kichik atamalar lug'atini tuzing. Ularning ma'nosi va qo'llanishi haqidagi ma'lumotlarni puxta o'zlashtirib oling.

**10-mashq.** Xabarni o'qing. Unda qo'llangan iqtisodga oid atamalarni ko'chirib yozing.

*Shu kunlarda ko'pgina oliy o'quv yurtlarida iqtidorli talabalar ishtirokida ilmiy-amaliy anjumanlar bo'lib o'tmoqda. Kecha Toshkent Davlat iqtisodiyot universitetida talabalarining ilmiy-amaliy yig'ini bo'lib o'tdi. Anjumanda xalqaro iqtisodiy munosabatlar, tijorat, iqtisodiy informatika va menejment, xalqaro biznes, hisob-iqtisodiyot fakultetlari talabalarining ma'ruzalari tinglandi va qizg'in muhokama qilindi.*

**11-mashq.** Quyidagi frazeologizmlar ishtirokida gaplar tuzing:

*Qattiq qo'l bo'lmoq, xamirdan qil sug'urganday, do'ppisini osmonga otmq, aravani quruq olib qochmoq, panja orasidan qaramoq, pashshadan fil yasamoq.*

**12-mashq.** O'qing. Frazeologizmlarni fe'llar bilan almashtiring:

Boshi osmonga yetdi  
Tuyog'ini shiqillatdi  
So'zining ustidan chiqdi  
Tishini tishiga qo'ydi  
Tinkasi quridi  
Tepa sochi tikka bo'ldi  
Og'ziga so'k solib oldi.

**13-mashq.** Quyidagi frazeologizmlarning o'zbekcha muqobillarini toping va ularni kontekstda qo'llang.

*Быть на седьмом небе; как белка в колесе; не кусок пирога, а честь дорога; он и мухи не обидет.*

**14-mashq.** Ko'chiring. Frazeologizmlarni topib, ularning ma'nolarini izohlang.

*Ayol kishiga qo'l ko'tarish erkakning ishi emas. Saodatning ko'ngli yorishib ketganligi chehrasidan ko'rinish turar edi. Men ham sizday haqqoniy bo'lishga so'z beraman. Onam ishning ko'zini biladigan odamlardan. Bu o'ylardan Botirning boshi g'ovlab ketdi. Bu achchiq haqiqat uning damini ichiga tushirib yubordi. Lolaxon o'g'lini yer-ko'kka ishonmaydi. Maqtangannig misini chiqadi, deyishadi odamlar.*

**15-mashq.** a) she'rni oqing.

Go'dak edim, ko'p narsaga yetmasdi aqlim,  
Bilganlarim bekinmashoq va to'ptosh o'yin.  
Qulog'imga chalinardi keksalar naqli:  
«Falonchimi, puch yong'oqqa to'ldirar qo'ynin!  
Suv quyadi birovlarning tegirmoniga,  
G'irromlikda tulkiga chap berar falonchi!»  
Anglab yetmay bu gapdagi teran ma'noga,  
Ko'zlarimga ko'rinardi ular yolg'onchi.  
Boshdan o'tgan tabib derlar. Ulg'aydim bu kun,  
Hikmatlarning mag'zin chaqib bo'lmasman hayron.  
Keksalarning aytganlari ekan chippa-chin:  
Boshda yong'oq chaqar ekan ba'zida inson.

(O. Hojiyeva)

Frazeologizmlarni topib ko'chirib, uslubiy va grammatik xususiyatlarini tushuntiring.

#### ADABIYOTLAR:

1. Begmatov E., Ne'matov H., Rasulov R. Leksik makrosistema va uning tadqiq metodikasi (Sistem leksikologiya tezislar) FF O'zbek tili va adabiyoti. — 1989, №6. — B.35 — 40.
2. Mirtojiyev M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. — Toshkent, 2004.
3. Idoshev I. O'zbek kitobchilik terminologiyasi. — Toshkent: Fan, 2005.
4. Yo'ldoshev I., Sharipova O'. Tilshunoslikka kirish. — Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007.
5. Jamolxonov H. Hozirgi o'zbek adabiy tili. — Toshkent, 2008.

**MAVZU:**  
**GRAMMATIKA. MORFOLOGIYA. SINTAKSIS.**

**SAVOLLAR:**

1. Grammatik kategoriyalarga izoh bering.
2. Morfologiya nimani o'rganadi?
3. Morf va morfemaga izoh bering.
4. So'zlarni turkumlarga ajratish prinsiplari necha xil bo'ladi?
  5. So'z moddiy tarkibining o'zgarishiga izoh bering.
  6. So'z birikmasini izohlang.
7. Sintaktik munosabat turlari: predikativ va nopredikativ bog'lanish nima, ularga misollar keltiring.
  8. So'z birikmasining qo'shma so'z va gapdan farqini izohlab bering.
  9. So'z birikmasining turlarini ko'rsating, misollar keltiring.
  10. Arxaizmlar, Istorizmlar, ularning farqli jihatlari.
  11. Sintagma nima?
  12. Gap. Gaping aktual bo'linishi.
  13. Kirish va kiritma konstruksiyalar.

**ASOSIY TUSHUNCHALAR:**

1. Grammatika so'zi yunoncha "yozish san'ati" ma'nosini bildiradi. Hozirda u tilshunoslik fanining bir tildagi so'z tuzilishi, gapda so'zlarning o'zgarishi va birikishini o'rganadigan ilmnun nomidir. U til qonunlarini o'rganib, ularni yoritib beradi. Har bir tilning asosi uning fonetik sistemasi, leksikasi va grammatikasidir.
2. Grammatik kategoriya bir xil grammatik hodisalar, ayniqsa, grammatik so'zlarning har xil shaklidan qat'iy nazar majmui, yig'indisidir. Grammatik kategoriyalardagi bir xillik grammatik shakllarga, grammatik vazifaga qarab belgilanadi. Ma'lum ma'nodagi so'z bir necha grammatik shakllarni olishi mumkin, lekin so'zning ma'nosi o'zgarmaydi.
3. Morfologiya so'z shakllarini, so'zlarning leksik-grammatik jihatdan turlarini, bo'linishlarini, guruhlarini o'rganadi.
4. Morf nutqning morfologik yarusidagi eng kichik ma'no anglatuvchi birligi, morfema esa tilning morfologik yarusidagi eng kichik ma'no anglatuvchi birligidir.
5. So'zning har bir ma'noli qismi morfema deb ataladi. A.Hojiev morfemaga shunday ta'riy beradi: "Morfema- so'z va so'z shaklini yasash uchun xizmat qiluvchi lisoniy birlikdir".
6. Konversiya – yangi so'z yasash usuli bo'lib, bunda bir grammatik turkumdagi so'z boshqa grammatik turkumga o'tadi. Yangi so'z avvlgisidan morfologik, sintaktik xususiyatlariga ko'ra farq qiladi.
7. Reduplikatsiya o'zakning to'liq yoki qisman takrorlanish holati bo'lib, u so'z o'zgartiruvchi, so'z yasovchi qo'shimchalar vazifasini bajaradi.
8. Bir so'zning turli grammatik formalari turli o'zaklardan paydo bo'lishi suppletivatsiya deyiladi.
9. So'zlarning umumiy leksik-grammatik xususiyatiga ko'ra bo'linishi so'z turkumlari deyiladi. Har bir tilda so'zlar turkumlarga ajratiladi. Bunda har xil prinsiplarga asoslaniladi. Ba'zan leksik ma'noni asosiy etakchi belgi qilib oladilar, ba'zan morfologiyani etakchi belgi qilib oladi.
10. Qo'shma yo'l bilan yasalgan negizlarni yasama negizlarga o'tish yoki qo'shma negiz bilan yasama negizni tub negizga o'tish hodisalari soddalashuv deyiladi. Boshqacha qilib aytganda, ko'p morfemali so'zning bir morfemali so'zga o'tib qolish hodisasi tilshunoslikda soddalashuv deb nom olgan.
11. So'z moddiy tarkibi o'zgarishining qayta tuzilish yo'li deganda so'zdagi morfemalar chegarasining o'zgarishi va buning natijasida yangi affiksali morfemalarning paydo bo'lishi tushuniladi.
12. Murakkablashuv deganda, avval tub so'z hisoblangan so'zlarni yasama yoki murakkab so'zlar qatoriga o'tib qolishi yoki bir morfemali so'zlarni ikki va undan ortiq morfemali so'zlarga o'tib olishi tushuniladi.
13. Sintaksis so'z birikmalarini, gap qurilishi va grammatik xususiyatlarini, gap turlarini, gap bo'laklarini, bu bo'laklarning o'zaro birikish yo'llarini o'rganadi.
14. Bir-biri bilan sintaktik jihatdan boqlangan, birinchi darajali predikativlik munosabatiga ega bo'lmagan, ikki yoki undan ortiq mustaqil so'zlar qo'shilmasi so'z birikmasi deyiladi.
15. Sintagma gap ichida bir-birining ketidan kelib bir nafas bilan aytiladigan so'zlar guruhidir. Shuningdek, sintagma bir so'zdan ham hosil bo'lishi mumkin, u ritmik urg'uga ega bo'ladi, gap sostavidagi sintagmalar bir-biridan pauza bilan ajraladi.
16. Ob'ektiv borliq va unga bo'lgan munosabatni ifoda qilib, nisbiy tugal fikr yoki his-tuyg'u anglatib, tugal intonatsiyaga ega bo'lgan so'z hamda grammatik qonun-qoidalar asosida o'zaro birikkan so'zlar bog'lamasi gap deyiladi.
17. Kirish konstruksiyalar so'zlovchining gapping ayrim bo'laklari yoki butun ifodaga bo'lgan sub'ektiv munosabatini, emotsional tuyg'ularini ifodalaydi.
18. Kiritma konstruksiyalar gap mazmuniga yoki uning ayrim bo'laklari ma'nosiga nutq protsessida kiritilib, gap bilan logik – semantik jihatdan munosabatga kirishadilar. Kiritma konstruksiyalar intonatsion jihatdan mustaqillikka ega

bo'ladilar. Ular biror so'roqqa javob bo'lmaydilar, sintaktik vazifa bajar olmaydilar, gap bo'lagi yoki qo'shma gaplarning komponenti bo'lib hisoblanmaydilar.

## MASHQLAR

**1-mashq.** Quyidagi so'zlar yordamida so'z birikmasi tuzing.  
astoydil, ko'rkam, bilimli, o'qi, ikki, saxiy, eshit, yodla, olmoq, ushlamoq.

**2-mashq.** O'qing. Avval boshqaruv, keyin moslashuv, so'ngra bitishuv yo'li bilan birikkan so'z birikmalarini ko'chiring.

Samimiy tilaklar, talabalar anjumani, tez gapirmoq, ukamning kitobi, daraxtning kurtagi, qishloqdan kelmoq, olma terish, a'lochilarni tabriklash, tonggi shabada, vazifani bajarish, qiziqarli kitob, qalamda yozmoq, uydan chiqmoq, vatanni sevmok, ulkan ishlar.

**3-mashq.** O'qing. Gaplarni turlarga ajrating.

Bog'da o'ynab yurgan edik, kimdir mening nomimni aytib chaqirib qoldi.

– Bobojon, sizlarni juda sog'indik.

– Ukalaring qani?

– Soy bo'yiga sayohatga ketishgan, hozir kelib qolishadi.

– Voy, ana! Sultonim ham kelyapti. Sulton yig'lamadi. Ovoz ham chiqarmadi, jimgina ko'rishib bo'lgach, qovog'ini solib:

– Endi keldilaringmi? Boshqa bolalarning bobosi uch martadan keldi-ku!

Roziq tog'am ham kelmadi...

– ...Ovqati qalay?

– Yomonmas, menga ikki norma berishadi.

– Seni yaxshi ko'rib qolishibdi-da?

– Men oshxonaga suv, o'tin tashib beryapman.

– Barakalla o'g'lim, mehnat qilsang ikki dunyoda kam bo'lmaysan.

**4-mashq.** O'zingiz darak, so'roq, buyruq gaplarga ikkitadan misol toping va ularni yozing.

**5-mashq.** Berilgan yig'iq sodda gaplarni yoyiq sodda gaplarga aylantirib yozing.

Bu ikki xil gapning farqini aytib bering.

Bahor keldi. Quyosh chiqdi. Dalalar bezandi. Sumalak tayyorlandi. Yoshlar to'plandi. Raqsga tushdilar. Dars boshlandi.

**6-mashq.** Gaplarni ikki bosh bo'lakli gapga aylantiring va yozing.

Ustoz. Ona allasi. Bahor. Mardlik. Mana, Farg'ona. 1991-yil 1-sentabr.

**7-mashq.** O'qing. Bir bosh bo'lakli gaplarni alohida, ikki bosh bo'lakli gaplarni alohida qilib ko'chiring.

Yetti o'lehab, bir kes. A'lochi talabalar uy vazifasini puxta bajardilar. Toshkentdan Moskvaga samolyotda ych soatda boriladi. Halol mehnat insonni ulug'laydi. Biz sport musobaqasiga tayyorlandik. Ko'chatni ko'pincha bahorda o'tqazadilar. U sayohatni yaxshi ko'radi. Bugun sayohatga jo'naladi.

Kecha universitetda yig'ilish bo'ldi. Bu qizlar Olimpiada g'oliblari bo'ldilar. Ular o'z maqsadlari yo'lida hech narsadan qaytmaydilar. Dalalar. Keng dalalar. Aytar so'zni ayt, aytmas so'zdan qayt.

**8-mashq.** O'zingiz bir bosh bo'lakli va ikki bosh bo'lakli gapga ikkitadan misol toping va ularni yozing.

**9-mashq.** Ko'chiring. Har bir gapning bosh bo'laklarini topib, tagiga chizing.

Bu yil mamlakatimizning mustaqilligiga 21 yil bo'ladi. Shu davr ichida ko'p yaxshi ishlar qilindi. Shahrimiz qanday o'zgargan, qanday go'zal bo'layotganini qarang-a!

Men Toshkentda tug'ilganman va uni juda yaxshi ko'raman. Yurtimiz mustaqil bo'lgandan beri Toshkentda har xil chet davlatlarning vakolatxonalari va kompaniyalari ochildi.

Kelajakda men shu vakolatxonalarining birida ishlashni orzu qilaman.

**10-mashq.** Berilgan so'zlarga kesim toping va gap tuzing.

Mehnat, Amir Temur, nihol, salomatlik, quyosh, osmon, ko'zalar.

**11-mashq.** Gaplarning kesimini aniqlab, ularning qanday so'z turkumi bilan ifodalanganligini tushuntiring.

U a'lochi talaba. Ona yurtning – oltin beshiging. O'qish yaxshi, uqqan undan ham yaxshi. O'zbekistonning poytaxti – Toshkent. Guruhimizdagi talabalarning soni yigirmata. Tinchlik. Yaxshi niyatli kishilarning ahdi – shu!

Ilm, fan va fikr olami nihoyat keng va chuqur. Malika dugonasiga zimdan ko'z tashladi. Kulgi hamisha umrni uzaytiradi.

**12-mashq.** O'qing. Har bir gapning egasini topib, eganing qaysi so'z turkumi bilan ifodalanganini ayting. Umida darslarni o'z vaqtida tayyorlaydi. Siz o'zingizni qiynamang. Yaxshilar ko'paysin, yomonlar qolmasin. Bolalarning uchalasi ham cho'milishga ketishdi. Biz institutimizga kelgan mehmonlarni yaxshi kutib oldik. Uzoqdan qizning muloyim ovozi eshitildi. G'afur G'ulom Toshkent shahrida kambag'al dehqon oilasida dunyoga keldi. Insoniyatning eng yaxshi farzandlari asrlar bo'yi orzu qilgan zamonlar endi keldi.

**13-mashq.** Quyidagi so'zlar ishtirokida gaplar tuzing, unda bu so'zlar aniqlovchi vazifasida kelsin. Baland, ikki, pushti, ukanning, temir, o'sha, o'qigan, ishlagan.

**14-mashq.** O'qing. To'ldiruvchilarni topib, ularni qaysi so'z turkumi bilan ifodalanganini aniqlang. Vatan posbonlari deb Siz kimlarni bilasiz?

Vatanimiz posbonlari deb milliy armiya zobitlari, chegarachilarimiz va Ichki Ishlar vazirligiga qarashli bo'lgan militsiya xodimlarini tushunaman.

Din niqobi ostida demokratik jamiyatimizga qarshi kurashayotgan Vatan xoinlari, ekstremistlar, reketchilardan xalqimizni, millatimizni, ona zaminimizni himoya qilayotgan kishilarni Vatan posbonlari deb bilaman.

Vatanimiz dushmanlari safiga bilmay adashib kirib qolgan yoshlarni «millatimiz o'g'il-qizlarini hech kimga bermaymiz» shiori ostida Respublikamiz Prezidenti I.A. Karimov kechirmoqda. Ularni o'z oilalariga qaytarmoqda, ish bilan ta'minlamoqda. Ular mahalla, tuman, shahar rahbarlari tomonidan nazorat qilinmoqda.

**15-mashq.** O'qing. To'ldiruvchilarni topib, ma'nosidagi farqni aytib bering.

Lobar oldiga qo'yilgan taomni yedi. – Lobar oldida qo'yilgan taomdan yedi.

Abdulla Oripov she'rlarini o'qidim. – Abdulla Oripov she'rlaridan o'qidim.

Bog'imizga har xil gul ko'chatlarini o'tqazdik. – Bog'imizga har xil gul ko'chatlaridan o'tqazdik.

Oksana she'rni yod aytdi. – Oksana she'rdan yod aytdi.

**16-mashq.** O'qing. Hollarni topib, turlarga ajrating.

Ko'z qayerda bo'lsa, mehr ham o'sha yerda bo'ladi. Mehmonlar kecha Toshkentning diqqatga sazovor joylarini ko'rdilar. Ertalab yog'ib o'tgan yomgir daraxt yaproqlarida va gullarda go'dak kiprigidagi yoshday yiltirab qoldi. Bugun guruhimiz talabalari lola sayliga ketdilar. Fotima meni ko'rib shodligidan qichqirib yubordi.

Sihat tilasang, ko'p yema, izzat tilasang ko'p dema. Umida chaqqonligidan hamma ishni o'z vaqtida bajara olar edi. Men bu kitobni o'qiyman deb olib kelgan edim.

**17-mashq.** Holning har bir turiga bittadan gap yozing.

**18-mashq.** Gaplarni o'qing, ulardagi uyushgan bo'laklar gapning qaysi bo'lagi ekanligini aniqlang.

1. Salima, Muhayyo, Feruza bugun darsdan keyin mehmonga borishmoqchi. 2. Bog'imizda olma, olcha, o'rik va shaftoli pishdi. 3. Yangi uyga stol, stul, oyna kabi jihozlar sotib oldik. 4. Onam Osiyo, Afrika va Amerikada bo'lganlar. 5. Xalqlar tinchlikni, do'stlikni va farovon hayotni istaydilar. 6. Burgutlar, lochinlar hamda qirg'iyalar yirtqich qushlar hisoblanadi.

**19-mashq.** Gaplardagi uyushiq bo'laklar o'zaro qanday bog'lanqanligini aniqlang, gaplarni rus tiliga tarjima qiling.

1. Bahorda o'rik, shaftoli va behi kabi mevali daraxtlar gullaydi. 2. Oliy o'quv yurtiga o'qishga kirish uchun ko'p o'qish kerak, ko'p o'rganish kerak. 3. Kecha do'kondan oq, qizil, sariq hamda ko'k rangli qog'ozlarni sotib oldim. 4. O'qishimga tramvay ham, avtobus ham boraveradi. 5. Singlim bechora ham o'qiydi, ham ishlaydi, ham bolasiga qaraydi. 6. Ukam toza, chiroyli, bexato yozadi.

**20-mashq.** Quyidagi umumlashtiruvchi so'zlarga mos uyushiq bo'laklarni toping va ular ishtirokida gaplar tuzing.

Transport, yil, sport turlari, odamlar, mevalar, sabzavotlar, qurilish materiallari, tillar, oylar.

**21-mashq.** O'rin ergash gapli va payt ergash gapli qo'shma gaplarni topib ko'chiring. Ergash gaplarni bosh gapga birlashtirgan vozitalarning tagiga chizing, gaplarni rus tiliga og'zaki tarjima qiling.

1. Mehmonlar yetib borguncha, qorong'i tushdi. 2. Yolg'iz qolganimizda u menga hech narsa gapirmaydi. 3. Oradan 5-6 kun o'tganda, Kitobdan mehmon keldi. 4. Xuddi nafasi siqayotgandek, u o'zini uy ichiga sig'dirmaydi. 5. Go'yo oradan shuncha yillar o'tmagandek, shuncha vaqt davomida birga bo'lgandek edi. 6. Opam garang bo'lib qoldi, nafasi titrab, bir nimalar dedi.

**22-mashq.** Nuqtalar o'rniga o'ng tomondagi zarur vositalarni qo'yib, sabab ergash gapli va natija ergash gapli qo'shma gaplarni hosil qiling.

1. Orifjon aka ko'targan mavzu qiyinroq edi, ... ko'pchilik muhokamada qatnashmadi.
2. Turg'unning qulog'iga birdan tanish oboz eshitilgani ..., u tezda o'sha tomonga qaradi
3. Olim odam boylardan afzal, ... olamning xazinasi ilmdir.
4. U qizga shunday tikildi ... qiz juda o'ng'aysiz holatga qoldi.  
Go'zal shunday hunarlar ko'rsatdi ..., ... turmush o'rtog'i shifoxonaga tushdi.

shuning  
uchun  
sababli  
chunki  
-ki  
natijada

**23-mashq.** «Xalq so'zi», «Mohiyat» gazetalarining biror sonidagi maqolalardan *deb, -ar deb, -mi ekan* vositalari orqali birikkan maqsad ergash gapli qo'shma gaplarga 5 ta gap topib ko'chiring.

**24-mashq.** Quyidagi juft keltirilgan sodd gaplardan shart ergash gapli qo'shma gap hosil qiling.

**Namuna:** Dars boshlandi. O'qituvchi keldi. – O'qituvchi kelsa, dars boshlanadi.

1. Byuruq berildi. Ishni boshlaymiz. 2. Siz chaqiring. Men boraman. 3. Qodir ko'rsatdi. Boshqalar yo'lga tushadi. 4. Qo'shning tinch, sen tinch. 5. Olim bo'l, olam seniki bo'ladi. 6. Ertaga Vali Moskvadan keladi. Men qarzlarimni beraman.

**25-mashq.** Gaplarni o'qing. Daraja-miqdor ergash gaplarni alohida ustunga, o'xshatish ergash gapli qo'shma gaplarni alohida ustunga ajratib ko'chiring.

1. Biz qanchalik ko'p yo'l yurgan sayin, manzil shunchalik uzoqlashgandek bo'lardi. 2. U shunday xyshmuomala, shunday shirin so'zki, suhbatlashib to'yamaymiz. 3. Uning ko'ngli qanday toza bo'lsa, ishi ham shunday toza. 4. U kuchanib qancha qattiq puflasa, pilik shuncha lovullab yonardi. 5. Juda hayajonlanib ketayapman, go'yoki birinchi uchrashuvga ketayotgan oshiqdek. 6. Yigitning sazasi o'lguncha, ho'kizning shoxi sinsin.

#### ADABIYOTLAR:

1. O'zbek tili grammatikasi. Sintaksis. –Toshkent: Fan, 1975.
2. Yo'ldoshev I, Sharipova O'. Tilshunoslikka kirish. -Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007.
3. Jamolxonov H. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –Toshkent, 2008.

#### MAVZU:

#### JAHON TILLARI TASNIFI

#### SAVOLLAR:

5. Jahon tillar qanday tasnif qilinadi?
6. Til universalialari nima?
7. Genealogik tasnif qanday tasnif?
8. Dunyoda nechta til oilasi bor?
9. O'zbek tili qaysi til oilasiga, uning qaysi guruhiga kiradi?
10. Rus tili qaysi til oilasiga, uning qaysi guruhiga kiradi?
11. Ingliz tili qaysi til oilasiga, uning qaysi guruhiga kiradi?
12. Nemis tili qaysi til oilasiga, uning qaysi guruhiga kiradi?
13. Turk tili qaysi til oilasiga, uning qaysi guruhiga kiradi?
14. Arab tili qaysi til oilasiga, uning qaysi guruhiga kiradi?
15. Ispan tili qaysi til oilasiga, uning qaysi guruhiga kiradi?
16. Tipologik tasnif qanday tasnif?
17. Tipologik tasnifga ko'ra qanday tillar ajratiladi?
18. Tipologik jihatdan sof til mavjudmi?

#### ASOSIY TUSHUNCHALAR:

1. YUNESKOning axborotiga ko'ra, hozirgi kunda dunyoda 5600dan ortiq til mavjud. Bu tillarning rivojlanish darajasi va jamiyatda tutgan o'rni, ularda gaplashuvchilarning soni turlichadir.

2. Til universalialari barcha tillar sistemalariga xos umumiy lingvistik kategoriyadir. Til universalialari yoki universalizm tildagi umumiy kategoriyalarni o'rganadi va deskriptiv hamda boshqa metodlarni tilning umumiy qonunlari bilan tipologik umumiylikni aniqlashda qo'llaniladi. Universalizm til qonunlarining umumlashtirilishi demakdir.

3. Tabiiy yoki ijtimoiy hodisalarning eng asosiy, eng muhim belgilarini nazarda tutgan holda dunyodagi narsalarning guruhlarga ajratilishi tasnif deyiladi. Dunyodagi barcha tillar ham eng asosiy eng muhim belgilari nazarda tutilgan holda bir necha guruhlarga bo'linib tasnif qilinadi.

4. Tillarning bir manbadan kelib chiqishini, qaysi tillar bir-biri bilan qardosh ekanligini, shu bilan birga so'zlarni, qo'shimchalarni va boshqa grammatik xususiyatlarni nazarda tutib, tillarni ayrim guruhlarga ajratadi. Genealogik tasnifda guruhlarga ajratilgan tillarning kelib chiqishi, so'zlarning paydo bo'lishi va manbai ularning ma'no jihatdan yaqinligi, shu bilan birga, ulardagi tovushlar va affikslar o'xshashligi hisobga olinadi.

5. Tillarni morfologik tasnif qilishda so'zlarning tuzilishi eng muhim belgi qilib olinadi. Bu usulda so'zlarning kelib chiqishini e'tirofga olinmaydi. U eng avvalo har bir tilning grammatik qurilishini nazarda tutadi, ya'ni nutqda so'zlarning o'zaro bog'lanishidagi so'z, turlovchi va tuslovchi qo'shimchalarning bor- yo'qligi ularning xususiyatlari va so'zning yasalish tomonlarini hisobga oladi. Shunga ko'ra, morfologik usul barcha tillarni ikki asosiy guruhlarga ajratadi.

6. Qo'shimchali (affiksli) tillar. Bunday tillarda nutqdagi so'zlarning bir-biriga bog'lanishi so'z tarkibiga bog'liq bo'ladi. Morfologik usulga asoslangan qo'shimchali tillar yana ikki guruhga bo'linadi:

A. Agglyutinativ tillar (agglutinare lotincha so'z bo'lib, ulash, yopishtirish demakdir).

B. Felektiv tillar (flexio lotincha so'z bo'lib, egilmoq, bukilmoq demakdir).

C. Qo'shimchasiz tillar. Bunday tillarda gap tarkibidagi so'zlarning bir-biri bilan munosabati, asosan, so'z tarkibi orqali ifodalanadi. So'zlarning shakli esa o'zgar olmaydi (turlanmaydi, tuslanmaydi), hech qanday qo'shimcha so'z negiziga qo'shilmaydi. Umuman, bu tillarga grammatik munosabatlar sintaktik yo'l bilan ifodalanadi.

#### ADABIYOTLAR:

11. Irisqulov M.A. Tilshunoslikka kirish.- Toshkent, 1992.

2. Yo'ldoshev L, Sharipova O'. Tilshunoslikka kirish. -Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007.

#### MAVZU:

LINGVISTIKA TURLARI VA LINGVISTIK METODLAR HAQIDA BOSHLANG'ICH MA'LUMOTLAR

#### SAVOLLAR:

1. Lingvistikaning qanday turlari mavjud?
2. Metod nima?
3. Metodning qanday ko'rinishlari mavjud?
4. Metodologiya nima?
5. Metodlar nechtaga bo'linadi?
6. Nima uchun diaxron tadqiqot metodlari deyiladi?
7. Diaxron tadqiqot metodlariga qanday metodlar kiradi?

#### ASOSIY TUSHUNCHALAR:

1. Metod – ob'ektiv borliq predmet hodisalarini – tadqiqot manbaini ilmiy tahlil qilib, o'rganib, uning mohiyatini, tabiati va tarkibini aniqlash, muayyan jihatlarini, o'ziga xos xususiyatlarini topish, ochish va ular haqida ilmiy xulosalar, umumlashmalar chiqarish usulidir.
2. Metodologiya – tadqiqotchining maqsadi bilan bog'lanib, tadqiqot manbaini qanday tushunishi va unga qanday usul bilan yondashishi – shu asosda ob'ekt yuzasidan muayyan nazariy yoki amaliy, mantiqiy (ichki) yoki tavsifiy (shakliy tashqi) bilimlarni hosil qilishidir.
3. Diaxron tadqiqot metodi – tarixiy metod bo'lib, tarixan tashkil topganligi bilan, qo'llanishiga ko'ra uzoq o'tmish bilan bog'lanishiga ko'ra o'ziga xosdir, ularda vaqt, zamon belgisi mezon vazifasini o'taydi.
4. Tasviriy metod – lisoniy birliklarni sinxron nuqtai nazardan tekshiradi, o'rganadi. Ularning tildagi vazifasi, tuzilishi, qo'llanishi kabilarni aniqlaydi, tavsiflaydi, ilmiy bayonini, "sharhini" beradi.

#### ADABIYOTLAR:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.- М., 1966.

2. Косовский Б.И. Общее языкознание. –Минск, 1969.

3. Baskakov N.A., Sodiqov A.S., Abduazizov A.A. Umumiy tilshunoslik. -T., 1979.

4. Ne'matov N. Ilmiy tadqiq metodikasi, metodologiyasi va metodlari.- Buxoro, 2006.

5. Rasulov R. Umumiy tilshunoslik (OTM uchun darslik). –Toshkent, 2010.

**“ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ” ФАНИДАН  
ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Нарса номи билан нарса ўртасида боғланиш бор деган фикр тарафдорлари нима деб аталади?**

- A) аномалистлар;
- B) анологистлар;
- C) типиклаштирувчилар;
- D) анархистлар.

**2. Макролингвистика нимани ўрганади?**

- A) тилнинг ички, фонетик, лексик, грамматик тузилишини ўрганади;
- B) тилни бошқа фанлар билан алоқасини, боғлиқлигини ўрганади;
- C) тилнинг йирик категорияларини ўрганади;
- D) тилшунослик терминининг бошқа бир кўриниши.

**3. Нутқ аппарати нечта қисмга бўлинади?**

- A) 3 қисмга;
- B) 4 қисмга;
- C) 5 қисмга;
- D) 6 қисмга.

**4. Резонатор вазифасини қандай органлар бажаради?**

- A) оғиз ва бурун бўшлиғи;
- B) бўғиз;
- C) кекирдак ва диафрагма;
- D) ўпка.

**5. Сўз таркибидаги ундошларнинг ўзаро мослашиши нима?**

- A) ассимиляция;
- B) аккомодация;
- C) метатеза;
- D) протеза.

**6. Сегмент элементлар нима?**

- A) бўғин;
- B) товушлар;
- C) сўзлар;
- D) ҳамма жавоблар тўғри.

**7. Суперсегмент элементлар нима?**

- A) ургу ва оҳанг;
- B) товуш ва ҳарф;
- C) сўзлар;
- D) фраза ва ҳарф.

**8. Акустика нима?**

- A) товуш ўзгариши;
- B) товушнинг эшитилиши;
- C) товуш талаффузи;
- D) товуш органлари.

**9. Жаҳон тиллари қандай усулларда тасниф қилинади?**

- A) типологик тасниф, генеалогик тасниф;
- B) фонетик ва грамматик тасниф;
- C) лингвистик ва стилистик тасниф;
- D) тарихий ва замонавий тасниф.

**10. Тил тахминан қачон пайдо бўлган?**

- A) 500 минг йил олдин;
- B) 1 миллион йил олдин;
- C) 750 минг йил олдин;
- D) 300 минг йиллар олдин.

**11. Диереза нима?**

- A) товуш тушиши;
- B) товуш орттирилиши;
- C) товуш алмашилиши;
- D) сўзнинг олд томонида товуш қўшилиши.

**12. Эпентеза ҳодисаси нима?**

- A) товуш тушиши;
- B) товуш алмашилиши;
- C) сўз таркибида ортиқча товуш пайдо бўлиши;
- D) сўзнинг олд томонига товуш қўшилиши.

**13. Грамматика қандай қисмларга бўлинади?**

- A) полисемия ва омонимия;
- B) морфология ва синтаксис;
- C) фонетика ва фонология;
- D) лугат бойлиги ва таржима.

**14. Кўшимчали тиллар қандай гуруҳларга бўлинади?**

- A) агглютинатив ва флектив;
- B) релятив ва атрибутив;
- C) предикатив ва нопредикатив;
- D) объектив ва субъектив.

**15. Шеваларнинг кўнайиши ва янги тилларнинг пайдо бўлиши тилшуносликда қандай аталади?**

- A) фарқланиш (дифференциация);
- B) мужассамлашув (интеграция);
- C) классификация (табақалаштириш);
- D) туркумлаштириш (группировка).

**16. Миллий тилнинг халқ тилидан фарқи нимада?**

- A) адабий ёзувнинг мавжудлиги;
- B) тилларнинг чатишуви;
- C) тил структурасининг мавжудлиги;
- D) фарқи йўқ.

**17. Келгиндилар тили маҳаллий тилни сиқиб чиқаради, ишлатишдан чиқиб кетаётган тил келгиндилар тилига сезиларли таъсир кўрсатади, бу ҳодиса қандай аталади?**

- A) субстрат;
- B) суперстрат;
- C) субъективизация;
- D) субстантивизация.

**18. Тил системаси (тизими) нима?**

- A) тил ходисалари;
- B) фонетика, грамматика ва лугат таркибининг узвий боғланиши;
- C) тилнинг таркиби, тузилиши;
- D) тил системаси – бу тил структураси.

**19. Тил структураси (тузилиши) нима?**

- A) тил ходисалари;
- B) фонетика, грамматика, лугат таркибининг узвий боғланиши;
- C) тилдаги категорияларнинг таркиби, унинг маълум кўринишга эга бўлиши;
- D) тил структураси – бу тил системаси.

**20. Фонетика нимани ўрганади?**

- A) тилнинг товуш тизимини;
- B) грамматикани;
- C) сўзларнинг таркибини;
- D) нутқ физиологияси, товушларнинг пайдо бўлишини.

**21. Фонология нимани ўрганади?**



- А) тилнинг товуш тизимини;  
 В) грамматикани;  
 С) сўзларнинг таркибини;  
 Д) тўғри жавоб йўқ.
22. Тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тўғри фаразни аниқланг.  
 А) ижтимоий келишув фарази;  
 В) меҳнат чақириқлари фарази;  
 С) меҳнат фаолияти тараққиётда тил ва онг орасидаги муносабат ривожланиб тил пайдо бўлди;  
 Д) ундовлар назарияси.
23. Морфеманинг маъносига кўра қандай кўринишлари бор?  
 А) ўзак морфема, аффикс морфема;  
 В) ўзак морфема, негиз морфема;  
 С) сўз ва морфема;  
 Д) морфема ва морфемика.
24. Аффикс морфема кўринишига кўра қандай фарқланади?  
 А) префикс, инфикс, суффикс;  
 В) морфема ва сўз;  
 С) келишик кўшимчалари;  
 Д) барча жавоблар тўғри.
25. Флексия ҳодисаси нима?  
 А) сўзларга кўшимча қўшилиши;  
 В) сўз шаклининг ўзгариши;  
 С) сўзларда товуш орттирилиши;  
 Д) сўзларда товуш туширилиши.
26. Тилларда гап таркибидаги сўзларнинг бир-бири билан грамматик муносабати неча хил ва улар қайсилар?  
 А) 2 хил: синтетик ва аналитик;  
 В) 3 хил: туб ва ясама, аралаш;  
 С) 4 хил: аффикс, префикс, инфикс, суффикс;  
 Д) 1 хил: грамматик.
27. Ёзув таҳминан қачон пайдо бўлган?  
 А) 50-60 минг йил илгари;  
 В) 15-20 минг йил илгари;  
 С) номаълум;  
 Д) 30-40 минг йил илгари.
28. Тилларни таснифлашда қандай усуллардан фойдаланилади?  
 А) морфологик ва синтактик;  
 В) морфологик ва генеалогик;  
 С) тарихий ва замонавий;  
 Д) алфавитларга кўра.
29. Морфологик усулда барча тиллар қандай гуруҳларга ажратилади?  
 А) кўшимчали (аффиксли) тиллар ва кўшимчасиз (аффиксиз) тиллар;  
 В) туркумли ва туркумсиз тиллар;  
 С) элементли тиллар ва элементсиз тиллар;  
 Д) тарихий тиллар ва замонавий тиллар.
30. Грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларига яқин бўлган тиллар гуруҳи қандай аталади?  
 А) тиллар туркуми;  
 В) тиллар йиғиндиси;  
 С) тиллар оиласи;  
 Д) тиллар группаси.
31. Ҳозирги вақтда тарихи ўрганилиб, бир-бири

- билан қардош эканлиги аниқланган тиллар оиласи нечта?  
 А) 7 та;  
 В) 8 та;  
 С) 9 та;  
 Д) 10 та.
32. Ўзбек тили қайси тиллар оиласига киради?  
 А) Ҳинд – Европа тиллари оиласига;  
 В) Хом – Сом тиллари оиласига;  
 С) Угор – Фин тиллар оиласига;  
 Д) Туркий тиллар оиласига.
33. Тожиқ тили қайси тиллар оиласига киради?  
 А) Ҳинд – Европа тиллар оиласига;  
 В) Хом – Сом тиллари оиласига;  
 С) Угор – Фин тиллар оиласига;  
 Д) Славян тиллар оиласига.
34. Эрамыздан тўрт аср илгари яшаган, ҳинд тили – санскрит грамматикасини ёзган машҳур ҳинд олимини аниқланг.  
 А) Дехлавий;  
 В) Андалусий;  
 С) Панини;  
 Д) Юсуф Хос Ҳожиб.
35. Артикуляцияда нечта босқич бор?  
 А) 3 та;  
 В) 4 та;  
 С) 5 та;  
 Д) 6 та.
36. Нарса номи билан нарса ўртасида боғланиш йўқ деган фикр тарафдорлари қандай аталади?  
 А) аномалистлар;  
 В) анологистлар;  
 С) типиклаштирувчи;  
 Д) анархистлар.
37. Тилнинг моҳияти нимада?  
 А) тил-идеалдир;  
 В) тил-категориядир;  
 С) тил-ижтимоий ҳодиса;  
 Д) тил синфий характерга эга.
38. Тил соҳанинг объекти?  
 А) тил-тилуносликнинг объекти;  
 В) тил-мантиқ илмининг объекти;  
 С) тил-психологиянинг объекти;  
 Д) тил фалсафанинг объекти.
39. Тафаккур нимага объекти?  
 А) тафаккур – фалсафанинг объекти;  
 В) тафаккур – психологиянинг объекти;  
 С) тафаккур – тилуносликнинг объекти;  
 Д) тафаккур – мантиқ илмининг объекти.
40. Нутқ аъзоси деб нимага айтилади?  
 А) нутқ товушларини ҳосил қилишда иштирок этмайдиган аъзолар нутқ аъзолари дейилади;  
 В) нутқ товушларининг ҳосил бўлишида қатнашадиган аъзолар нутқ аъзолари дейилади;  
 С) кўкрак қафасининг юқори қисми нутқ аъзолари дейилади;  
 Д) нутқ товушларининг ҳосил қилишда ҳаво етказиб берувчи аъзолар нутқ аъзолари дейилади.
41. Нутқ аппаратига қайси аъзолар киради?  
 А) диафрама, ўпка, кекирдак;  
 В) ўпка, кекирдак, бўғиз, тил;  
 С) ўпка, кекирдак, бўғиз, тил, тиш, лаб;

Д) диафрама, ўпка, кекирдак, овоз пайчалари, бўғиз қопқоғи, кичик тил, танглай, тил, тиш, лаб.

**42. Нутқ товушлари овоз ва шовқиннинг ишгирик этиш даражасига кўра неча гуруҳга бўлинади?**

- А) 3 гуруҳга бўлинади;
- В) 5 гуруҳга бўлинади;
- С) 4 гуруҳга бўлинади;
- Д) 2 гуруҳга бўлинади.

**43. Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра унлилар қандай бўлади?**

- А) тил олди, тил орқа, ўрта;
- В) тил ўрта, тил ора, кенг;
- С) кенг, тил олди, тил орқа;
- Д) тил олди, тил ўрта, тил орқа.

**44. Ҳозирги ўзбек тилида унли товушлар қандай белги асосида тасниф қилинади?**

- А) тилнинг кўтарилиши ва танглай томон яқинлашувига кўра лабнинг ҳолати ва ишгирикка кўра;
- В) тилнинг кўтарилиши ва оғизнинг очилиш даражасига кўра;
- С) тилнинг кўтарилиши ва танглай томон яқинлашувига кўра;
- Д) тилнинг ва оғизнинг очилиш даражасига кўра.

**45. Ундои товушлар қандай ҳосил бўлади?**

- А) нутқ органларининг бир – бирига тегиши натижасида ўпқадан келаётган ҳаво оқимининг тўсиққа учраши ундошларни ҳосил қилади;
- В) нутқ органларининг бир – бирига тегиши натижасида ўпқадан келаётган ҳаво оқимининг тўсиққа учрамаслиги ундошларни ҳосил қилади;
- С) ундошлар акустик жиҳатдан овознинг устунлиги билан характерланади;
- Д) ундош товушлар талаффуз қилинганида нутқ органларининг ҳолати бир хил бўлади ва нутқ органлари ўпқадан келаётган ҳавони бир хилда тўсмайди.

**46. Синонимлар деб нимага айтилади?**

- А) бир тушунча, ҳодиса предмет ёки белгини ифодаловчи, маънолари ўхшаш ёки яқин бўлган турли маъно оттенкаларини ва экспрессив – стилистик бўёқларни фарқлаш учун хизмат қилувчи сўзлар синонимлар дейилади;
- В) тил бирликларининг шаклан тенг келишига синонимлар дейилади;
- С) қарама - қарши маъноли сўзлар синонимлар дейилади;
- Д) бир тушунча, ҳодиса предмет ёки белгини ифодаловчи, маънолари ўхшаш бўлган сўзлар синонимлар дейилади.

**47. Нутқ фонетик жиҳатдан қандай бирликларга бўлинади?**

- А) жумла, фраза, интонацион бутунлик, такт, бўғин, товуш;
- В) жумла, фраза, такт, бўғин, товуш;
- С) жумла, такт, бўғин, товуш;
- Д) жумла, такт, товуш.

**48. Қайси қатордаги сўзларда метатеза ҳодисаси юз берган?**

- А) паст, рост, дайро, гўшт;
- В) спаравка, стол, қулупнай, тарелка;

С) дайро, турпок, пайпоқ, қўлпоқ;

Д) паст, стул, дайро, турпок.

**49. Омонимга берилган қайси таърифни мукамал деб биласиз?**

- А) тил бирликларининг шаклан тенг келишига омонимлар дейилади;
- В) тил бирликларининг тасодифан шакл жиҳатдан тенг келишига омонимлар дейилади;
- С) барча грамматик шаклларда тенг келувчи сўзлар омонимлар дейилади;
- Д) бир тушунча ҳодиса, предмет ёки белгини ифодаловчи сўзларга омонимлар дейилади.

**50. Антонимга берилган қайси жавоб тўғри?**

- А) қарама - қарши маънолари билан гуруҳланувчи сўзлар антонимлар дейилади;
- В) турли маъно оттенкаларини ва экспрессив – стилистик бўёқларни фарқлаш учун хизмат қилувчи сўзлар антонимлар дейилади;
- С) талаффузи ва ёзилиши бир хил бўлган, лекин бошқа – бошқа маънони билдирган сўзлар антонимлар дейилади;
- Д) бир хил тушунчани ифодалаб келса ҳам, маъно нозиклиги билан бир – биридан ажралиб турадиган сўзлар антонимлар дейилади.

**51. Табуга берилган қайси таърифни тўғри деб ҳисоблайсиз?**

- А) дағал, кўпол, ноқулай сўзларни ёқимлироқ, силлиқроқ сўзлар билан алмаштириш ҳодисаси табу дейилади;
- В) манъ этилган сўзлар ўрнига бошқа сўзларни ишлатиш табу дейилади;
- С) кишлоқ жамияти таракқиётининг турли босқичларида баъзи бир нарсаларнинг манъ этилишига табу дейилади;
- Д) табу этник тушунча бўлиб, қандайдир предметнинг, ҳаракатининг номини айтишни манъ қилинишидир.

**52. Қандай сўз шаклларининг йиғиндисини грамматик категориялар дейилади?**

- А) бир турдаги грамматик ҳодисаларнинг йиғиндисини – грамматик жиҳатдан бир турни ташкил қилиб келган сўзлар ва сўз шаклларининг йиғиндисини грамматик категориялар дейилади;
- В) гапда сўзларнинг синтактик боғланишларини ифодаловчи аффикслар грамматик категориялар дейилади;
- С) сўз шаклларининг йиғиндисини грамматик категориялар дейилади;
- Д) бир турдаги грамматик ҳодисаларнинг йиғиндисига грамматик категориялар дейилади.

**53. Қайси қаторда қўшма сўзларнинг йиғиндисини тўғри берилган?**

- А) кўзойнақ, хурсанд, тозалик;
- В) ёшлиқ, гўзаллик, тезлик, яхшилик;
- С) ошқозон, ишбузар, озодлик;
- Д) ошқозон, ишбузар, кўзойнақ, музёраб.

**54. Сўзларнинг синтактик муносабати қайси шактлар орқали амалга оширилади?**

- А) аффикслар, ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби;
- В) аффикслар, ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, пауза, логик урғу;
- С) сўз бирикмаси, аффикслар, ёрдамчи сўзлар;

Д) аффикслар, сўз тартиби, интонация.

55. «Тилшунослик асослари» фани нимани ўргатади?

А) «Тилшунослик асослари» фани тилшуносликда ишлатиладиган терминлар, уларнинг этимологиясини ўргатади;

В) бу фан тилнинг моҳияти, пайдо бўлиши, жаҳон тилларининг таснифини ўргатади;

С) бу фан тилнинг жамият, тил ва тафаккур ўртасидаги муносабатини ўргатади;

Д) «Тилшунослик асослари» фани тилшунослик илмида қўлланадиган терминлар, уларнинг этимологияси, маъноси, тилнинг моҳияти ва жамиятдаги ўрни, тил ва тараққиёти қонунлари ва бошқаларни, тилларнинг пайдо бўлиши ва таснифи каби масалаларни ўргатади.

56. «Тилшунослик асослари» фани қандай фанлар билан боғлиқ?

А) «Тилшунослик асослари» фани табиий фанлар билан боғлиқ;

В) бу фан ижтимоий фанлар билан боғлиқ;

С) бу фан фалсафий фанлар билан боғлиқ;

Д) «Тилшунослик асослари» фани барча ижтимоий ва табиий фанлар билан боғлиқ.

57. Тилга берилган қайси таъриф мукамал?

А) Тил ўзига хос семиологик система (яъни ишоралар системаси) бўлиб, жамиятда асосий ва энг муҳим фикр алмашиш қуроли, жамият тафаккурининг ривожланишини таъминловчи, авлоддан – авлодга маданий – тарихий анъаналарни etkazувчи восита бўлиб хизмат қилади;

В) «Тил тафаккурни ифода қилувчи ишоралар мажмуидир»;

С) «Тил одам онгининг иштирокисиз, унинг ташқи дунёга нисбатан бўлган, механик харақатидир» (Л.Блумфильд);

Д) «Тил фикрни ифода қилишга мўлжалланган, талаффуз қилинадиган, чегараланган товушлар мажмуидир» (Б.Гроссе).

58. Тил қандай ҳодиса?

А) тил – биологик ҳодиса;

В) тил – ижтимоий ҳодиса;

С) тил – руҳий (психик) ҳодиса;

Д) тил – табиий ҳодиса.

59. Тил ва тафаккурнинг муносабати қандай?

А) тил ва тафаккур бошқа – бошқа ҳодисадир;

В) тил ва тафаккур чамбарчас боғлиқ ҳодисадир;

С) тил ва тафаккур бир вақтда пайдо бўлади, бирга ривожланади, бири иккинчисиз яшай олмайди;

Д) «Бўлажак тил табиий материядан ҳоли бўлган, техникада ўсиб бораётган тафаккурдир»

(Н.Я.Марр).

60. Тил қандай пайдо бўлган?

А) тил товушга тақлид қилиш туфайли пайдо бўлган, чунки тилимиздаги қарга, мийв-мийв, таг-туг, шаршара каби сўзлар товушларга тақлиддан вужудга келган;

В) тил ибтидоий одамларнинг ички кечинмаларини ифодалаш учун чиқарган оҳ, уҳ, эҳ каби сўзлар асосида пайдо бўлган, ҳақиқатдан, тилимизда шундай сўзлар жуда кўп;

С) тил одамлар жамоа бўлиб меҳнат

қилаётганларида меҳнатни ташкил этишда фойдаланилган товушлар асосида пайдо бўлган;

Д) тил меҳнат жараёнида пайдо бўлган. Аввало меҳнат, сўнгра у билан бирга буро-бурро сўзлашга иккита энг муҳим сабаб бўладики, бу сабаблар таъсири остида мия секин-секин ривожланиб, онг ўсади.

61. Тил тараққиёти босқичларига кўра қандай тиллар пайдо бўлган?

А) уруғ тиллари пайдо бўлган;

В) уруғларнинг бирлашиши туфайли қабила тиллари вужудга келган;

С) қабила иттифоқи тилни пайдо қилган;

Д) жамиятнинг муайян тарихий шароитга кўра уруғ, қабила, элат ва миллат тиллари пайдо бўлган.

62. Субстрат ва суперстат нима?

А) субстрат – таг қатлам, суперстат – устки қатламдир, субстрат ва суперстат мағлуб тил билан голиб тил ўртасидаги муносабатдир;

В) бир тилдан иккинчидан тилга сўз ўзлаштириш туфайли субстрат ва суперстат ҳодисалари юз беради;

С) келгиндилар тили маҳаллий тилни сиқиб чиқаради ва чиқиб кетаётган тил келгиндилар тилига сезиларли таъсир ўтказди. Ёки келгиндилар тили маҳаллий тилни сиқиб чиқармайди, аммо унга сезиларли таъсир ўтказди. Биринчиси – субстрат, иккинчиси – суперстатдир;

Д) ҳамма жавоб тўғри.

63. Лексикология нимани ўрганади?

А) лексикология сўз ҳақидаги фандир;

В) лексикологияда сўзнинг маъноси, уни аташ функцияси, маъно ва шакл муносабатига кўра турлари, этимология, сўз маъносининг тараққиёти, тилнинг луғат составини ўрганади;

С) лексикологияда фразеология ўрганилади;

Д) лексикологияда луғат состави ўрганилади.

64. Сўзнинг морфологик таркиби нималардан тузилган?

А) сўз бўгинлардан тузилган;

В) сўз товушлардан тузилган;

С) сўз ўзак ва аффикс морфемалардан тузилган;

Д) сўз негиз ва қўшимчалардан тузилган.

65. Сўз ясаш қандай усуллар билан амалга оширилади?

А) сўз лексик ва синтетик усул билан ясалади;

В) сўз қўшимчалари ёрдамида ҳосил бўлади;

С) сўз суффикслар билан ясалади;

Д) сўз префикслар ёрдами билан ясалади.

66. Грамматик маъно қандай ифодалавади?

А) грамматик маъно аналитик усул билан ифодаланади;

В) грамматик маъно синтетик усул билан ифодаланади;

С) грамматик маъно қўшиш усули билан ифодаланади;

Д) амматик маъно аффиксация, такрор, супплетеливизм, ургу, флексия, сўз тартиби, ёрдамчи сўзлар орқали ифодаланади

67. Қандай грамматик категориялар бор?

А) сўз туркумлари категориялари;

В) феъл категориялари;

- С) грамматик род, келишник, сон, замон категориялари;  
 Д) от ва сифат категориялари.

**68. Синтаксис нимани ўрганади?**

- А) синтаксис гап тузилишини ўрганади;  
 В) синтаксис - сўз бирикмаси ҳақидаги таълимот;  
 С) синтаксис гап ва унинг турлари, гапларнинг таснифи, сўз бирикмалари, гап бўлагининг турлари, гапда сўзларнинг боғланиш йўллари ўрганади;  
 Д) синтаксис гап тузишни ўрганади.

**69. Тиллар қандай тасниф қилинади?**

- А) тиллар ўзак тиллар жиҳатидан тасниф қилинади;  
 В) тиллар сўзларга қўшимча қўшилиши жиҳатидан тасниф қилинади;  
 С) тиллар морфологик ва генеалогик жиҳатдан тасниф қилинади;  
 Д) тиллар аморф, флектив ва агглютинатив тилларга бўлинади.

**70. Ёзувнинг қандай турлари мавжуд?**

- А) ёзувнинг пиктографик тури мавжуд;  
 В) ёзувнинг кириллица, арабча ва русча турлари мавжуд;  
 С) ёзувнинг пиктографик, идеографик, иероглифик, фонетик, миҳхат турлари мавжуд;  
 Д) ёзувнинг идеографик тури мавжуд.

**71. Қандай махсус ёзув турларини биласиз?**

- А) арабча, русча, инглизча, немисча турлари мавжуд;  
 В) транскрипция, транслитерация, стенография турлари мавжуд;  
 С) орфография – тўғри ёзув турлари мавжуд;  
 Д) ўнгдан чапга ва чапдан ўнгга ёзадиган турлари мавжуд.

**72. Орфография нима?**

- А) орфография – тўғри ёзиш ҳақидаги фан;  
 В) орфография сўзларни тўғри ёзиш қоидаларини ўргатади;  
 С) орфографиянинг фонетик, морфологик, тарихий традицион, график, этимологик принциплари бўлиб, ҳар бирида сўзларни тўғри ёзишнинг турли қоидалари берилган;  
 Д) орфографияда имло қоидалари ўз ифодасини топади.

**73. Ўзбек тилида унли ва ундош товушлар нечта?**

- А) унли ва ундош товушлар овозли ва шовқинли товушлардир, унли товушлар 6 та, ундош товушлар 25 та;  
 В) тўсикқа учрайдиган ва учрамайдиган товушлар унли ва ундош товушлар дефлилади;  
 С) унли товушлар системаси вокализм, ундош товушлар системаси консонантизм деб аталади;  
 Д) унли товушларни истаганча чўзиш мумкин, ундошлар шовқинлидир.

**74. Гапда сўзларнинг қуйидаги боғланиш усулларида қайси бири ўзбек тилида мавжуд?**

- А) мослашув;  
 В) бошқарув;  
 С) битишув;  
 Д) А, В ва С жавоблар тўғри.

**75. Тил ва бошқа алоқа воситалари орасидаги ўхшашлик қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- А) ижтимоий, чунки жамият томонидан яратилиб, унга хизмат қилади;  
 В) ҳар иккаласида кўлами чекланган;  
 С) қуруқ ахборотни етказди;  
 Д) улар инсоннинг истак - хоҳишига боғлиқ бўлади.

**76. Фикрни муҳасамлаштирувчи, уни моддий шаклга солувчи манба нима?**

- А) ёзув;  
 В) товушлар тизими;  
 С) тил;  
 Д) илим-фан.

**77. Ўзбек адабий тили асосан қайси шеваларга асосланган?**

- А) Андижон, Тошкент, Фарғона;  
 В) Хоразм, Тошкент;  
 С) Хоразм, Сурхондарё, Фарғона;  
 Д) Фағона, Бухоро.

**78. Тилларнинг чагишувига кескин таъсир қиладиган, лекин етакчи тилини сиқиб чиқара олмайдиган ҳодисанинг номини айтинг?**

- А) субстрат;  
 В) суперстрат;  
 С) субъектив;  
 Д) субстропик.

**79. Август Шлейхер фикрига зид бўлган фикрни кўрсатинг?**

- А) тил-биологик ҳодиса;  
 В) тил-табiiий ҳодиса;  
 С) тил-ижтимоий ҳодиса;  
 Д) тил - ўзгармас догма.

**80. Август Шлейхер асос солган ғояни ифодаловчи фикрни кўрсатинг?**

- А) тил тирик организм каби туғилади, яшайди ва охири ўлади;  
 В) тил жамиятда пайдо бўлади;  
 С) тил - илоҳий;  
 Д) тил- суний ҳодиса.

**81. Товушларнинг ёзувдаги ифодаси қандай аталади?**

- А) такт;  
 В) ҳарф;  
 С) талаффуз;  
 Д) бўгин.

**82. Унли ва ундошларнинг келишига қараб бўгин турларини айтинг.**

- А) ёпик, очик, беркитилган, беркитилмаган;  
 В) беркитилган очик, беркитилган ёпик, беркитилмаган очик, беркитилмаган ёпик;  
 С) ургули, ургулисиз;  
 Д) чўзик, қиска.

**83. Нутқнинг фонетик бўлиниши нималардан иборат?**

- А) фраза, такт, бўгин ва товуш;  
 В) гап, сўз, ҳарф;  
 С) товушлар тизими;  
 Д) содда гап, қўшма гап.

**84. Аккомодация нима?**

- А) ёнма-ён турган унлилар ва ундошларнинг мослашуви;

- В) товуш тушиши;  
 С) товуш орттирилиши;  
 Д) товуш алмашинуви.
- 85. Ассимиляция нима?**  
 А) ассимиляция товуш тушиши;  
 В) ассимиляция товуш орттирилиши;  
 С) ассимиляция ундош товушларнинг бири иккинчисига ўхшаб кетиши;  
 Д) ёнма-ён турган унли ва ундошларнинг мослашуви.
- 86. Сингармонизм нима?**  
 А) биринчи унлига кейинги унлиларнинг оҳанглашуви;  
 В) ундош товушларнинг бири иккинчисига ўхшаб кетиши;  
 С) товуш тушиши;  
 Д) товуш орттирилиши.
- 87. Редукция нима?**  
 А) урғу тушган унлининг кучли ва чўзиб талаффуз қилиниши;  
 В) урғу тушмаган унлининг қисқа талаффуз қилиниши;  
 С) урғу ўрнининг кўчиши;  
 Д) урғунинг бир тури.
- 88. Компьютер лингвистикаси нима?**  
 А) тилшуносликнинг тил бирликлари келиб чиқишини ўрганувчи соҳаси  
 тилшуносликнинг жой номларини ўрганувчи бўлим;  
 В) лексикологиянинг ўзаро-алоқа-аралшувда имо-ишора, мимика нутқ вазияти каби омилларни ўрганувчи соҳа;  
 С) амалий тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, матнга компьютер ёрдамида ишлов бериш билан боғлиқ вазифаларни бажаради;  
 Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.
- 89. Морфологик классификацияда қандай белгиларга эътибор берилади?**  
 А) тилнинг келиб чиқишига кўра;  
 В) тилларнинг қариндошлигига кўра;  
 С) тилларнинг ўзаро алоқасига кўра;  
 Д) тилларнинг грамматик қурилишига кўра.
- 90. Қуйидаги кўрсатилган хусусиятлардан қайси бири фразеологик бирикмаларга хос?**  
 А) нутқ жараёнида ҳосил қилинади;  
 В) луғавий бирик хисобланади;  
 С) таркибидаги ҳар бир мустақил сўз гапнинг маълум бир бўлаги бўлиб келади;  
 Д) образлилиги кучли бўлади, хотирада худди сўзлар сингари бир бутун ҳолда сақланади.
- 91. “Насриддиновнинг ҳовлисида беминнат хизмат қилади, боғ-чорбоғдан, чорвасидан хабар олади (Насриддиновнинг «хоббиси» бир жуфт қўй, ўн-ўн беш товуқ боқиб эди)”. Қавс ичидаги гап ...**  
 А) ажратилган изоҳли бўлак;  
 В) кириш бирикма;  
 С) кириш гап;  
 Д) уюшиқ бўлақлар.
- 92. Лингвистиканинг қандай турлари мавжуд?**  
 А) ички, ташқи, динамик, статик, синхрон, диахрон,

- математик ва б.;
- В) этимологик лингвистика;  
 С) этнографик лингвистика;  
 Д) топонимик лингвистика.
- 93. Нутқ нима?**  
 А) тилдан фикр алмашув мақсадида фойдаланиш жараёни;  
 В) тилдаги хотира;  
 С) синтактик ифода тури;  
 Д) лингвистиканинг бир бўлими.
- 94. “Адишган ит каби Фурқат қаён борғум билолмасман” гапда сўз маъноси кўчишининг қайси тури қўлланган?**  
 А) синекдоха;  
 В) метонимия;  
 С) метафора;  
 Д) функциядошлик.
- 95. Тамбур-тамбур, Манба-мамба, Ўнбеш-ўнбеш, Сунбул-сунбул каби сўзларнинг талаффузи ва имлосига тааллуқли бўлган қандай фонетик ҳодиса рўй берган?**  
 А) товуш орттирилиши;  
 В) товуш тушиши;  
 С) товуш алмашиниши;  
 Д) товуш мослашиши.
- 96. Бекорчидан эл безор. Бекор-ўзак, -чи сўз қўшимча, бекорчи - негиз, дан - сўз ўзгартирувчи қўшимча). Ушбу таҳлил таҳлилининг қайси турига киради?**  
 А) сўз ясалиш таҳлили;  
 В) сўз туркуми таҳлили;  
 С) этимологик таҳлил;  
 Д) синтактик таҳлил.
- 97. Кўрсатилган тилларнинг қайси бири сунъий тил?**  
 А) ўзбек тили, рус тили;  
 В) татар тили, япон тили;  
 С) лингва, идо, оскиденталь, эсперанто;  
 Д) хинд тили, лотин тили.
- 98. Лексикологияда қайси сўзларнинг луғавий маънолари ўрганилади?**  
 А) факат шевага хос сўзларнинг;  
 В) факат терминларнинг;  
 С) тилдаги барча сўзларнинг;  
 Д) факат янги пайдо бўлган ва эскириб қолган сўзларнинг.
- 99. Сўзларнинг кўчма маъноси қайси луғатда изоҳланади?**  
 А) энциклопедик луғатда;  
 В) имло луғатида;  
 С) фразеологик луғатда;  
 Д) изоҳли луғатда.
- 100. Сема нима?**  
 А) ўзак морфема;  
 В) маъно бўлакчалари;  
 С) қўшимча;  
 Д) кўчма маъно.
- 101. Халқаро тиллар қайси катордаги жавобда акс этган?**  
 А) инглиз, француз, рус, испан, араб, хитой тиллари;  
 В) ўзбек, усмонли турк, козок, киргиз озарбайжон,

рус тиллари;

С) инглиз, немис, япон, италян, поляк, рус тиллари;

Д) лотин, хинд, эрон, хитой, рус, инглиз тиллари.

**102. Семема нима?**

А) лексеманинг мазмун томони;

В) лексеманинг шакл томони;

С) кўчма маъно;

Д) прагматик маъно.

**103. Қайси қўшимчалар сўзга янги луғавий маъно беради?**

А) олд қўшимчалар;

В) шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар;

С) турловчи қўшимчалар;

Д) тўғри жавоб берилмаган.

**104. Синоним сўзлардан ясалган жуфт отлар қаторини кўрсатинг.**

А) ор-номус, бахт-иқбол;

В) ҳовли-жой, оёқ-қўл;

С) меҳр-оқибат, қут-барақа;

Д) куч-қувват, бахт-саодат.

**105. Тил бирликлари қайсилар?**

А) сўз, сўз бирикмаси, гап;

В) фонема, морфема, лексема, модель;

С) жумла, микро ва макроматн;

Д) фонема, морфема, лексема, сўз бирикмаси.

**106. Ҳз сўзлар қаторини кўрсатинг.**

А) бокс, томат, салат;

В) бахт, ака, том;

С) сеҳргар, бош, оға;

Д) футбол, пальто, вергул.

**107. Эскириб қолган сўзлар қаторини топинг.**

А) байналмилал, вазир, қалам;

В) ғор, ўра, чуқурлик;

С) китъа, чарх, чигирик;

Д) паранжи, чарх, чигирик.

**108. Ҳзакдош сўзларни топинг.**

А) тахмин, таҳмон, тахминий;

В) кўз, кўзгу, кўза;

С) сўзинг, сўз, сўзим;

Д) бетиним, тинди, тинч.

## ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ фанидан НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

### ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ ФАНИДАН ОН (ЎЗМА) УЧУН САВОЛЛАР ВА ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

#### 1-вариант

1. “Тилшунослик асослари” фани, унинг мундарижаси, мақсади, вазифаси ва аҳамияти.

**Таянч тушунчалар:** тилшунослик, тил, нутқ, тил ва тафаккур.

2. Нутқ товушларининг акустикаси ва артикуляцияси

**Таянч тушунчалар:** фонема, товуш, акустика, артикуляция.

3. Лисоний методлар (синхрон методлар).

**Таянч тушунчалар:** методлар, методика, методология.

#### 2-вариант

1. Тилнинг моҳияти.

**Таянч тушунчалар:** тил – ижтимоий ҳодиса, тил ва жамият, тил – алоқа воситаси.

2. Нутқ аппарати.

**Таянч тушунчалар:** нутқ органлари, оғиз бўшлиғи, бўғиз, тил, тиш.

3. Лингвистика турлари.

**Таянч тушунчалар:** динамик лингвистика, статик лингвистика, психолингвистика, социолингвистика.

#### 3-вариант

1. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси.

**Таянч тушунчалар:** ижтимоий фанлар, табиий фанлар.

2. Ундош товушлар таснифи

**Таянч тушунчалар:** товуш, жарангли, жарангсиз, портловчи, сиргалувчи.

3. Генеалогик тасниф (фақат катта тил оилаларини санаб беринг).

**Таянч тушунчалар:** ҳинд-европа тиллари, туркий тиллар, олтой тиллари, хом-сом тиллари оиласи.

#### 4-вариант

1. Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги қандай фаразларни биласиз?

**Таянч тушунчалар:** чакириклар фарази, ижтимоий келишув фарази, ундовлар фарази.

2. Унли товушлар таснифи.

**Таянч тушунчалар:** товуш, кенг, тор унлилар, тил олди, тил орқа унлилар.

3. Тилларнинг типологик таснифи.

**Таянч тушунчалар:** қўшимчали тиллар, қўшимчасиз тиллар, агглютинатив тиллар, флектив тиллар.

#### 5-вариант

1. Тилларнинг ўзаро таъсири ва ривожланиш қонуниятлари

**Таянч тушунчалар:** субстрат, суперстрат, дифференциация, интеграция.

2. Нутқнинг фонетик бўлиниши.

**Таянч тушунчалар:** фраза, такт, бўғин, товуш.

3. Грамматик категориялар.

**Таянч тушунчалар:** отнинг грамматик категориялари, феълнинг грамматик категориялари

#### 6-вариант

1. Тилнинг структураси ва системаси.

**Таянч тушунчалар:** тил сатҳлари, структура, система.

2. Туркумларнинг нутқ жараёнида ўзгариши.

**Таянч тушунчалар:** комбинатор ўзгаришлар, позицион ўзгаришлар, ассимиляция.

3. Туркумларни. Сўзларни туркумларга ажратиш принциплари.

**Таянч тушунчалар:** сўз туркумларининг таснифи, лексик-семантик принцип, синтактик принцип.

#### 7-вариант

1. Тилнинг пайдо бўлиш босқичлари

**Таянч тушунчалар:** пиктографик ёзув, идеографик ёзув ва б..

2. Тилнинг таркиби ва унинг турлари.

**Таянч тушунчалар:** семасиология, ономасиология, этимология, терминология.

3. Тилнинг таркиби ва синтагма.

**Таянч тушунчалар:** мослашув, бошқарув, битишув, синтагма.

### 8-вариант

1. Орфография ва унинг принциплари.

**Таянч тушунчалар:** фонетик, фонематик, морфологик принциплар.

2. Семасиология.

**Таянч тушунчалар:** сўз, лексема, семема, лексик маъно, сема, денотат, сигнификат.

3. Морфология. Морфем-морфологик таҳлил.

**Таянч тушунчалар:** морф, морфема, унинг турлари.

### 9-вариант

1. Алфавит тарихи. Ҳозирги лотин ёзувидаги ўзбек алфавити.

**Таянч тушунчалар:** алифбо, ҳарfli алфавит.

2. Лексикография. Лугат турлари.

**Таянч тушунчалар:** изохли, таржима, қомусий лугатлар.

3. Сўзлар ўртасидаги семантик муносабатлар.

**Таянч тушунчалар:** синонимия, антонимия, партонимия, градуномия, гипонимия.

### 10-вариант

1. Урғу ва унинг турлари.

**Таянч тушунчалар:** сўз урғуси, гап урғуси, эркин урғу, боғлиқ урғу.

2. Фразеология.

**Таянч тушунчалар:** от фразеологизм, феъл фразеологизм, фразема – тил бирлиги.

3. Синтактик бирликлар ва уларнинг турлари.

**Таянч тушунчалар:** гап, гап бўлаклари, матн.

## ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ ФАНИДАН ЖН (ОҒЗАКИ)УЧУН САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

### 1-ЖН 10 балл

- 1. Тилшунослик нимани ўрганади?
- 2. Тилшуносликка улкан ҳисса қўшган олимлардан кимларни биласиз?
- 3. Тилнинг моҳияти.
- 4. Тил ва тафаккур. Тилшунослик ва мантик (мустақил таълим).
- 5. Тилнинг пайдо бўлиши.
- 6. Тилларнинг ўзаро таъсири.

### 2-ЖН 10 балл

- 1. Фонетика ва фонология.
- 2. Тил ва ёзув.
- 3. Ёзув тарихи. (Мустақил таълим).
- 4. Лексикология ва унинг бўлимлари. (Мустақил таълим).
- 5. Терминология, этимология.
- 6. Фразеология, лексикография.

### 3-ЖН 10 балл

- 1. Социolingвистика (Мустақил таълим) – 3 балл.
- 2. Грамматика. Морфология. – 3 балл
- 3. Синтаксис. – 3 балл
- 4. Тилнинг ўзгариш назарияси. (Мустақил таълим) – 3 балл
- 5. Тилшуносликдан ўрин олган туркий омиллар. (Мустақил таълим) – 3 балл.

### 4-ЖН 10 балл

- 1. Тилшунослик предмети.
- 2. Фонетика ва фонология.
- 3. Ундош товушлар таснифи.
- 4. Тилнинг пайдо бўлиши.
- 5. Нутқ аппарати ва артикуляция.
- 6. Урғу
- 7. Тилларнинг ўзаро таъсири.
- 8. Нутқнинг фонетик бўлиниши.
- 9. Тил ва ёзув.



**ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ ФАНИДАН ЯН (ЎЗМА)  
УЧУН САВОЛЛАР ВА ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР**

**1-вариант**

1. Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги қандай фаразларни биласиз?

**Таянч тушунчалар:** чакириклар фарази, ижтимоий келишув фарази, ундовлар фарази.

2. Унли товушлар таснифи.

**Таянч тушунчалар:** товуш, кенг, тор унлилар, тил ояди, тил орқа унлилар.

3. Тилларнинг типологик таснифи.

**Таянч тушунчалар:** қўшимчали тиллар, қўшимчасиз тиллар, агглютинатив тиллар, флектив тиллар.

**2-вариант**

1. Тилларнинг ўзаро таъсири ва ривожланиш қонуниятлари

**Таянч тушунчалар:** субстрат, суперстрат, дифференциация, интеграция.

2. Нутқнинг фонетик бўлиниши.

**Таянч тушунчалар:** фраза, такт, бўгин, товуш.

3. Грамматик категориялар.

**Таянч тушунчалар:** отнинг грамматик категориялари, феълнинг грамматик категориялари.

**3-вариант**

1. Тил структураси ва системаси.

**Таянч тушунчалар:** тил сатҳлари, структура, система.

2. Товушларнинг нутқ жараёнида ўзгариши.

**Таянч тушунчалар:** комбинатор ўзгаришлар, позициян ўзгаришлар, ассимиляция.

3. Сўз туркумлари. Сўзларни туркумларга ажратиш принциплари.

**Таянч тушунчалар:** сўз туркумларининг таснифи, лексик-семантик принцип, синтактик принцип.

**4-вариант**

1. Ёзувнинг пайдо бўлиш босқичлари

**Таянч тушунчалар:** пиктографик ёзув, идеографик ёзув ва б.

2. Лексикология ва унинг турлари.

**Таянч тушунчалар:** семасиология, ономасиология, этимология, терминология.

3. Сўз бирикмаси ва синтагма.

**Таянч тушунчалар:** мослашув, бошқарув, битишув, синтагма.

**5-вариант**

1. Орфография ва унинг принциплари.

**Таянч тушунчалар:** фонетик, фонематик, морфологик принциплар.

2. Семасиология.

**Таянч тушунчалар:** сўз, лексема, семема, лексик маъно, сема, денотат, сигнификат.

3. Морфология. Морфем-морфологик таҳлил.

**Таянч тушунчалар:** морф. морфема, унинг турлари.

**6-вариант**

1. Алфавит тарихи. Ҳозирги лотин ёзувидаги ўзбек алфавити.

**Таянч тушунчалар:** алифбо, ҳарfli алфавит.

2. Лексикография. Луғат турлари.

**Таянч тушунчалар:** изоҳли, таржима, комусий луғатлар.

3. Сўзлар ўртасидаги семантик муносабатлар.

**Таянч тушунчалар:** синонимия, антонимия, партонимия, градуномия, гипонимия.

**7-вариант**

4. Ургу ва унинг турлари.

**Таянч тушунчалар:** сўз ургуси, гап ургуси, эркин ургу, боғлиқ ургу.

5. Фразеология.

**Таянч тушунчалар:** от фразеологизм, феъл фразеологизм, фразема – тил бирлиги.

6. Синтактик бирликлар ва уларнинг турлари.

**Таянч тушунчалар:** гап, гап бўлақлари, матн.

**8-вариант**

1. “Тилшунослик асослари” фани, унинг мундарижаси, мақсади, вазифаси ва аҳамияти.

**Таянч тушунчалар:** тилшунослик, тил, нутқ, тил ва тафаккур.

2. Нутқ товушларининг акустикаси ва артикуляцияси

**Таянч тушунчалар:** фонема, товуш, акустика, артикуляция.

3. Лисоний методлар (синхрон методлар).

**Таянч тушунчалар:** методлар, методика, методология.

#### 9-вариант

1. Тилнинг моҳияти.

**Таянч тушунчалар:** тил – ижтимоий ҳодиса, тил ва жамият, тил – алоқа воситаси.

2. Нутқ апарати.

**Таянч тушунчалар:** нутқ органлари, оғиз бўшлиғи, бўғиз, тил, тиш.

3. Лингвистика турлари.

**Таянч тушунчалар:** динамик лингвистика, статик лингвистика, психолингвистика, социолингвистика.

#### 10-вариант

1. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси.

**Таянч тушунчалар:** ижтимоий фанлар, табиий фанлар.

2. Ундош товушлар таснифи

**Таянч тушунчалар:** товуш, жарангли, жарангсиз, портловчи, сиргалувчи.

3. Генеалогик тасниф (фақат катта тил оилаларини санаб беринг).

**Таянч тушунчалар:** хинд-европа тиллари, туркий тиллар, олтой тиллари, хом-сом тиллари оиласи.

## “ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ” фани бўйича УМУМИЙ САВОЛЛАР

### САВОЛ-ЖАВОБЛАР

1. “Тилшунослик асослари” фанининг мақсади нималардан иборат?

“Тилшунослик асослари” фани умумий тилшуносликнинг муаммоларини тушунишга тайёрлайди ва шу билан бирга тил ҳақидаги дастлабки маълумотларни беради.

2. Қиёсий-тарихий тилшунослик қачон вужудга келган?

XIX асрнинг биринчи чорагида қиёсий-тарихий тилшунослик вужудга келди.

3. Тилшунослик қачон алоҳида фан сифатида ажралиб чиқди?

Тилшунослик алоҳида, мустақил фан сифатида XIX асрнинг биринчи чорагида (1816) фанлар оламига кириб келди.

4. Тилнинг моҳияти нималарда кўринади?

Тилнинг моҳияти унинг ижтимоий ҳодиса эканлигида кўринади.

5. Тилшунослик ва бошқа фанларнинг алоқаси ҳақида нималарни биласиз?

Тилшунослик ижтимоий фанлардан адабиётшунослик, тарих, фалсафа, мантиқ, психология, социология; табиий фанлардан математика, кимё, физика кабилар билан узвий боғлиқ фандир.

6. Тил ва тафаккурнинг боғлиқлиги нималарда кўринади?

Инсон тафаккури тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқдир.

1. Тилни тафаккурдан ажратиш мумкинми?

Йўқ.

2. Тил бўлмаган ҳолда ҳам тафаккур бўлиши мумкинми?

Ҳа.

9. Тилга таъриф беринг.

Тил- имконият сифатида алоқа-аралашув, фикр алмашув курали.

10. Нутққа таъриф беринг.

Нутқ - тилдан фикр алмашув мақсадида фойдаланиш усусли, жараёни.

11. Тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фаразларнинг энг мақбули қайси?

Тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фаразларнинг энг мақбули – ижтимоий келишувлар ҳақидаги фараздир.

12. Ўзлашган сўз нима?

Ўзлашган сўз - ўзга тилдан қабул қилинган сўз.

13. Ўзлаштириш қандай жараён?

Ўзлаштириш - ўзаро таъсир, алоқа натижаси сифатида бир тл унсурларининг бошқа тилга қабул қилиниши.

14. Тилларнинг ўзаро таъсири ва ривожланиши тилнинг қайси сатҳида яққол намоён бўлади?

Тилларнинг ўзаро таъсири ва ривожланиши, айниқса, тилнинг лексик сатҳида яққол намоён бўлади.

15. Субстрат нима?

Субстрат – тилларнинг чатишиши натижасида мағлуб тилнинг ғолиб тилда қолдирган излари.

16. Суперстрат нима?

- Суперсиратда келгиндилар тили маҳаллий тилга сезиларли таъсир ўтказди, лекин уни сиқиб чиқара олмайди.
- 17. Тил тараққиётининг ички ва ташқи қонуниятларини изоҳлаб беринг.**  
Тил тараққиётдаги ички қонуниятлар тилнинг ўз табиати асосида (ўз моҳиятидан) келиб чиқадиган тараққиёт жараёнларини ифодаловчи қонуниятлар ҳисобланади. Улар лингвистик омилларга таянадилар.
- Тил тараққиётининг ташқи қонуниятлари ижтимоий тузум шакллари, тарихий жараёнлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалар, илм-фан ривожини, ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти, ижтимоий тафаккур, инсон руҳияти, ҳис-туйғулари, тил ва ёзувга оид қонун ва фармонларга боғлиқ бўлади.
- 18. Тил системаси нима?**  
Система ўзаро боғлиқликдаги элементлар мажмуасидан иборат бўлиб, бу мажмуа яхлитликни ташкил қилади ва ундаги иштирокчиларнинг ҳар бири алоҳида ҳамда ўзаро муносабатда тавсифланадилар.
- 19. Тил структураси нима?**  
Структура ушбу системадаги элементларнинг муносабатлари асосида юзага келадиган тузилмадир.
- 20. “Тил - системалар системаси” деганда нимани тушундингиз?**  
Тил – системалар системаси ҳисобланади, чунки у ички бўлинувчанлик хусусиятига эга.
- 21. Тил структурасининг элементлари қайсилар?**  
Тил структураси элементлари – тил сатҳлари қуйидагилардан иборат: *фонетик – фонологик сатҳ*, *морфем – морфологик сатҳ*, *сўз ясаш сатҳи*, *лексик – семантик сатҳ*, *синтактик сатҳ*.
- 22. Фонетика нимани ўрганади?**  
Фонетика – тилшуносликнинг фонетик бирликлар, уларнинг физик-акустик ва б. хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи бўлими.
- 23. Фонология нима?**  
Фонология – тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у тилнинг товуш материяси тараққиётини ва шу материянинг фонологик системага уюшиш қонуниятларини ҳамда тилдаги вазифаларини тадқиқ қилади.
- 24. Фонема тушунчасини изоҳлаб беринг.**  
Фонема - сўзлар, морфемалар ва грамматик шаклларнинг товуш қобиғи, бинобарин, маъноларни ҳам фарқлаш учун хизмат қиладиган энг кичик сегмент бирлик.
- 25. Вокализм нима?**  
Вокализм – унли фонемалар тизими.
- 26. Консонантизм нима?**  
Консонантизм – ундош фонемалар тизими.
- 27. Сегмент бирликлар қайсилар?**  
Сегмент бирликлар – сўз ёки морфема таркибида горизонтал чизиқ бўйлаб бирин-кетин келадиган бирликлар: нутқ товуши, бўғин, фонетик сўз, такт, фраза.
- 28. Суперсегмент бирликлар қайсилар?**  
Суперсегмент бирликлар – ургу, оҳанг, мелодика, пауза каби устама ҳодисалардир, улар сўзга, фразага, гапга ёки нутққа яхлит ҳолда алоқадор бўлиши билан сегмент бирликлардан фарқ қилади.
- 29. Нутқнинг фонетик бўлаклари қайсилар?**  
Нутқнинг фонетик бўлаклари жумла (фраза), такт, бўғин, товушдан иборатдир.
- 30. Энклитика нима?**  
Энклитика – ургули сўздан кейин келиб, ургу жиҳатдан унга қўшилиб кетадиган сўз.
- 31. Проклитика нима?**  
Проклитика - ургули сўздан олдин келиб, ургу жиҳатдан унга қўшилиб кетадиган сўз.
- 32. Редукция нима?**  
Редукция – товуш артикуляциясининг кучсизланиши натижасида товуш (овоз)нинг ўзгариши, товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатидан пасайиши.
- 33. Ёзув нима?**  
Ёзув муайян бир тилда қабул этилган ва кишилар ўртасидаги мулоқотга хизмат қиладиган ёзма белгилар ёки тасвирлар тизимидир.
- 34. Ёзувнинг жамият тараққиётдаги аҳамияти нималарда кўринади?**  
Ёзув кишилик жамиятининг объектив зарурий эҳтиёжи асосида пайдо бўлди, шу эҳтиёж негизида ривожланди ва такомиллашиб борди. У бугун биз биладиган ёзувлар шаклини олгунга қадар узоқ ва мураккаб тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтди.
- 35. Ёзув тарихининг пиктографик босқичини изоҳланг.**  
Пиктографик ёзувда билдирилмоқчи бўлган фикрлар инсон, хайвон, қайиқ кабиларнинг схематик тарздаги расмларини тушириш орқали ифодаланган.
- 36. Ёзув тарихининг идеографик босқичини изоҳланг.**  
Идеографик ёзувда сўзнинг грамматик ва фонетик шакллари айнан берилмайди, балки унда мазкур сўз англатиши мумкин бўлган маъно махсус график белгилар орқали ифодаланади.
- 37. Ёзув тарихининг фонографик босқичини изоҳланг.**  
Фонографик (грекча *пфоне* - товуш, *граффо* - ёзаман) ёзув тилни нафақат грамматик тузилишини, балки унинг фонетик тузилишини, яъни сўзнинг товуш таркибини ҳам акс эттиради.

### 38. Орфография нима?

Орфография - муайян тил ёзув системасининг тўғри ёзиш меъёрларини белгилайдиган имло қоидалари. Тилшуносликнинг имло қоидалари хусусида баҳс юритувчи бўлими ҳам орфография дейилади.

### 39. Алфавит нима?

Алфавит (алифбо) - ёзув шаклларининг (харф ва белгиларнинг) мажмуи, маълум тартибда жойлашган ҳолатидир. Ҳар бир тилнинг ўз алфавити мавжуд бўлиб, у давлат миқёсида тасдиқланади.

### 40. Фонетик принцип қандай принцип?

Фонетик принцип асосида тузилган имло қоидаларига кўра сўз ёки сўз шакллари талаффуздаги кўринишига мос равишда ёзилади.

### 41. Фонематик принцип қандай принцип?

Фонематик принцип асосида тузилган имло қоидаларига кўра ҳарфлар (ёки графемалар) сўз таркибидаги фонемаларга мослаб танланади.

### 42. Морфологик принцип қандай принцип?

Морфологик принцип ёки аналогия принципи асосида тузилган имло қоидалари сўзнинг маъноли қисмларини (ўзак ва аффикс морфемаларни), улар қандай талаффуз қилинишидан қатъий назар, аслига (типик шаклига) мос равишда ёзишни талаб қилади.

### 43. График принцип қандай принцип?

График принцип, аслида, орфография қоидаларини эмас, графика қоидаларини белгилайди – графемаларнинг графикада кодлаштирилган фонемаларини ифодалашга асосланади.

### 44. Тарихий-анъанавий принцип қандай принцип?

Тарихий-анъанавий принципга асосланган имло қоидалари сўзларнинг қадимдан одат бўлиб келган формада ёки анъанага мос шаклда ёзилишини ҳозирги имло учун меъёр тарзида белгилайди.

### 45. Дифференциация принципи қандай принцип?

Дифференциация принципи (символик принцип)га асосланган имло қоидаларига кўра, шакли бир хил бўлган сўзлар (омонимлар) ёзувда сигналаторлар (ишора белгилари), диакритик белгилар воситасида ёки бир ҳарф ўрнида бошқа ҳарф ишлатиш орқали фарқланади.

### 46. Шаклий-анъанавий ёзув принципи қандай принцип?

Шаклий-анъанавий ёзув принципига кўра сўзлар талаффузга кўра эмас, ўзларининг асл шаклини сақлаган ҳолда ёзилади.

### 47. Семантик-услубий принцип қандай принцип?

Семантик-услубий принцип, у иккига бўлинади: а) семантик принцип сўз ёки сўз шаклларининг имлосини уларнинг маъноларига таяниб белгилайди; б) услубий принцип асосида тузилган имло қоидалари сўз ёки грамматик шаклларнинг семантик таркибидаги услубий семаларнинг нутқдаги фаоллашувини ёзувда ифодалаш учун хизмат қилади.

### 48. Лексикологиянинг объекти, предмети ва вазифалари нималардан иборат?

Лексикологиянинг объекти тилнинг лугат бойлигидир. Лексикологиянинг предмети – лугат бойлигининг структуравий ва системавий хусусиятларини, тараккиёт қонуниятларини, тилнинг бошқа сатҳлари билан алоқасини тадқиқ этишдан иборат.

### 49. Лексикологиянинг турлари.

Лексикологиянинг турлари: 1) Умумий лексикология; 2) хусусий лексикология. Хусусий лексикология ўз навбатида тавсифий (синхрон) ва тарихий (диахрон) лексикологияга бўлинади. 3) Қиёсий лексикология.

### 50. Лексикологиянинг бўлимлари.

Лексикология қуйидаги бўлимларни қамраб олади: 1) семасиология; 2) лексикография; 3) ономазиология; 4) этимология; 5) фразеология; 6) ономастика; 7) этнонимика; 8) терминология.

### 51. Тил ва нутқ бирликларини изоҳланг.

Ҳозирда тилшуносликда, хусусан ўзбек тилшунослигида тил бирликларига: фонема, морфема, лексема (сўз) ва моделлар; нутқ бирликларига: товуш, сўз (сўз формаси), сўз бирикмаси, гап ва бошқалар киритилади.

### 52. Сўз ва лексема ўртасидаги фарқлар нималарда кўринади?

Лексик ва грамматик маъноларнинг муайян товуш ёки товушлар бирикмаси билан барқарор муносабатидан ташкил топган бутунликка сўз дейилади.

Лексема – шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган, воқеликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи, жамият аъзолари учун умумий, тайёр, мажбурий бўлиб, мустақил англаниш ва қўлланиш табиатига эга бўлган лисоний бирикдир.

### 53. Лексик маъно (денотат) ва тушунча (сигнификат) нима?

Лексема орқали номланувчи (аталувчи) воқелик, нарса-буюм денотат деб аталади. Денотат латинча *denotate* - "белгиламоқ" сўзидан олинган.

Тушунча (сигнификат) эса объектив борликдаги нарса-ҳодисаларнинг киши онгида умумлашган тарзидаги инъиқосидир. Тушунча мантикий категория бўлиб, у тафаккурга хос; лексик маъно ва уни ифодаловчи лексема эса тилга оид, тил структурасига тегишлидир.

### 54. Лексик маъно турлари. Сема нима? Семема нима? Номема нима?

Лексема икки томонлама бирик бўлгани сабабли тилшунослик назариясида лексеманинг шаклий томони – номема, мазмун томони (лексик маъно) - семема дейилади. Номема – фонемалардан ташкил топади. Семема

эса семалардан ташкил топади.

Сема лексик маъно (семема)ни ташкил қилувчи мазмуний қисмлар ва маъно қирраларидир.

**55. Сўзнинг семантик структураси қайси семалардан иборат?**

Лексик маънонинг семантик таркиби аташ ва ифода семаларидан иборат. Аташ семалари – семема таркибидаги номлаш, аташ семаларидир. Ифода семалари - семема таркибидаги услубий маъно қирраларидир, улар сўзда кўчма маъно ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

56. Лексик маънонинг тараққиёт йўллари. Сўз маъносининг кенгайиши ва торайиши.

Сўз лексик маъноси тараққиёти уч кўринишга эга: 1) лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши; 2) сўз лексик маъносининг кўчма маъно юзага келтириши; 3) эвфемизм ва дисфемизм.

Лексик маънонинг кенгайишида у ифода этган денотат ўз ҳажмини ёки хилини ошира боради ва уни билдирган лексик маъно доираси ҳам кенгая боради, лексик маънонинг кенгайиш жараёни кечади. Лексик маънонинг торайишида у ифода этган денотатнинг маълум қисмлари фарқланиб, сўз лексик маъносида торайиш кечади.

**57. Кўчма маъно ҳосил бўлиш йўллари қайсилар?**

Кўчма маънонинг юзага келиши йўллари қуйидагича: 1. Метафора. 2. Метонимия. 3. Синекдоха. 4. Вазифадошлик. 5. Тобелилик.

Эвфемизм бир нарсага ўз номи билан аташда ноқулайлик тутилганда унга ижобий, ёқимли ҳис уйғотувчи белги бериш мақсадида худди шундай белгига яқин нарсага номи билан аташ, ёки ўша ноқулайликни ёғиб юборувчи сўз ёки луғавий бирлик билан номлашдир.

Дисфемизм кишиларни ўз номлари билан атамай, ҳақоратлаш ва камситиш мақсадида табиатдаги салбий характерда деб билган жонивор ёки нарса номи билан аташдир.

**58. Сўзлар ўртасидаги шаклий муносабатлар: Паронимия. Омонимия.**

Луғавий бирликларнинг ўзаро шаклий муносабати икки кўринишдадир: 1) ўзаро шаклий ўхшашлик; 2) ўзаро шаклий бир хиллик.

Сўзларнинг ўзаро шаклий ўхшаш бўлиши паронимия дейилади. Талаффузи (фонетик ифодаси) ўхшаш, аммо луғавий маъноси фарқли ўзакдош лексемалар паронимлар дейилади.

Ўзаро шаклий бир хил бўлган сўзлар, яъни ёзилиши ва талаффузи бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар омонимлардир.

**59. Сўзлар ўртасидаги семантик муносабатлар: Синонимия. Антонимия. Гипонимия. Градуонимия. Партонимия.**

Луғавий бирликлар ўртасидаги асосий семантик муносабатлар қуйидагилардан иборат: 1) синонимия; 2) антонимия; 3) гипонимия; 4) градуонимия; 5) партонимия.

Ёзилиши ҳам, талаффузи ҳам бошқа-бошқа бўлиб, умумлашган, бир тушунчани ифодалайдиган, лекин маъно нозикликлари жиҳагидан бир-биридан бирмунча фарқ қиладиган сўзлар синонимлардир.

Бир-бирига қарама-қарши маъноли сўзлар антонимлар дейилади. Антоним сўзларнинг хусусияти шундаки, уларнинг бири иккинчисига қарама-қарши қўйилиб, бирининг мазмуни иккинчисини инкор этади, биринчисининг маъноси иккинчисига қарши қўйилади.

Гипонимия - луғат бойлигидаги лексемаларнинг поғонали алоқасидан келиб чиқадиган семантик муносабатларидир. Бундай муносабатларнинг моҳияти шундаки, торроқ тушунча ёки маъно ифодалаётган лексемалар кенгроқ тушунча ёки маъно ифодалаётган лексемалар билан тур (гипоним) ва жинс (гипероним) алоқасида бўлади.

Градуонимия - лексемаларнинг маъно гуруҳлари аъзоларида у ёки бу белгининг даражаланишидир.

Партонимия лексемаларнинг маъно гуруҳларида бутун-бўлак муносабатларининг ифодаланишидир. Шунга кўра партонимик муносабатда алоҳида олинган узв(аъзо)нинг уни ташкил қиладиган ички аъзолари билан муносабати кўриб чиқилади.

**60. Тилнинг луғат таркиби нималардан иборат?**

Тилнинг луғат таркиби турли катламлардан иборат. Шунга кўра нутқда сўзларнинг ишлатилиш доираси чекланган бўлади. Чекланган доирада қўлланиладиган сўзлар турли кўринишларга эга. Булар асосан: диалектизмлар, касб-хунарга оид сўзлар, жаргон ва арголар, терминлар ва б.

**61. Диалектизмларга изоҳ беринг.**

Диалектизмлар - шевага хос сўзлар бўлиб, улар фақат муайян ҳудуддагина ишлатилади. Лексик диалектизмларнинг 2 тури мавжуд: а) диалектизм-сўз. Бунда сўзнинг ифода плани, демак, номемаси шевага хос сўз бўлади; б) диалектизм-маъно. Бунда сўзнинг маъно плани, демак, семемаси шевага хос бўлади.

**62. Касб-хунарга оид сўзларни изоҳланг.**

Касб-хунарга оид сўзлар ижтимоий меҳнатнинг у ёки бу турига, ишлаб чиқариш, илм-фан, адабиёт-санъат ва б. соҳаларга оид нарса-ҳодиса ҳамда тушунча номларидир.

**63. Жаргон ва арголар нима?**

Жамиятнинг баъзи бир ижтимоий гуруҳлари меҳнат қилмай текинхўрлик билан ҳаёт кечирувчилар, чунончи, ўғри, безори ва қиморбозлар ўзларининг ёмон ниятларини, ёвуз мақсадларини бошқалардан яшириш учун сўзларга ҳар хил маъно бериб қўлайдилар. Бундай сўзларга арго дейилади.

**64. Термин нима?**

Термин латинча *терминус* сўзидан олинган бўлиб, чегара, чегара белгиси, чек маъноларини англатади. Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар

билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси термин деб аталади. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади.

#### 65. Терминологияга изоҳ беринг.

Терминология – тилшуносликнинг терминларни ўрганувчи бўлими. Шунингдек, бирор илм, касб ва б. соҳага оид терминлар мажмуи.

#### 66. Архаизмлар, Историзмлар, уларнинг фарқли жиҳатлари.

**Лексик архаизмлар** - ҳозирги пайтда мавжуд бўлган воқеликнинг эскирган номи, аксинча, ҳозирги тилда мавжуд бўлган лексеманинг эскирган маъноси (семемаси). Яъни эскириш жараёни лексемага ёки яхлит ҳолда ёхуд унинг бир қисмига (маъноаридан бирига) алоқадор бўлади.

**Лексик историзмлар** ўтмиш воқелиги бўлган нарса-ҳодисаларнинг номларидир.

#### 67. Неологизмлар нима?

Неологизмлар - янги нарса, тушунчаларни ифодалаш учун ҳосил қилинган, ҳали одатдаги луғавий бирликка айланиб кетмаган сўз ёки иборалардир.

#### 68. Этимология нимани ўрганади?

Этимология – тилшунослик фанининг муҳим ва мураккаб соҳасидир. *Этимология* сўзи асли юнонча *этимон* ва *логос* сўзларидан ташкил топган: *этимон* - сўзи «чин, ҳақиқий, асл моҳият» маъносини, *логос* сўзи эса «таълим» маъносини англатади. Шунга кўра этимология соҳасида сўзларнинг асл шакли ва маъносини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилади.

#### 69. Тилшуносликнинг фразеология бўлимида нималар ўрганилади?

Фразеология *фраза* ва *логос* сўзларидан олинган бўлиб, *фраза* сўзи “ибора”, *логос* сўзи “билим” маъносини билдиради. Яъни фразеология иборалар ҳақидаги билим демакдир. Иборалар ўз ичига *турғун бирикма ҳолидаги атамаларни, парафразаларни ва фразеологизмларни* олади. Демак, ибора кенг тушунча; уни фразеологизм билан тенглаштириш мумкин эмас, фразеологизм унинг таркибига киради.

**Бирикма атамалар.** Улар кўпроқ терминологик характерда бўлади ва у бирикма ҳолида бир тушунчани беради.

**Парафразалар.** Парафразалар маълум бўлагига ёки бўлақлари кўчма маънода бўлиб, улар маъноси синтездан ташкил топган, бир тушунчани билдирувчи луғавий бирликдир. Улар ҳамма вақт бирикма ҳолида бўлиб, коннотатив сема мавжуд бўлади.

**Фразеологизмлар.** Улар тузилишига кўра сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ жараёнида яратилмай, нутққа тайёр ҳолатда киритиладиган луғавий бирикмадир. Турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури.

#### 70. Лексикография. Луғат турлари: энциклопедик луғат, лингвистик луғат.

Лексикография тилшуносликнинг бир қисми бўлиб, маълум бир тилга хос сўзларни тўплаш, уларни муайян бир системага солиш ва луғат тарзида нашр этиш ҳақидаги ҳамда луғат ва унинг тузилиши, луғат турлари тўғрисидаги бўлиmidир.

Сўзларнинг маълум мақсад билан тўпланган, тартибга солинган китоб ёки бошқа шаклдаги тўплами луғат дейилади. Луғатлар қўлланган мақсадга кўра дастлаб икки тинга бўлинади:

1. Қомусий (энциклопедик) луғатлар. 2. Лисоний (лингвистик) луғатлар.

**Қомусий луғатларда** табиат ва жамиятдаги нарса-ҳодисалар, тарихий воқеа жараёнлар, буюк шахслар, илм-фандаги нашриётлар, буюк номлар, давлатлар, шаҳарлар ҳақидаги маълумот берилади. Демак, бу типдаги луғатларда асосий эътибор тилдаги сўзларга эмас, балки шу сўзлар ёки сўз бирикмалари воситасида номланган ҳодисаларга қаратилади.

**Лисоний луғатларда** сўз маънолари, имлоси, талаффузи, иборалар, халқ мақоллари, хуллас, тил бирикмаларига оид маълумотлар берилади. Демак лисоний луғатларда тил ва нутқ бирикмалари, тил категориялари ҳақида маълумот бериш мақсад қилинади. Лисоний луғатлар ҳам дастлаб икки турга бўлинади:

а) умумий луғатлар. Умумтил бирикмалари, уларнинг маънолари ва қўлланиш хусусиятлари изоҳланади;

б) хусусий (махсус) луғатлар. Тилнинг луғат бойлигидаги бирикмалар маълум соҳалар бўйича ёки шу тилдаги маълум микросоциемалар, гуруҳлар бўйича танлаб изоҳланади. Шу сабабли улар таржима луғатлари деб ҳам юритилади.

**Таржима луғатлар.** Бир тилнинг яъни таржима қилинаётган тилнинг луғавий бирлигига бошқа тилнинг маъно жиҳатдан тўғри келадиган эквиваленти берилади. ўзга тилнинг луғавий бирлиги таржима этилади, тавсифланади. Бундай луғатларда бошқа бир тилдаги сўзлар она тилига ёки она тилидаги сўзлар бирор бошқа тилга таржима қилинади. Таржима луғатларида бир тилдан иккинчи тилга таржима қилинганда маъно жиҳатдан бир-бирига яқин синонимлар аввал, маъно жиҳатдан бир-биридан узоқроқ синонимлар кейин берилади.

Лисоний луғатларнинг яна қуйидаги турлари мавжуд: изоҳли, терминологик, фразеологик, орфографик, орфоэпик, синонимлар, чақотали, диалектологик, тесқари, имло, морфем, этимологик, тарихий луғат ва б.

**ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ фанидан таркатма материаллар (карточкалар)**

**Талабалар фаоллигини ошириш учун жадвал**

1. Тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фаразнинг энг мақбули	
2. Ўз сўз нима?	
3. Ўзлашган сўз нима?	
4. Сўз ўзлаштириш қандай жараён?	
5. Лексик сатҳда қандай ўзгаришлар бўлади?	
6. Субстрат нима?	
7. Суперстат нима?	

Талабаларнинг жавоблари таҳлил қилинганидан сўнг, уларга қуйидаги жадвал берилади.

1. Тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фаразнинг энг мақбули	Тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фаразларнинг энг мақбули – ижтимоий келишувлар ҳақидаги фараздир.
2. Ўз сўз нима?	Ўз сўз – тилнинг аслида ўзига мансуб бўлган (бошқа тилдан ўзлашмаган), тилнинг ўз қатлами асосида ясалган сўз.
3. Ўзлашган сўз нима?	Ўзлашган сўз - ўзга тилдан қабул қилинган сўз.
4. Сўз ўзлаштириш қандай жараён?	Сўз ўзлаштириш - ўзаро таъсир, алоқа натижаси сифатида бир тил унсурларининг бошқа тилга қабул қилиниши.
5. Лексик сатҳда қандай ўзгаришлар бўлади?	Тилларнинг ўзаро таъсири ва ривожланиши, айниқса, тилнинг лексик сатҳида яққол намоён бўлади.
6. Субстрат нима?	Субстрат – тилларнинг чатилиши натижасида маълум тилнинг ҳолиб тилда қолдирган излари.
7. Суперстат нима?	Суперстатда келгиндилар тили маҳаллий тилга сезиларли таъсир ўтказиши, лекин уни сиқиб чиқара олмайди.

Тўғри жавоб берган командалар рағбатлантирилади.

**Талабалар фаоллигини ошириш учун жадвал**

1. Тил қандай ҳодиса?	
2. Тилнинг ички тараққиёти қандай омилларга таянади?	
3. Тилнинг ташқи тараққиёти қандай омилларга таянади?	
4. Система нима?	
5. Структура нима?	
6. Тил бирликлари ўртасида қандай муносабатлар бор?	
7. Тил структураси элементлари – тил сатҳлари нималардан иборат?	

Талабаларнинг жавоблари таҳлил қилинганидан сўнг, уларга қуйидаги жадвал берилади.

1. Тил қандай ҳодиса?	Тил – табиий, руҳий, илохий эмас, балки ижтимоий ҳодисадир
2. Тилнинг ички тараққиёти қандай омилларга таянади?	Тил тараққиётидаги ички қонуниятлар тилнинг ўз табиаи асосида (ўз моҳиятидан) келиб чиқадиган тараққиёт жараёнларини ифодаловчи қонунлар ҳисобланади. Улар

	лингвистик омилларга таянадилар.
3. Тилнинг ташқи таракқиёти қандай омилларга таянади?	Тил таракқиётининг ташқи қонуниятлари ижтимоий тузум шакллари, тарихий жараёнлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалар, илм-фан ривож, ишлаб чиқариш ва техника таракқиёти, ижтимоий тафаккур, инсон руҳияти, ҳис-туйғулари, тил ва ёзувга оид қонун ва фармонларга боғлиқ бўлади.
4. Система нима?	Система ўзаро боғлиқликдаги элементлар мажмуасидан иборат бўлиб, бу мажмуа яхлитликни ташкил қилади ва ундаги иштирокчиларнинг ҳар бири алоҳида ҳамда ўзаро муносабатда тавсифланадилар.
5. Структура нима?	Структура ушбу системадаги элементларнинг муносабатлари асосида юзага келадиган тузилмадир.
6. Тил бирликлари ўртасида қандай муносабатлар бор?	Тил бирликларининг хусусиятлари уларнинг бошқа бирликлар билан муносабатга киришувида намоён бўлади. Бундай муносабатларни умумий кўринишда уч турга бўлиш мумкин: синтагматик, парадигматик ва иерархик муносабатлар.
7. Тил структураси элементлари – тил сатҳлари нималардан иборат?	Тил структураси элементлари – тил сатҳлари қуйидагилардан иборат: фонетик – фонологик сатҳ, морфем – морфологик сатҳ, сўз ясаш сатҳи, лексик – семантик сатҳ, синтактик сатҳ.

Тўғри жавоб берган командалар рағбатлантирилади.

#### Ўқув топшириғи

15. “Тилшунослик асослари” фанининг мақсади нималардан иборат?
16. “Тилшунослик асослари” фанининг вазифаларига нималар киради?
17. Тилшунослик фанининг энг қадимий таълимотлари ва мактаблари қаерда юзага келган?

#### Ўқув топшириғи

1. Қиёсий-тарихий тилшунослик қачон вужудга келган?
2. Тилшунослик қачон алоҳида фан сифатида ажралиб чиқди?
3. Тилшунослик фанининг таракқиётига қайси олимлар катта ҳисса қўшганлар?

#### Ўқув топшириғи

1. Тилнинг моҳияти ҳақида қандай фикрлар мавжуд?
2. Тил ва бошқа ишоралар системасининг фарқлари нималардан иборат?
3. Тилшунослик ва ижтимоий фанларнинг алоқаси қандай?
4. Тилшунослик ва табиий фанларнинг алоқаси ҳақида нималарни биласиз?

#### Ўқув топшириғи

1. Тилларнинг ўзаро таъсири тилнинг қайси сатҳида яққол намоён бўлади?
2. Ўзбек тили луғат бойлигининг ривожидида қайси тилларнинг таъсири катта?
3. Ўзбек китобатчилик терминологияси мисолида тилларнинг ўзаро таъсирини изоҳлаб беринг.

#### Ўқув топшириғи

1. Ўзбек китобатчилик терминологиясига хорижий тиллардан ўзлашган қайси терминларни биласиз?
2. Субстрат нима?
3. Суперстрат нима?

#### Ўқув топшириғи

1. Фонетика нимани ўрганади?
2. Фонологиянинг предмети нима?
3. Фонема тушунчасини изоҳлаб беринг.



**Ўқув топшириғи**

1. Нутқ товушларининг акустикаси ва артикуляцияси нима?
2. Унли товушларнинг (масалан, ўзбек тилидаги) таснифини айтинг.
3. Ундош товушларнинг (масалан, ўзбек тилидаги) таснифини айтинг.

**Ўқув топшириғи**

1. Нутқнинг фонетик бўлаклари: жумла (фраза), такт, бўгин, товуш ҳақида маълумот беринг.
2. Энилитика ва энклиза ҳодисаси. Проклитика ва проклиза ҳодисаси.
3. Бўгин ва унинг турларини изоҳланг.

**Ўқув топшириғи**

1. Интонациянинг вазифаси нималардан иборат?
2. Ургу нима ва унинг қандай турлари бор?
3. Фонетик ҳодисаларга мисоллар топинг.

**Ўқув топшириғи**

1. Нутқ товушларининг позицион ва комбинатор ўзгаришларига мисол келтиринг.
2. Редукция нима?
3. Фонетик ҳодисаларга мисоллар топинг.

**Ўқув топшириғи**

1. Ёзув нима?
2. Ёзувнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти нималарда кўринади?

**Ўқув топшириғи**

1. Ёзувнинг пайдо бўлишини изоҳлаб беринг.
2. Ёзув тарихининг пиктографик босқичини изоҳланг.

**Ўқув топшириғи**

1. Ёзув тарихининг идеографик босқичини изоҳланг.
2. Ёзув тарихининг фонографик босқичини изоҳланг.

**Ўқув топшириғи**

1. Ёзув қуроллари ва материаллари нималардан иборат бўлган?
2. Алфавит. Ҳозирги ўзбек алфавити ва латин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси.

**Ўқув топшириғи**

1. Орфография нима?
2. Орфографик принципларни изоҳланг ва уларга мисоллар келтиринг.

**Ўқув топшириғи**

1. Лексикологиянинг объекти, предмети ва вазифалари нималардан иборат?
2. Лексикологиянинг турлари.

**Ўқув топшириғи**

1. Тил ва нутқ бирликларини изоҳланг.
2. Сўзни тил бирлиги, сўз формани нутқ бирлиги сифатида изоҳланг.

**Ўқув топшириғи**

1. Лексик маъно (денотат) ва тушунча (сигнификат) нима?
2. Лексик маъно турлари. Сема нима? Семема нима? Номема нима?

**Ўқув топшириғи**

3. Лексикологиянинг бўлимлари.
4. Сўз ва лексема ўртасидаги фарқлар нималарда кўринади?

**Ўқув топшириғи**

1. Сўзнинг семантик структураси қайси семалардан иборат?
2. Тил birlikлари қайсилар? Нутқ birlikлари қайсилар?

**Ўқув топшириғи**

1. Лексик маъно (денотат) ва тушунча (сигнификат) нима? Фикрингизни исботловчи мисолларни келтиринг.

**Ўқув топшириғи**

1. Сўзнинг семантик структураси қайси семалардан иборат?
2. Лексик маънонинг таракқиёт йўллари. Сўз маъносининг кенгайиши ва тарайиши. Фикрингизни исботловчи мисолларни келтиринг.

**Ўқув топшириғи**

- Кўчма маъно ҳосил бўлиш йўллари: метафора, метонимия, синекдоха, функциядошлик, тобелликни изоҳланг. Фикрингизни исботловчи мисолларни келтиринг.

**Ўқув топшириғи**

- Сўзлар ўртасидаги семантик муносабатлар: Синонимия. Антонимия. Гипонимия. Градуномия. Партонимия. Фикрингизни исботловчи мисолларни келтиринг.

**Ўқув топшириғи**

1. Лексик маъно турлари.
2. Сема нима? Семема нима? Номема нима? Фикрингизни исботловчи мисолларни келтиринг.

**Ўқув топшириғи**

1. Омонимия нима? Матндан унга мисоллар келтиринг. Омонимлар қатнашган гаплар тузинг.

**Ўқув топшириғи**

2. Омонимиянинг полисемиядан фарқи нимада? Фикрингизни мисоллар билан исботланг. Полисемантик сўз ва омоним қатнашган гаплар тузинг.

**Ўқув топшириғи**

1. Омонимларнинг ҳосил бўлиш йўллари қандай?  
Ҳар бир йўналишга мисоллар келтиринг.

**Ўқув топшириғи**

1. Паронимия нима?  
Матндан унга мисоллар келтиринг. Паронимлар қатнашган гаплар тузинг.

**Ўқув топшириғи**

1. Паронимларнинг қандай турлари бор?  
Фикрингизни бадний адабиётлардан олинган мисоллар билан исботланг.

**Ўқув топшириғи**

1. Луғатчилик қачон пайдо бўлган?  
2. Қандай луғат турларини биласиз?

**Ўқув топшириғи**

1.Изоҳли луғатлар билан таржима луғатларининг фарқларини гапиринг.  
2. Луғат тузиш қандай этаплардан иборат?

**Ўқув топшириғи**

1.Луғатшуносларнинг вазифалари нималардан иборат?  
5. Сиз қандай луғатлардан фойдаланасиз?

**Ўқув топшириғи**

3. Историзм билан архаизмнинг фарқи нимада?  
4. Неологизм нима?  
Фикрингизни исботловчи мисоллар келтиринг.

**Ўқув топшириғи**

1.Жаргон нима? Арго нима?  
2. Касб-хунарга оид лексика нима?  
Фикрингизни исботловчи мисоллар келтиринг.

**Ўқув топшириғи**

1. Грамматика нима, у неча қисмдан иборат?  
2. Қандай грамматик категорияларни биласиз?  
Бадний асарлардан мисоллар келтиринг.

**Ўқув топшириғи**

1. Морфема нима, унга тилшуносликда қандай таърифлар берилган?  
2. Морф нима?  
Бадний асарлардан мисоллар келтиринг.

**Ўқув топшириғи**

1. Сўз таркибини текширинг ва морфемаларни аниқланг.  
2. Сўзларни туркумларга ажратишнинг қандай принциплари бор?

### Ўқув топшириғи

1. Мустақил сўз туркумларининг қандай хусусиятлари бор?
2. Ёрдамчи сўз туркумларининг қандай хусусиятлари бор?
3. Сўз ва лексема муносабатини қандай тушунасиз?

### Ўқув топшириғи

1. Грамматик маъно ифодаловчи воситаларни матндан аниқланг.
2. Ўзбек ва бошқа ўрганилаётган тилларни грамматик маънонинг ифодаланиши нуқтаи назардан таққосланг.
3. Дунё тилларида нечтагача сўз туркумлари ажратилган?

### 1-гурух учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	<p>Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Сўз бирикмаси нима?</li> <li>2. Сўз бирикмасининг қандай турлари бор?</li> </ol>	<p>Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Талабалар билан ўтказиладиган савол - жавобда фаол иштирок этинг.</p>

### 2-гурух учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	<p>Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Сўз бирикмасининг қўшма сўздан фарқи нимада?</li> <li>2. Сўз бирикмасининг гапдан фарқи?</li> </ol>	<p>Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Талабалар билан ўтказиладиган савол - жавобда фаол иштирок этинг.</p>

### 3 - гуруҳ учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	<p>Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Сўз бирикмаси, унинг вазифаси, ўзига хос хусусиятлари. 2. Сўз бирикмасида сўзларнинг боғлашув турлари.</p>	<p>Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Талабалар билан ўтказиладиган савол - жавобда фаол иштирок этинг.</p>

### 4 - гуруҳ учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	<p>Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Валентлик. 2. Синтагматик муносабатлар.</p>	<p>Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Талабалар билан ўтказиладиган савол - жавобда фаол иштирок этинг.</p>

### 1-гуруҳ учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	<p>Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Гапга таъриф беринг? 2. Гапнинг қандай турлари бор? 3. Гапнинг ҳар бир турига матндан мисоллар топинг.</p>	<p>Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Талабалар билан ўтказиладиган савол - жавобда фаол иштирок этинг.</p>

### 2- гуруҳ учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	<p>Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Содда гапга таъриф беринг. 2. Қўшма гапга таъриф беринг. 3. МСҚга таъриф беринг.</p>	<p>Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Талабалар билан ўтказиладиган савол - жавобда фаол иштирок этинг.</p>

### 3 - гуруҳ учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	<p>Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Гап билан сўз бирикмасининг фарқлари нимада? 2. Гапнинг актуал бўлиниши нима? Фикрингизни мисоллар юзидан исботланг.</p>	<p>Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Талабалар билан ўтказиладиган савол - жавобда фаол иштирок этинг.</p>

### 4 - гуруҳ учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	<p>Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Тема нима? 2. Рема нима? Матндаги гапларнинг тема ва ремасини ажратинг.</p>	<p>Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Талабалар билан ўтказиладиган савол - жавобда фаол иштирок этинг.</p>

### 5- гуруҳ учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	<p>Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Гап бўлаклари нечта, уларнинг қайси бири бош, қайси бири иккинчи даражали бўлаklar? 2. Гапнинг ҳар бир турига 10 тадан гап тузинг.</p>	<p>Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг</p> <p>Талабалар билан ўтказиладиган савол - жавобда фаол иштирок этинг.</p>

#### Ўқув топшириғи

1. Жаҳон тиллар қандай тасниф қилинади?
2. Тил универсалиялари нима?
3. Генеалогик тасниф қандай тасниф?

#### Ўқув топшириғи

1. Дунёда нечта тил оиласи бор?
2. Ўзбек тили қайси тил оиласига, унинг қайси гуруҳига киради?
3. Рус тили қайси тил оиласига, унинг қайси гуруҳига киради?

#### Ўқув топшириғи

1. Немис тили қайси тил оиласига, унинг қайси гуруҳига киради?
2. Турк тили қайси тил оиласига, унинг қайси гуруҳига киради?

**Ўқув топшириғи**

1. Араб тили қайси тил оиласига, унинг қайси гуруҳига киради?
2. Испан тили қайси тил оиласига, унинг қайси гуруҳига киради?
3. Типологик тасниф қандай тасниф?

**Ўқув топшириғи**

1. Типологик таснифга кўра қандай тиллар ажратилади?
2. Типологик жиҳатдан соф тил мавжудми?
3. Жаҳон тиллари харитасини тузинг.

**Ўқув топшириғи**

1. Лингвистиканинг қандай турлари бор?
2. Сиз қайси тилшунослик билан шуғулланишга қарор қилдингиз ва нима учун?
3. Чоғиштириш методи қандай метод?

**Ўқув топшириғи**

1. Тарихий - қиёсий метод қандай метод?
2. Типологик метод қандай метод?
3. Дистрибутив таҳлил методи қандай метод?

**Ўқув топшириғи**

1. Статистик таҳлил методи қандай метод?
2. Бевосита ташкил этувчиларга ажратиб таҳлил қилиш методи қандай метод?
3. Типология нима?

**Ўқув топшириғи**

1. Трансформацион таҳлил методи қандай метод?
2. Компонент таҳлил методи қандай метод?
3. Лингвистик типология нима?

**Ўқув топшириғи**

1. Валентлик таҳлил методи қандай метод?
2. Экспериментал – фонетик таҳлил методи қандай метод?
3. Тилшуносликка оид тадқиқотларда методнинг қандай аҳамияти бор?

# “ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ” ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗАЛАРДА КЕЛТИРИЛГАН АТАМАЛАРИНИНГ

## ГЛОССАРИЙСИ

**Автоматик таҳлил методи** тилни – лисоний бирликларни муайян бўлакларга, формал қисмларга ажратади. Ажратишдан ҳосил бўлган тилнинг ушбу қисмлари, яъни формал элементлари бошқа тилнинг шундай маънодаги бўлақларига-формал элементларига мувофиқ, мос келади, эквивалент бўлади. Демак, тиллараро муайян лисоний бирликларнинг (масалан, матннинг, гапларнинг, сўз бирикмаларининг) - формал қисмларнинг мазмуний – фикрий мослиги, мазмунан – фикран мувофиқлиги асосида ушбу тилларнинг биридан иккинчисига – бир тилдан бошқа тилга компьютер ёрдамида таржима қилиш имконини беради. Бошқача айтганда, бир тилдаги – лисоний бирликлардаги мазмун бошқа бир тилга – шу тил бирликларини, воситалари орқали компьютер ёрдамида таржима қилинади.

**Аналогия** – айнан ўхшашлик.

**Аномалия** – қисман ўхшашлик.

**Антонимлар** - бир-бирига қарши маъноли сўзлар.

**Аташ семалари** – семема таркибидаги номлаш, аташ семаларидир.

**Бевосита ташкил этувчиларга ажратиш таҳлил қилиш методи** сўз бирикмаси ва гапларнинг синтактик тузилишини, уларнинг қандай қисмлардан тузилганини, улар орасидаги муносабатни аниқлайди ёки аниқлашда хизмат қилади, ёрдам беради.

**Вазифадорлик**- сўз маълум лексик маъносининг денотати эскириб истеъмолдан чиқиб кетиши ва ўрнига бошқа денотат келиб унинг вазифасини олиши сабабли уни ҳам атаганлиги орқасида кўчма маъно юзага келтирилишидир.

**Валентлик таҳлил методи** сўз муаммоси билан шугулланади, сўзнинг нутқ фаолиятидаги-нутқ бирлиги сифатидаги семантик-синтактик, функционал фаоллигини ўрганади, текширади, унинг ички-мазмун жиҳати билан боғлиқ имкониятларини, хусусиятларини очиқ беради. Аниқроғи, валентлик таҳлил методи орқали муайян сўзнинг ўз маъноси асосида бошқа сўзлар билан синтактик (семантик-синтактик) муносабатга киришуви аниқланади, яъни сўзнинг турли маънога эга қатор сўзларни ўзига бириктириш хусусиятлари ёритилади.

**Веда** – бир нечта китобдан иборат диний тўплам.

**Вокализм** – унли фонемалар тизими.

**Генеалогик тасниф** – тилларнинг келиб чиқишига кўра тасниф қилиш генеалогик тасниф деб аталади.

**Гипонимия** - луғат бойлигидаги лексемаларнинг поғонали алоқасидан келиб чиқадиган семантик муносабатларидир. Бундай муносабатларнинг моҳияти шундаки, торроқ тушунча ёки маъно ифодалаётган лексемалар кенгроқ тушунча ёки маъно ифодалаётган лексемалар билан тур (гипоним) ва жинс (гипероним) алоқасида бўлади.

**Градуонимия** - лексемаларнинг маъно гуруҳлари аъзоларида у ёки бу белгининг даражаланишидир.

**Денотат** - лексема орқали номланувчи (аталувчи) воқелик, нарса-буюм. Денотат латинча *denotate* - “белгиламоқ” сўзидан олинган.

**Дистрибутив таҳлил методи** муайян тил бирликлари билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга ошади. Ушбу жараёнда фонема, морфема, лексема, сўз, сўз бирикмаси ва гап каби лисоний бирликларнинг дистрибуцияси-жойлашиш ўрни (позицияси), тартиби, олдинма – кейин келиши, қўлланиш имкониятлари аниқланади. Айни вақтда ушбу лисоний бирликларнинг ўзаро муайян алоқага – семантик – синтактик муносабатга киришуви, боғланиши-бирикиши ҳам ўрганилади. Бошқача айтганда, тил бирликларининг дистрибуцияси фонема учун маълум фонеманинг олдидан ва кетидан келадиган фонемалардир, морфема учун эса морфемадан олдин ва кейин келадиган морфемалардир.

**Дисфемизм**- кишиларни ўз номлари билан атамай, ҳақоратлаш ва камситиш мақсадида табиатдаги салбий характерда деб билган жонивор ёки нарса номи билан аташдир.

**Иерархик** муносабат тил бирликларининг мураккабланиш (полюнавий) муносабати.

**Иероглиф** – сўз, логограмма.

**Интралингвистика** – ички лингвистика.

**Ифода семалари** - семема таркибидаги услубий маъно кирраларидир, улар сўзда кўчма маъно ҳосил қилиш



учун хизмат қилади.

**Ифода жиҳати** – лисоний бирликларнинг ташқи- товуш томони билан белгиланади.

**Информация назарияси** – бирор хабардаги маълумотларнинг миқдорини ўлчаш, аниқлаш усулларини белгилайди.

**Консонатизм** – ундош фонемалар тизими.

**Компаративистика**- қиёсий-тарихий тилшунослик.

**Компонент таҳлил методи** сўзнинг мазмун жиҳати бўлган маънони (семемани) муайян семантик система сифатида текширишда, айти системани ташкил қилувчи таркибий қисмларни, маъновий бўлакларни, яъни семаларни аниқлашда, уларнинг семантик системадаги – семемадаги моҳиятига, ўрнига, аҳамиятига, имкониятига, ўзига хосликларига алоҳида эътибор беради, уларни аниқлайди, қўлланиш доирасини белгилайди.

**Лексикологиянинг объекти** тилнинг лугат бойлигидир. Лексикологиянинг предмети – лугат бойлигининг структуравий ва системавий хусусиятларини, тараққиёт қонуниятларини, тилнинг бошқа сатҳлари билан алоқасини тадқиқ этишдан иборат.

**Лексикологиянинг турлари:** 1) Умумий лексикология; 2) хусусий лексикология. Хусусий лексикология ўз навбатида тавсифий (синхрон) ва тарихий (диахрон) лексикологияга бўлинади. 3) Қиёсий лексикология.

**Лексикология қуйидаги бўлимларни қамраб олади:** 1)семасиология; 2) лексикография; 3) ономасиология; 4) этимология; 5) фразеология; 6) ономастика; 7) этнонимика; 8) терминология.

**Лексема** – шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган, воқеликдаги нарса, белги, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи, жамият аъзолари учун умумий, тайёр, мажбурий бўлиб, мустақил англаниш ва қўлланиш табиатига эга бўлган лисоний бирликдир.

**Лексик маънонинг семантик таркиби** аташ ва ифода семаларидан иборат.

**Лексик маънонинг кенгайишида** у ифода этган денотат ўз ҳажмининг ёки хилини ошира боради ва уни билдирган лексик маъно доираси ҳам кенгайа боради, лексик маънонинг кенгайиш жараёни кечади.

**Лексик маънонинг торайишида** у ифода этган денотатнинг маълум қисмлари фарқланиб, сўз лексик маъносида торайиш кечади.

**Мантикий грамматика** - лисоний ҳодисаларни, бирликларни мантик асосида ўрганувчи грамматика.

**Мазмун жиҳати** – лисоний бирликларнинг ички- маъно томони.

**Метод** этимологик жиҳатдан грекча methodos сўзидан олинган бўлиб, “тадқиқот”, “ўрганиш” деган маънони англатади. Метод билиш назариясига кўра воқеликка ёндашиш – табиат, жамият ва фикрлаш жараёнини – тафаккурни билиш усулидир. Бинобарин, метод ушбу фалсафий маънода объектив воқеликнинг ҳар қандай ҳодиса ва жараёнларини билиш, тушунтириш ва талқин қилиш йўлидир.

**Методология** - тадқиқотчининг ўз тадқиқ манбаи ҳақида қай турдаги билимларни ҳосил қилишга интилиши, билишнинг қайси тури билан шугулланишидир.

**Метафора**- сўз маълум лексик маъносининг денотатига бошқа бир денотат ўхшашлиги учун ҳам уни атаганлиги орқасида кўчма маъно юзага келтиришидир.

**Метонимия**- сўз маълум лексик маъноси денотати бошқа бир денотат билан замон ва маконда ўзаро алоқадор бўлганлиги учун уни ҳам атаганлиги орқасида кўчма маъно юзага келтиришидир.

**Натурализм** – тилни жонли организм сифатида талқин қилувчи таълимот.

**Номема** - лексема икки томонлама бирлик бўлгани сабабли тилшунослик назариясида лексеманинг шаклий томонидир. Номема – фонемалардан ташкил топади.

**Нутқ** - тилдан фикр алмашув маънасида фойдаланиш усули, жараёни.

**Нутқ бирликлари:** товуш, сўз (сўз формаси), сўз бирикмаси, гап.

**Нутқнинг фонетик бўлаклари** жумла (фраза), такт, бўгин, товушдан иборатдир.

**Онг** – воқеликнинг киши миёсида унинг бутун руҳий фаолиятини ўз ичига олган ва маълум мақсадга йўналган ҳолда аке этиши.

**Омонимлар**- ўзаро шаклий бир хил бўлган сўзлар, яъни ёзилиши ва талаффузи бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар омонимлардир.

**Паронимия** - сўзларнинг ўзаро шаклий ўхшаш бўлиши паронимия дейилади.

**Пароним** - талаффузи (фонетик ифодаси) ўхшаш, аммо лугавий маъноси фаркли ўзакдош лексемалар.

**Парадигматик муносабат** бир парадигмага бирлашувчи тил бирликларининг ўзаро муносабатидадир.

**Паралингвистика** – тилшуносликнинг ўзаро алоқа – аралашувда имо – ишора, мимика, нутқ вазияти каби олимларни ўрганувчи соҳаси.

**Партонимия** - лексемаларнинг маъно гуруҳларида бутун-бўлак муносабатларининг ифодаланишидир. Шунга кўра партонимик муносабатда алоҳида олинган узв(аъзо)нинг уни ташкил қилаётган ички аъзолари билан муносабати кўриб чиқилади.

**Психологизм** – тилни инсон руҳининг акси, кўриниши, тилни руҳий ҳодиса деб талқин қилувчи таълимот.

**Проклитика** - ургули сўздан олдин келиб, ургу жиҳатдан унга қўшилиб кетадиган сўз.

**Редукция** – товуш артикуляциясининг кучсизланиши натижасида товуш (овоз)нинг ўзгариши, товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатидан пасайиши.

**Санскрит** – қадимги ҳинд адабий тили.

**Семема** - лексеманинг мазмун томони (лексик маъно). Семема эса *семалардан* ташкил топади.

**Сема** лексик маъно (семема)ни ташкил қилувчи мазмуний қисмлар ва маъно қирраларидир.

**Семантика** — турли-туман белгилар системасининг умумий хусусиятларини ўрганувчи фандир.

**Синекдоха** - сўз маълум лексик маъносининг денотати билан бошқа бир денотат бири иккинчисига бўлак ёки аксинча бутун бўлиш муносабатига эгаллиги, уни ҳам атаганлиги орқасида кўчма маъно юзага келишидир.

**Синонимлар** - ёзилиши ҳам, талаффузи ҳам бошқа-бошқа бўлиб, умумлашган, бир тушунчани ифодалайдиган, лекин маъно нозикликлари жиҳатидан бир-биридан бирмунча фарқ қиладиган сўзлардир.

**Синтагматик муносабат** тил бирликларининг ёнма-ён жойлашиш (□□шнчилик) муносабаtidир.

**Система** ўзаро боғлиқликдаги элементлар мажмуасидан иборат бўлиб, бу мажмуа яхлитликни ташкил қилади ва ундаги иштирокчиларнинг ҳар бири алоҳида ҳамда ўзаро муносабатда тавсифланадилар. Тил — системалар системаси ҳисобланади, чунки у ички бўлинувчанлик хусусиятига эга.

**Статистик таҳлил методи** жаҳон тилшунослиги амалиётда энг фаол ишлатиладиган методлардан бири бўлиб, лисоний бирликларнинг-тил ва нутқ бирликларининг такрор ва такрор қўлланилишини, тез-тез ишлатилиш даражасини, частотасини, тарқалиш доирасини белгилайди. Ушбу метод лисоний бирликларнинг, масалан, товуш, бўгин, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап кабиларнинг ишлатилиш миқдорини, арифметик сонини аниқлаш учун хизмат қилади.

**Структура** ушбу системадаги элементларнинг муносабатлари асосида юзага келадиган тузилмадир.

**Субстанция (моҳият)** — ички, форма (шакл) — ташқи томонлар сифатида фалсафадаги моҳият ва ҳодисанинг тилда мазмун ва шакл сифатида талқин қилиниши. Шакл (форма, ҳодиса) мазмун (моҳият, субстанция) билан диалектик боғлиқ.

**Сегмент бирликлар** — сўз ёки морфема таркибида горизонтал чизик бўйлаб бирин-кетин келадиган бирликлар: нутқ товуши, бўгин, фонетик сўз, такт, фраза.

**Суперсегмент бирликлар** — ургу, оханг, мелодика, пауза каби устама ҳодисалардир, улар сўзга, фразага, гапга ёки нутққа яхлит ҳолда алоқадор бўлиши билан сегмент бирликлардан фарқ қилади.

**Сўз** - лексик ва грамматик маъноларнинг муайян товуш ёки товушлар бирикмаси билан барқарор муносабатидан ташкил топган бутунлик.

**Сўз лексик маъноси таракқиёти** уч кўринишга эга: 1) лексик маънонинг кенгайиши ва тарайиши; 2) сўз лексик маъносининг кўчма маъно юзага келтириши; 3) эвфемизм ва дисфемизм.

**Тасвирий метод** муайян синхрон аспектга тегишли лисоний бирликларни, ҳодисаларни тасвирлаш, тавсифлаш жараёнида уларни таҳлил қилиб боради, тилдаги вазифасини, ўрнини, қўлланилишини, тузилишини, ўзига хосликларини аниқлайди, умумлаштиради, хулосалар чиқаради.

**Тафаккур** - ўйлаш, муҳокама қилиш, воқеликни англаш, тасаввур қилиш, унга баҳо бериш, фикрлаш қобилияти. Инсон тафаккури тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқдир. Тафаккур зарурий тарзда моддий сўз қобиғида мавжуддир.

**Типология** тилшуносликнинг тилларини типологик тасниф қилиш принципи ва усулларини ўрганувчи бўлиmidир.

**Типологик метод** турли қариндош (ўзаро генетик боғлиқ) ва қариндош бўлмаган (ўзаро генетик боғланмаган) тил оилаларига тегишли бўлган тилларни қиёслаш асосида ўрганади. Ушбу хусусиятига кўра мазкур метод фақат бир тил системасига, яъни қариндош тиллар оиласига кирувчи тилларни қиёсий тадқиқ қилувчи, «баҳоловчи» қиёсий-тарихий методдан фарқ қилади.

**Типологик тасниф** - тилларнинг турига кўра тасниф қилиш типологик тасниф деб аталади.

**Тил** - имконият сифатида алоқа-аралашув, фикр алмашув курали. Тил ва жамият узвий боғлиқдир. Тил — табиий, руҳий, илоҳий эмас, балки ижтимоий ҳодисадир.

**Тил бирликлари:** *фонема, морфема, лексема (сўз) ва моделлар.*

**Тилнинг моҳияти** унинг ижтимоий ҳодиса эканлигида кўринади.

**Тил таракқиётидаги ички қонуниятлар** тилнинг ўз табиати асосида (ўз моҳиятидан) келиб чиқадиган таракқиёт жараёнларини ифодаловчи қонунлар ҳисобланади. Улар лингвистик омилларга таянадилар.

**Тил таракқиётининг ташқи қонуниятлари** ижтимоий тузум шакллари, тарихий жараёнлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалар, илм-фан ривожини, ишлаб чиқариш ва техника таракқиёти, ижтимоий тафаккур, инсон руҳияти, ҳис-туйғулари, тил ва ёзувга оид қонун ва фармонларга боғлиқ бўлади.

**Тил бирликларининг хусусиятлари** уларнинг бошқа бирликлар билан муносабатга киришувида намоён бўлади. Бундай муносабатларни умумий кўринишда уч турга бўлиш мумкин: **синтагматик, парадигматик ва иерархик** муносабатлар.

**Тил структураси элементлари** — тил сатҳлари қуйидагилардан иборат: **фонетик** — **фонологик сатҳ**, **морфем** — **морфологик сатҳ**, **сўз ясаш сатҳи**, **лексик** — **семантик сатҳ**, **синтактик сатҳ**.

**Трансформацион таҳлил методига** кўра синтактик конструкциялар (қурилмалар) муайян қондалар

асосида ўзгаради, яъни бошқача шаклга, кўринишга эга бўлади, трансформациялашади. Бундай трансформациялар орқали муайян синтактик конструкциянинг - қурилманинг бир нечта шакллари аниқланади, ўзаро фарқланади, уларнинг моҳиятига, таркибига чуқурроқ кирилади. Натижада трансформацияга (ўзгаришга) учраган ҳар бир синтактик конструкциянинг ўзига хос семантик жиҳатлари ҳам намоён бўлади.

**Тупшунча (сингификат)** объектив борликдаги нарсаларнинг киши онгида умумлашган тарзидаги инъиқосидир. Тупшунча мантикий категория бўлиб, у тафаккурга хос; лексик маъно ва уни ифодаловчи лексема эса тилга оид, тил структурасига тегивлидир.

**Универсалия** – дунё тилларининг барчасида учрайдиган, барчаси учун хос бўлган умумий хусусиятлар, белгилар, жиҳатлар.

**Чоғиштириш методи** икки ва ундан ортик қариндош ёки қариндош бўлмаган тилларни – тил ҳодисаларини ўзаро қиёслаш усулидир.

**Фикр** – тафаккурнинг аниқ бир натижаси. Фикр тилда сўзлар воситасида шаклланади.

**Фонетика** – тилшуносликнинг фонетик бирликлар, уларнинг физик-акустик ва б. хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи бўлими.

**Фонема** - сўзлар, морфемалар ва грамматик шаклларнинг товуш қобиғи, бинобарин, маъноларни ҳам фарқлаш учун хизмат қиладиган энг кичик сегмент бирлик.

**Фонология** - тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у тилнинг товуш материяси тараққиётини ва шу материянинг фонологик системага уюшиш қонуниятларини ҳамда тилдаги вазифаларини тадқиқ қилади.

**Экстраллингвистика** – ташқи лингвистика.

**Экспериментал фонетик таҳлил методи** нутқ товушларини тадқиқ қилишда экспериментал (ёки инструментал) фонетик методдан фойдаланади. Экспериментал фонетик метод нутқ товушларини, просодемик ҳодисаларни (масалан, интонация, пауза, ритм) ўрганишда товушларни ёзиб олувчи, уларни, моҳиятидан келиб чиқиб, таҳлил қилувчи махсус техник воситалардан, асбоблардан фойдаланади.

**Энклитика** – ургули сўздан кейин келиб, ургу жиҳатдан унга қўшилиб кетадиган сўз.

**Эфемизм** - бир нарсани ўз номи билан аташда ноқулайлик туғилганда унга ижобий, ёқимли ҳис уйғотувчи белги бериш мақсадида худди шундай белгига яқин нарсанинг номи билан аташ, ёки ўша ноқулайликни ёпиб юборувчи сўз ёки луғавий бирлик билан номлашдир.

**Қиёсий-тарихий тилшунослик** – компаративистика. У XIX асрнинг биринчи чорагида вужудга келди.

# ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ фанидан РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ

1. Қадимги ҳинд тилшунослиги.
2. Қадимги юнон тилшунослиги.
3. Араб тилшунослиги.
4. Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний.
5. Кошғарий.
6. Замахшарий.
7. Алишер Навоий.
8. Вильгельм фон Гумбольдт таълимоти.
9. Натурализм окими.
10. Психологизм окими.
11. Фердинанд де Соссюр таълимоти.
12. Рус тилшунослиги. М.В.Ломоносов.
13. Рус тилшунослиги. В.М.Солнцев.
14. Тил ва нутқ.
15. Субстанция ва форма.
16. Система ва структура.
17. Тил бирликлари.
18. Нутқ бирликлари.
19. Тилнинг таърифлари.
20. Семиотика.
21. Тил системаси. Парадигматика ва синтагматика.
22. Типология.
23. Диахрон тадқиқот методлари. Қиёсий-тарихий метод.
24. Синхрон тадқиқот методлари. Дистрибутив таҳлил методи.
25. Статистик таҳлил методи.
26. Компонент таҳлил методи.
27. Валентлик таҳлил методи.
28. Образли ҳолат феъллари.
29. Биологик ҳолат феъллари.
30. Физиологик ҳолат феъллари.
31. Психик ҳолат феъллари.
32. Парадигматика.
33. Синтагматика.
34. Тилнинг икки жиҳати.
35. Нутқнинг коммуникатив сифатлари – тўғрилиги.
36. Нутқнинг коммуникатив сифатлари – мантикийлиги.
37. Нутқнинг коммуникатив сифатлари –мақсадга мувофиқлиги.
38. Нутқнинг коммуникатив сифатлари – тозаллиги.
39. Нутқнинг коммуникатив сифатлари – таъсирчанлиги (ифодалилиги).
40. Ғарб нотқлик санъати алломалари.
41. Термин ҳақида.
42. Сўзлашув услуби.
43. Бадий нутқ услуби.
44. Лексик стилистика.
45. Фонетик стилистика.
46. Морфологик стилистика.
47. Синтактик стилистика.

48. Бадиий услуб.
49. Абдулла Қаҳҳор асарларида фразеологизмлар.
50. Шарқ нотиклиги.
51. Абу Али ибн Сино.
52. Тасвирий метод.
53. Юнон нотиклари.
54. Фонема.
55. Сўз бирикмаси.
56. Ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари.
57. Чоғиштириш методи.
58. Парафразалар (“Шайтанат” асари асосида).
59. Фразеология (“Шайтанат” асари асосида).
60. Лексема.
61. Гап.
62. Нутқнинг коммуникатив сифатлари.
63. Матн.
64. Морфема.
65. Рус тилшунослиги.

# "Тилшунослик асослари" фанидан АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

## **"Тилшунослик асослари" фани, унинг мундарижаси, мақсади, вазифаси ва ахамияти. Тилнинг мозриги, Тилшуносликнинг ботка фанлар билан алоқаси" мавзуси юзасидан адабиётлар руйхати**

- / 1. **Кондратов Н.А.** История лингвистических учений.-М., 1974.
2. **Ирискулов М.** Тилшуносликка кириш. -Тошкент: Укитувчи, 1992.
3. **Нурмонов А., Йулдошев Б.** Тилшунослик ватабий фанлар.-Тошкент, 2001.
4. **Йулдошев И., Шарипова У.** Тилшуносликка кириш. -Тошкент: Иктисод-молия, 2007.
- ∴ 5. **Расулов Р.** Умумий тилшунослик (ОТМучун дарслик). -Тошкент, 2010.

## **"Тил — инсониятнинг энг муҳим алоқа воситаси. Фикр алмашинув (коммуникация) ва унинг асосий воситалари" мавзуси юзасидан адабиётлар руйхати**

1. **Содиқов А. ва бошқ.** Тилшуносликка кириш. - Тошкент: Уқдтувчи, 1981
2. **Ирискулов М.** Тилшуносликка кириш.-Тошкент: Укитувчи, 1992.
3. **Хайруллаев М., Ҳакбердиев М.** Мантик,. -Тошкент: Укитувчи, 1993.
4. **Махмудов Н.** Маърифат манзиллари. -Тошкент: Маънавият, 1999.
5. **Туленов Ж.** Диалектика назарияси. - Тошкент: Ўзбекистан, 2001.
6. **Рахматуллаев Ш.** Тил қурилишининг асосий бирликлари.
7. -Тошкент, 2002.
8. **Йулдошев И., Шарипова У.** Тилшуносликка кириш.-Тошкент: Иктисод-молия, 2007.
9. **Расулов Р.** Умумий тилшунослик (ОТМучун дарслик).-Тошкент, 2010.

## **"Тилнинг пайдо бўлиши. Тилларнинг узаро таъсири ва унинг ривожланиш қонуниятлари" мавзуси юзасидан адабиётлар руйхати**

1. **Содиқов А. ва бошқ.** Тилшуносликка кириш. - Тошкент: Укитувчи, 1981.
2. **Ирискулов М.** Тилшуносликка кириш.-Тошкент: Уқдтувчи, 1992.
3. **Ахмедов Б.** Тарихдан сабоқлар. - Тошкент: Укитувчи, 1994.
4. **Йулдошев И.** Ўзбек китобатчилиги терминологияси. - Тошкент: Фан, 2005.
5. **Йулдошев И., Шарипова У.** Тилшуносликка кириш.-Тошкент: Иктисод-молия, 2007.

## **"Тил тараккиётининг жамият тараккиёти билан муносабати. Тил тараккиётининг ички ва ташқи қонуниятлари. Тил структураси ва системаси. Тил - системалар системаси сифатида" мавзуси юзасидан адабиётлар руйхати**

1. **Солнцев В.М.** Язык как системно - структурное образование. -М.: Наука, 1977.
2. **Нурмонов А., Йулдошев Б.** Тилшунослик ва табиий фанлар. -Тошкент: Шарк, 2001.
3. **Ирискулов М.** Тилшуносликка кириш.-Тошкент: Укитувчи, 1992.
4. **Собиров А.** Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ, этиш. Филол.фан.д-ри ... дис. автореф.-Тошкент, 2005.
5. **Йулдошев И., Шарипова У.** Тилшуносликка кириш.-Тошкент: Иктисод-молия, 2007.
6. **Бушуй Т., Сафаров Ш.** Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. Тошкент: Фан, 2007.
7. **Жамолхонов Х.** Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент, 2008.

## **"Фонетика ва фонология" мавзуси юзасидан адабиётлар руйхати**

1. **Нурмонов А.** Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси.-Тошкент, 1990.
2. **Абдуазизов А.А.** Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси.-Тошкент, 1992.
3. **Набиева Д.** Ўзбек тилида лисоний бирликларнинг инвариант-вариант муносабати (фонологик сатҳ). Филол.фан.номз...дис. -Тошкент, 1998.
4. **Йулдошев И., Шарипова У.** Тилшуносликка кириш.-Тошкент: Иктисод-молия, 2007.
5. **Бушуй Т., Сафаров Ш.** Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. -Тошкент: Фан, 2007.
6. **Жамолхонов Х.** Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент, 2008.

**“Ёзув, Алфавит, Орфография ва унинг принциплари” мавзуси юзасидан адабиётлар рўйхати**

1. Маҳмудов Н. Тил ва ёзув. –Тошкент: Ўзбекистон, 1987.
2. Маҳмудов Н. Ёзув тарихидан қисқача лугат-маълумотнома. –Тошкент: Фан, 1990.
3. Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. –Тошкент, 1992.
4. Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси. – Тошкент: Фан, 2005.
5. Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Иқтисод-молия, 2007.
6. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 2008.
7. Жамолхонов Х. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. –Тошкент, 2009.

**“Лексикология, Семасиология” мавзуси юзасидан адабиётлар рўйхати**

1. Бегматов Э., Нейматов Х., Расулов Р. Лексик макросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. –1989, №6, -Б.35-40.
2. Орифжонов Ш. Ўзбек тилида лугавий градуонимия; Филол.фан.номз....дис.автореф. –Тошкент, 1996.
3. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш; Филол. фан. док-ри...дис. –Тошкент, 1997.
4. Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия. Филол.фан.номз...дис. –Тошкент, 1997.
5. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабат турлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
6. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. - Тошкент: Маънавият, 2004.
7. Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили.-Тошкент, 2004.
8. Йўлдошев И. Ўзбек китобатчилик терминологияси. – Тошкент: Фан, 2005.
9. Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Иқтисод-молия, 2007.
10. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 2008.
11. Расулов Р. Умумий тилшунослик (ОТМ учун дарслик).-Тошкент, 2010.

**“Грамматика, Морфология, Синтаксис” мавзуси юзасидан адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. –Тошкент: Фан, 1975.
2. Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшуносликка кириш. -Тошкент: Иқтисод-молия, 2007.
3. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 2008.

**“Жаҳон тиллари таснифи” мавзуси юзасидан адабиётлар рўйхати**

1. Ирискулов М.А. Тилшуносликка кириш.- Тошкент, 1992.
2. Реформатский А.А. Введение в языковедение. –М., 2003.
3. Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшуносликка кириш. -Тошкент: Иқтисод-молия, 2007.

**“Лингвистика турлари ва лингвистик методлар ҳақида бошланғич маълумотлар” мавзуси юзасидан адабиётлар рўйхати**

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.- М., 1966.
2. Косовский Б.И. Общее языковедение. -Минск. 1969.
3. Ne'matov N. Ilmiy tadqiq metodikasi, metodologiyasi va metodlari.- Buxoro, 2006.
4. Расулов Р. Умумий тилшунослик (ОТМ учун дарслик). –Тошкент, 2010.

# «Тилшунослик асослари» фанидан ХОРИЖИЙ МАНБАЛАР

## РУС ТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР:

1. Кондрашов Н.А. История лингвистических учений.-М., 1974
2. Солнцев В.М. Язык как системно – структурное образование. –М.: Наука, 1977.
3. Реформатский А.А. Введение в языковедение. –М., 2003.
4. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.- М., 1966.
5. Косовский Б.И. Общее языковедение. -Минск. 1969.

## Немец тилидаги адабиётлар:

1. Admoni W. Der deutsche Sprachbau. - Berlin, 1964. - S. 231.
2. Behagel O. Deutsche Syntax. Bd. II. - Heidelberg, 1924. - S. 113.
3. Brinkmann H. Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung.- Dusseldorf, 1962. - S. 223.
4. Buhler K. Sprachtheorie. - Vena, 1934. - S. 173.
5. Bondzio W. Bedeutung und Satzmodelle // Beitrage zum Valenztheorie. - Halle (Saale), 1971. - S. 200-210.
6. Bondzio W. Valenz in der Lexikographie // Wortschatzforschung heute. - Leipzig, 1982. - S. 110-115.
7. Deutsche Sprache. Kleine Enzyklopadie. - Leipzig: VEB. Biblio-graphisches Institut, 1983. - S. 400.
8. Dirsch H. Verben der Fortbewegung in der deutschen Sprache der Gegenwart. -Berlin, 1972. -S.111.
9. Engel V. Syntax der deutschen Gegenwartsprache. – Berlin, 1982. – S. 102.
10. Engel V. Kommunikative Grammatik // Deutsch als Fremdsprache (DaF). 1993, № 6. -S.33-42.
11. Erben J. Abriß der deutschen Grammatik. – Berlin, 1984. – S. 231.
12. Helbig C., Schenkel W. Einfurung in die Valenzthoerie // Worterbuch zur Valenz und Distribution deutschen Verben. – Leipzig, 1973. – S. 9–55.
13. Helbig C. Valenz, Semantik und Satzmodelle // Deutsch als Fremdsprache (DaF). – 1976, №2. – S. 99–110.
14. Lexikologie der deutschen Gegenwartsprache. – Tubungen, 1992. –S.191.
15. Yung W. Grammatik der deutsche Sprache. – Leipzig, 1988. – S.54.
16. Nieder Z. Lernengrammatik fur Deutsche als Fremdsprache. – Dusseldorf, 1987. – S. 179.
17. Marthe P. Semantik des Deutschen welder. – Berlin, 1998.
18. Schmidt W. Lexikalische und aktulle Bedeutung. – Berlin, 1963. – S. 45.
19. Schroder E. Valenz, Rektion und Praposition // Deutsch als Fremdsprache. – 1987, №6. – S. 72–84.
20. Schwitalla j. Verbvalenz und text // Deutsch als Fremdsprache. - 1985. - №5. - S. 164-166.
21. Wotjak G. Einige uberlegungen zur Valenztheorie und Kasusgrammatik // Deutsch als Fremdsprache. – 1988, №3. – S. 177–181.

## Инглиз тилидаги адабиётлар:

1. Bendix E.H. Componential Analysis of General Vocabulary. sal, 32, 1966.2 (part 2).
2. Fillmore Ch. J. The Case for case // Universals in Lingwistic Theory. – New York, 1978. – P. 46.
3. Fillmore Ch. J. Toward a Modern Theory of Case // Modern Studies in England. Readings in Transformational Grammar. – New Jersey, 1969. – P. 200.
4. Lyons J. Semantical. – Cembridge, 1977, vol.1.
5. Nida E.A. Analysis of meaning and dictionary meaning // International jornal of American linguistics. –1985. –P. 96 – 121.
6. Wallace A. The problem of psuchological validity of componential analysis // American Anthropologist. V.67. –1965. – P. 5 – 35.



# Tilshunoslik asoslari fanidan mavzular

## ANNOTATSIYALARI

### Fanning nazariy (leksiya) mashg'ulotlari mazmuni

Tilshunoslik asoslari fani, uning mundarijasi, maqsadi, vazifasi va ahamiyati.

Tilshunoslik asoslari fanining maqsadi va vazifasi talabalarni til falsafasi, til nazariyasi bilan tanishtirish, til hodisalari tahlilidan nazariy xulosalar chiqarishga o'rgatish.

Tilning mohiyati. Tilning mohiyati haqidagi qarashlar.

**Til – insoniyatning eng muhim aloqa vositasi. Fikr almashinuv (kommunikatsiya) va uning asosiy vositalari**

Til va tafakkur. Tilning tafakkur bilan chambarchas bog'liqligi.

Til va mantiq birliklarining o'zaro munosabati.

Til va nutqiy faoliyat.

### Tilning paydo bo'lishi

Tilning paydo bo'lishi haqidagi farazlar: tovushga taqlid farazi, undov farazi, ijtimoiy kelishuvlar va mehnat chaqiriqlari farazi.

Tilning paydo bo'lishi haqidagi asosiy faraz.

Tilning paydo bo'lishi jarayonida mehnat omilining muhim ekanligi.

Tillarning o'zaro ta'siri va uning rivojlanish qonuniyatlari.

### Til taraqqiyotining jamiyat taraqqiyoti bilan munosabati

Tilning ijtimoiy hodisa ekanligi. Til taraqqiyoti jarayoni. Til taraqqiyotining ichki va tashqi qonuniyatlari. Substrat va superstat. Tilning strukturasi va sistemasi tushunchasi. Til sistemalar sistemasi sifatida. Til strukturasi elementlari.

### Fonetika va fonologiya tushunchasi

Nutq tovushlari tilning tabiiy material sifatida. Nutq tovushlarining akustikasi va artikulyatsiyasi. Nutq tovushlarining tasnifi. Vokalizm va konsonantizm. Unli tovushlarning tasnifi. Nutqning fonetik bo'laklari: jumla (fraz), takt, bo'g'in, tovush. Enlitika va enkliza hodisasi. Proklitika va prokliza hodisasi. Bo'g'in va uning turlari. Intonatsiyaning vazifasi. Urg'u va uning turlari. Nutq tovushlarining o'zgarishi. Reduksiya. Nutq tovushlarining pozitsion va kombinator o'zgarishlari. Fonema tushunchasi va uning tovushdan farqi.

### Yozuv

Yozuv va uning jamiyat taraqqiyotidagi ahamiyati. Til va yozuv. Yozuvning paydo bo'lishi. Yozuv tarixining piktografik, ideografik, fonografik bosqichlari. Alfavit. Hozirgi o'zbek alfaviti va lotin yozuvi asosidagi o'zbek alifbosi. Alfavitning o'zgarishiga sabab bo'ladigan omillar. Orfografiya va uning prinsiplari. Fonetik prinsip. Morfologik prinsip. Tarixiy-traditsion prinsip. Maxsus yozuv turlari.

### Leksikologiya

Leksikologiya. Leksikologiyada o'rganiladigan muammolar. Leksikologiya sohalari. Semasiologiya, onomasiologiya, toponimika, etimologiya, frazeologiya. Tilning lug'aviy birligi va grammatik birligi.

### Leksema va uning semantik strukturasi

Leksema til birligi, so'z forma nutq birligi sifatida. Til va nutq, uning birliklari haqida dastlabki ma'lumotlar. Leksik ma'no (denotat) va tushuncha (signifikat). Leksema va termin. Semema. Noema. Sema turlari. So'zning semantik strukturasi.

Monosemantizm va polisemantizm. Leksik ma'noning taraqqiyot yo'llari: metafora, metonimiya, sinekdoxa, funksional ko'chish. So'z ma'nosining kengayishi va torayishi. Leksik ma'no taraqqiyoti. So'zlarning shakl va ma'no munosabatiga ko'ra turlari. Omonimiya. Sinonimiya. Antonimiya. Giponimiya. Partonimiya. Gradunomiya.

### Tilning lug'at tarkibi

Dialektizmlar. Arxaizmlar. Istorizmlar. Neologizmlar. Tabu va evfemizmlar. Jargon va argolar. Etimologiya va uning turlari. Frazeologiya. Frazeologik iboralarning turlari. Leksikografiya. Lug'at turlari: ensikopedik lug'at, lingvistik lug'at. Lingvistik lug'at turlari.

## **Tilning material strukturasi**

Soʻz va morfemaning tuzilishi. Morfema tushunchasi. Morfemaning turlari. Affiksial morfemaning vazifasiga koʻra turlari. Soʻz yasovchi affiksial morfemalar. Affiksial morfemaning oʻrniga koʻra turlari.

Soʻz material strukturasi oʻzgarishi: soddalashish, morfologik qayta boʻlinish, murakkablashish.

### **Grammatika**

Grammatika va uning boʻlimlari: morfologiya va son kategoriyasi, rod kategoriyasi. Kelishik kategoriyasi, shaxs-son kategoriyasi. Grammatik maʼnoning ifodalanish usullari: sintetik usul, analitik usul. Grammatik forma va kategoriyalar. Grammatik kategoriyalarning turlari.

### **Morfologiya**

Soʻz tuzilishi turkumlarga ajratish prinsiplari. Soʻz turkumlarining tasnifi: mustaqil soʻz turkumlari, yordamchi soʻz turkumlari, alohida guruhni tashkil etadigan soʻz turkumlari.

Soʻz tuzilishi (morphology) tuzilishi.

### **Sintaksis**

Sintaksis qismlari: soddaga gap sintaksisi, qoʻshma gap sintaksisi, murakkab qoʻshma gap sintaksisi. Sintaktik munosabat turlari: predikativ va nopredikativ bogʻlanish. Soʻz birikmasi. Soʻz birikmasining qoʻshma soʻz va gapdan farqi. Soʻz birikmasining turlari: oʻtli birikma, feʼli birikma, sifatli birikma, ravishli birikma. Gap. Gapning tasnifi, ifoda va maqsadiga koʻra turlari. Gapning aktual boʻlinishi.

### **Jahon tillarining tasnifi (klassifikatsiyasi)**

Jahon tillarining xilma - xilligi. Tillar tasnifining asoslari. Tillar tasnifining turlari. Tipologik tasnif turlari. Jahon tillarining geneologik va tipologik tasnifi.

### **Lingvistika turlari**

Dinamik lingvistika. Statik lingvistika. Atomistik lingvistika. Struktural lingvistika. Sinxron lingvistika. Diaxron lingvistika. Intralingvistika. Ekstralingvistika. Paralingvistika. Psixolingvistika. Sotsiolingvistika. Etnolingvistika. Matematik lingvistika. Kompyuter lingvistikasi. Kognitiv lingvistika va b.

### **Lingvistik metodlar haqida boshlangʻich maʼlumotlar**

Metod. Metodologiya. Diaxron tadqiqot metodlari. Sinxron tadqiqot metodlari. Lingvistik metodlar haqida boshlangʻich maʼlumotlar. Ilmiy tadqiqot mavzusini va yoʻnalishini tanlash.

## Муаллифлар ҳақида маълумот

Юлдашев Иброҳим Жураевич 1957 йилнинг 1 январиди Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида тугилган. 1974 йилда ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан тугаллагандан сўнг Кўкон шаҳридаги бир йиллик ҳисобчи-бухгалтерлар тайёрлаш мактабига ўқишга кириб, уни 1975 йилда тугатади. Шу йили Тошкент давлат маданият институтининг Кутубхонашунослик факультетига ўқишга киради. Уни 1979 йилда имтиёзли диплом билан тамомлаб, тақсиротга кўра шу институтнинг «Техника воситалари ва информатика» кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлаб бoшлаган.



1979-1981 йилларда ҳарбий хизматда бўлиб келган. Ҳарбий хизматдан кейин яна мазкур кафедрада иш фаолиятини давом эттирган.

1988 йилда ф.ф.д.проф. Низомиддин Маҳмудов илмий раҳбарлигида «Библиотечно-библиографическая терминология узбекского языка» 10.02.02 – ўзбек тили ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

2005 йилда «Ўзбек китобатчилиқ терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Низомий номидаги ТДПУнинг «Умумий тилшунослик» кафедрасида 1989 йилдан эътиборан ишлаб келмоқда. Ўтган давр ичида у ТДПУда қуйидаги вазифаларда ишлади:

- 1989-1990 й. сиртки Филология факультети декан ўринбосари;
- 1990-1993 й. кечки тарих-филология факультети декани;
- 1993-1994 й. Анкара университетида турк тилини ўрганиш бўйича стажировка;
- 1995-1996 й. Низомий номидаги ТДПУ ўқув бўлими бошлиғи;
- 1996-1998 й. Низомий номидаги ТДПУда докторантура;
- 1999.01.-1999.09. Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Академик лицей директори;
- 1999-2005 й. Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани;
- 2005-2006 й. «Ўзбек тили тарихи ва Шарқ тиллари» кафедраси мудири в.б.;
- 2006-2010 й. «Умумий тилшунослик» кафедраси профессори, «Ўқув адаби-ётлари таъминоти ва мониторинги маркази» раҳбари;
- 2010 йил апрелдан эътиборан Тарих факультети декани.

И.Ж.Юлдашев «Умумий тилшунослик» кафедрасида «Тилшунослик асослари», «Ўқитувчи нутқи маданияти», «Амалий ўзбек тили» фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар олиб боради. Юзга яқин илмий-методик ишлар муаллифи. Унинг муаллифлигида иккита монография, ҳаммуаллифликда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун «Давлат тилида иш юритиш» дарслиғи, олий таълим тизими учун «Тилшунослик асослари» ўқув қўлланмаси, умумий ўрта таълим тизими учун «Она тили ва адабиётдан ноанъанавий дарслар», мактабгача таълим муассасалари учун «Адабиётда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги» номли методик қўлланмалар чоп этилди.

И.Юлдашев илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг шоғирдлари Республикамизнинг турли таълим муассасаларида илмий-педагогик фаолият юритмоқдалар. Унинг раҳбарлигида бир нечта магистрлик ва номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинган. И.Юлдашев Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Низомий номидаги ТДПУ, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш ва семинарларда аъзо сифатида диссертациялар муҳокамасида фаол иштирок этиб келмоқда.

**Саодат Муҳамедова:** 1970 йилда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўзбек тили ва адабиёти факультети “Умумий тилшунослик” кафедраси мудири.

С.Муҳамедова 1999 йилда проф.М.Миртожиев раҳбарлигида “Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. 2007 йилда “Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади (илмий маслаҳатчи – проф.Р.Расулов). У филология фанлари номзоди (2000), доцент (2007) ва филология фанлари доктори (2008) илмий даража ва унвонларига эга.



У 50 дан ортиқ илмий-методик ишларни нашр қилдирган. Шулардан 7 таси алоҳида китоблар, 43 таси илмий журнал ва тўпламлардаги мақолалардир. Унинг феъл семантикаси ва компьютер лингвистикасига оид илмий монография, мақолалари, дарслик ва ўқув қўлланмаларидан бугунги кунда Республикаимизнинг кўпгина ОМТда фойдаланилмоқда. ЎзМУ профессори А.Пўлатов билан ҳаммуаллифликда нашр қилдирган “Компьютер лингвистикаси” ўқув қўлланмаси бу соҳада Республикадаги биринчи ва ягона ўқув қўлланма ҳисобланади.

С.Муҳамедова фаол равишда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Унинг шогирдлари Республикаимизнинг турли ОМТда илмий-педагогик фаолият олиб боришмоқда. С.Муҳамедова Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ва ТДПУ ҳузуридаги ихтисослашган Илмий кенгаш ва семинарлар аъзоси сифатида докторлик ва номзодлик диссертацияларига муносиб баҳо бериб келмоқда.

С.Муҳамедова Республика Таълим маркази Ўзбек тили таълими бўйича Илмий-методик кенгаш раиси сифатида ўзбек тилининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, таълимий-тарбиявий имкониятларини кучайтириш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

С.Муҳамедова жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келади. У ўзбек тилининг ижтимоий аҳамияти, нуфузи, уни ўрганиш ва ўргатиш ишлари тўғрисида телевидение ва радиода мунтазам чиқишлар қилади. У Зулфия номидаги Давлат мукофотини бериш бўйича Тошкент шаҳар комиссияси аъзоси. С.Муҳамедова оилали, икки фарзанднинг онаси.

Филология фанлари номзоди, доцент Ўлмас Шарипова 1956 йилда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилди.

1963 йилда Чилонзор туманидаги 64- (ҳозирги 201-) мактабга ўқишга борди. 1973 йилда мактабни олтин медаль билан битириб, Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетига ўқишга кирди. 1-босқичдан бошлаб, машҳур олим М.Миртожиев раҳбарлигида сўз маъносини тадқиқ этиш бўйича изланишлар олиб борди.

1975 йилда Бошқирдистон Давлат университетида бўлиб ўтган талабалар халқаро анжуманида 3-босқич талабаси Ў.Шарипованинг ўқиган маърузаси юқори баҳоланди.

1978 йилда университетни имтиёзли диплом билан якунлади. Мактаб ва коллежларда меҳнат фаолиятини бошлади 1988 йилдан бери ТДПУда ишлаб келмоқда. Диплом иши раҳбари профессор М.Миртожиев унинг номзодлик диссертациясига ҳам раҳбарлик қилди. 1977 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади 2003 йилда эса доцентлик унвонини олди.

Ўзбек тили ва адабиёти факультети “Умумий тилшунослик” кафедрасида Тилшунослик асослари, Умумий тилшунослик, Ўзбек тили стилистикаси фанларидан маърузалар ўқийди. Ушбу фанлар бўйича ўқув қўлланмаларини ёзган. Шулардан, И.Йўлдошев билан ҳамкорликда ёзган “тилшунослик асослари” ўқув қўлланмаси 2009 йилда Республика миқёсида ўтказилган танловда 1-ўринни эгаллади.

Олимнинг қуйидаги ишлари нашр қилинган:

1. “Юмуи феълларининг объект валентлиги”, 2000 йил.
2. “Тилшунослик асослари” ўқув қўлданмаси 2006, 2007 йиллар (2 марта нашр қилинган).
3. “Ўзбек тили стилистикаси” ўқув қўлланмаси. 2009 йил.
4. “Тилшунослик асосларидан машқлар тўплами”. Методик қўлланмаси. 2001 йил.
5. “Нутқ маданияти” Методик қўлланмаси, 2001 йил.
6. 50 га яқин мақолалари республика миқёсида нашр қилинган.

Оилали, 4 та фарзанди ва 6 та набираси бор.



# ТИЛГА ОИД НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

### DAVLAT TILI HAQIDA

(yangi tahrirda)

**1-modda.** O'zbekiston Respublikasining davlat tili o'zbek tilidir.

**2-modda.** O'zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi respublika hududida yashovchi millat va elatlarning o'z ona tilini qo'llashdan iborat konstitutsiyaviy huquqlariga monelik qilmaydi.

**3-modda.** O'zbek tilining O'zbekiston Respublikasi hududida davlat tili sifatida amal qilishining huquqiy asoslari ushbu Qonun va boshqa qonunlar bilan belgilab beriladi.

Tilning Qoraqalpog'iston Respublikasida amal qilishiga bog'liq masalalar, shuningdek, Qoraqalpog'iston Respublikasining qonun hujjatlari bilan belgilanadi.

Ushbu Qonun tillarning turmushda, shaxslararo muomalada hamda diniy va ibodat bilan bog'liq udumlarni ado etishda qo'llanishini tartibga solmaydi.

Fuqarolar millatlararo muomala tilini o'z xohishlariga ko'ra tanlash huquqiga egadirlar.

**4-modda.** O'zbekiston Respublikasida Davlat tilini o'rganish uchun barcha fuqarolarga shart-sharoit hamda uning hududida yashovchi millatlar va elatlarning tillariga izzat-hurmat bilan munosabatda bo'lish ta'minlanadi, bu tillarni rivojlantirish uchun shart-sharoit yaratiladi.

Fuqarolarga davlat tilini o'qitish bepul amalga oshiriladi.

**5-modda.** O'zbekiston Respublikasida davlat tilida faoliyat ko'rsatadigan, milliy guruhlar zich yashaydigan joylarda esa — ularning tillarida faoliyat ko'rsatadigan maktabgacha tarbiya, bolalar muassasalarini tashkil etish ta'minlanadi.

**6-modda.** O'zbekiston Respublikasida yashovchi shaxslarga ta'lim olish tilini erkin tanlash huquqi beriladi.

O'zbekiston Respublikasi davlat tilida, shuningdek, boshqa tillarda ham umumiy, hunar-texnika, o'rta maxsus va oliy ma'lumot olishni ta'minlaydi.

**7-modda.** Davlat tili rasmiy amal qiladigan doiralarda o'zbek adabiy tilining amaldagi ilmiy qoidalari va normalariga rioya etiladi.

Davlat o'zbek tilining boyitilishi va takomillashtirilishini ta'minlaydi, shu jumladan, unga hamma e'tirof qildan ilmiy-texnikaviy va ijtimoiy-siyosiy atamalarni joriy etish hisobiga ta'minlaydi.

Yangi ilmiy asoslangan atamalar jamoatchilik muhokamasidan keyin va Oliy Majlis tegishli qo'mitasining roziligi bilan o'zbek tiliga joriy etiladi.

**8-modda.** O'zbekiston Respublikasining qonunlari, davlat hokimiyati va boshqaruv organlarining boshqa hujjatlari davlat tilida qabul qilinadi va e'lon etiladi. Bu hujjatlarning tarjimalari boshqa tillarda ham e'lon qilinadi.

Mahalliy hokimiyat va boshqaruv organlarining hujjatlari davlat tilida qabul qilinadi va e'lon etiladi. Muayyan millat vakillari zich yashaydigan joylarda mahalliy hokimiyat va boshqaruv organlarining hujjatlari respublika davlat tilida hamda mazkur millat tilida qabul qilinadi va e'lon etiladi.

**9-modda.** Davlat hokimiyati va boshqaruv organlarida ish davlat tilida yuritiladi va zaruriyatga qarab boshqa tillarga tarjima qilinishi ta'minlanadi.

O'zbekistonda o'tkaziladigan xalqaro anjumanlarda davlat tili, shuningdek, qatnashchilarning o'zlari tanlagan tillar anjumaning ish tili hisoblanadi.

**10-modda.** Korxonalar, muassasalar, tashkilotlar va jamoat birlashmalarida ish yuritish, hisob-kitob, statistika va moliya hujjatlari davlat tilida yuritiladi, ishlovchilarning ko'pchiligi o'zbek tilini bilmaydigan jamoalarda davlat tili bilan bir qatorda, boshqa tillarda ham amalga oshirilishi mumkin.

**11-modda.** Sudlov ishlari yuritish davlat tilida yoki o'sha joydagi ko'pchilik aholi tilida olib boriladi. Ishda ishtirok etayotgan, sud ishlari yuritilayotgan tilni bilmaydigan shaxslarga tarjimon orqali ishga oid materiallar bilan tanishish, sud jarayonida ishtirok etish huquqi hamda sudda ona tilida so'zlash huquqi ta'minlanadi.

Korxonalar, tashkilotlar va muassasalar o'rtasidagi xo'jalik nizolarini ko'rib chiqish va hal qilishda davlat tili qo'llaniladi. Xo'jalik nizolari taraflarning roziligi bilan boshqa tilda ham ko'rib chiqilishi mumkin.

**12-modda.** O'zbekiston Respublikasida notarial harakatlar davlat tilida amalga oshiriladi. Fuqarolarning talabiga ko'ra rasmiylashtirilgan hujjat matni davlat notariusi yoki notarial harakatni bajarayotgan shaxs tomonidan rus tilida yoki imkoniyat bo'lgan taqdirda — boshqa maqbul tilda beriladi.

**13-modda.** Fuqarolik holatini qayd etuvchi hujjatlar, shaxsning kim ekanligini va uning huquqlarini tasdiqlovchi hujjatlar davlat tilida rasmiylashtiriladi, zaruriyatga qarab boshqa tilda tarjimai takrorlanishi mumkin.

**14-modda.** O'zbekiston Respublikasi hududida yashovchi shaxslarga davlat tashkilotlari va muassasalariga, jamoat birlashmalariga arizalar, takliflar, shikoyatlar bilan davlat tilida va boshqa tillarda murojaat qilish huquqi ta'minlanadi.

**15-modda.** O'zbekiston Respublikasida yashovchi shaxslar, o'z millatidan qat'i nazar, o'z ismini, otasining ismi va familiyasini milliy-tarixiy an'analarga muvofiq yozish huquqiga egadirlar.

**16-modda.** Televidenie va radioeshittirishlari davlat tilida, shuningdek, boshqa tillarda olib boriladi.

**17-modda.** Noshirlik faoliyati davlat tilida, ehtiyojlarni hisobga olgan holda esa, boshqa tillarda ham amalga oshiriladi.

**18-modda.** Pochta-telegraf jo'natmalari davlat tilida yoki fuqarolarning xohishiga ko'ra – boshqa tilda amalga oshiriladi.

**19-modda.** Muassasalar, tashkilotlar va jamoat birlashmalari muhrlari, tang'alari, ish qog'ozlarining matnlari davlat tilida bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasi hududida joylashgan xalqaro tashkilotlar va muassasalar, qo'shma korxonalarining, shuningdek, milliy madaniy jamiyatlar va markazlarning muhrlari, tang'alari, ish qog'ozlari matnlarining tarjimasi davlat tilida takrorlanadi.

**20-modda.** Lavhalar, e'lonlar, narxnomalar va boshqa ko'rgazmali hamda og'zaki axborot matnlari davlat tilida rasmiylashtiriladi va e'lon qilinadi hamda boshqa tillarda tarjimasi berilishi mumkin.

**21-modda.** Korxonalarda ishlab chiqariladigan mahsulot davlat tilidagi va boshqa tillardagi yorliqlar, yo'riqnomalar, etiketkalar bilan ta'minlanadi.

**22-modda.** Respublikaning ma'muriy-hududiy birliklari, maydonlari, ko'chalar va geografik obyektlarining nomlari davlat tilida aks ettiriladi.

**23-modda.** O'zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomasi matnlari, agar shartnomaning o'zida boshqacha qo'lda nazarda tutilmagan bo'lsa, davlat tilida va ahdlashuvchi tomonning (tomonlarning) tilida yoziladi.

**24-modda.** O'zbekiston Respublikasida davlat tiliga yoki boshqa tillarga mensimay yoki xusumat bilan qarash taqiqlanadi. Fuqarolarning o'zaro muomala, tarbiya va ta'lim olish tilini erkin tanlash huquqini amalga oshirishga to'sqinlik qiluvchi shaxslar qonun hujjatlariga muvofiq javobgar bo'ladilar.

# ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ фанидан

## Баҳолаш мезонлари

Юқори баҳолаш бали (ЮБ) – 100 балл. Саралаш бали (СБ) – 56 балл. Жорий ва оралиқ назоратларга 85 балл берилади, якуний назоратга 15 балл берилади.

ОН мак. 30 балл, саралаш 16 балл

1 - ЖН мак. 10 балл, саралаш 6 балл

2 - ЖН мак. 10 балл, саралаш 6 балл

3 - ЖН мак. 10 балл, саралаш 6 балл

4- ЖН мак.10 балл, саралаш 6 балл

ЯН мак. 30 балл

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар тавсия этилади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

тилларнинг таснифи, тилшунослик муаммолари ҳақида хулоса ва қарор қабул қилиш;

тилнинг назарий масалалари доирасида ижодий фикрлай олиш;

тил ва нцтк ҳодисалари ҳақида мустақил мушоҳада юрита олиш;

тилшунослик бўлимларидан олган билимларини амалда қўллай олиш;

грамматика моҳиятини тушуниш;

лингвистика турларини билиш, айтиб бериш;

жаҳон тиллари харитаси ҳақида тасаввурга эга бўлиш.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

тил ҳодисалари ҳақида мустақил мушоҳада юрита олиш;

тилшунослик бўлимларидан олган билимларини амалда қўллай олиш;

грамматика моҳиятини тушуниш;

лингвистика турларини билиш, айтиб бериш;

жаҳон тиллари харитаси ҳақида тасаввурга эга бўлиш.

в) 56-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

грамматика моҳиятини тушуниш;

лингвистика турларини билиш, айтиб бериш;

жаҳон тиллари харитаси ҳақида тасаввурга эга бўлиш.

г) қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-55 балл билан баҳоланиши мумкин:

тилшунослик фанининг предмети, максоди, мазмуни ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;

тилшунослик бўлимларини билмаслик.



**Тилшунослик асослари фанидан назорат турлари ва шакллари бўйича  
БАЛЛАР ТАҚСИМОТИ**

Назорат шакллари	Назорат турлари	Наз. Баллар	Наз. сон
2.	3.	4.	5.
Жорий назорат Мустақил иш	Оғзаки сўраш	10	1
	Оғзаки сўраш	10	1
	Оғзаки сўраш	10	1
	Оғзаки сўраш	10	1
Жами		40	4
Оралик назорат	Ёзма иш	30	1
Жами		30	1
Якуний назорат	Ёзма иш	30	1
Жами		100	

**Тилшунослик асослари фани бўйича талабалар билимларини  
рейтинг тизими асосида назорат мезонлари**

№	Кўрсаткичлар	ЖН баллари	ОН баллари			ЯК баллари
			ОН		Жами ОН ва ЖН	
1.	Дарсга қатнашганлик даражаси	0 – 5				
2.	Маъруза конспекти ва маърузада ўтилган мавзуларни ўзлаштирганлик даражаси.		0 - 30			
3.	Семинар дарсларида тайёргарлиги, адабиётлардан конспект олиши, сўзга чиқиши, вазифаларни билиши ва баён этиш савияси.	0 – 15				
4.	Мустақил таълим топшириқларини бажариш, уларнинг мазмунини ўзлаштириш даражаси.	0 – 20				
5.	Якуний назоратда оғзаки Жавоб ёки ўтказилган ёзма, тест синовларига жавоблар.					0-30
	<b>ЖАМИ</b>	0 – 40	0 -30		0 - 70	0 – 30

**Тилшунослик асослари фани бўйича талабанинг билимларини назоратда қуйидаги намунавий  
мезонлар инobatта олинади**

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Хулоса ва қарор қабул қилиш. Ижодий фикрлай олиш. Мустақил мушоҳада юритиш. Амалда қўллай олиш. Моҳиятини тушуниш. Билиб айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш.
71-85	Яхши	Мустақил мушоҳада юритиш. Амалда қўллай олиш. Моҳиятини тушуниш. Билиб айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш.
55-70	Қониқарли	Моҳиятни тушуниш. Билиб айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш.
0-54	Қониқарсиз	Аниқ тасаввурга эга эмаслик. Билмаслик.

Босишта 2011 йил 18 ноябрда рухсат этилди.  
Бичими: 60x84 1/8 Times гарнитураси.  
Офсет босма. Шартли 6-т.: 20,0. Адади 30 нуска.  
Буортма №45

ИЗДАНИШНИ ТИЗ

"БАНЗ" МЧЖ маъбаа корхонасида чоп этилди.  
100100, Тошкент, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103-уй.

С.Я. МАННОНДИ ДИВАНИ

# **«ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ» ФАНИДАН**

## **ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Муҳаррир  
Техник муҳаррир  
Дизайнер  
Саҳифаловчи

Б. Ботиров  
А. Назаров  
Б. Тўхлиев  
Н. Раҳмонов